

65.  
P-28

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

Шавкат Раҳматуллаев

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ  
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

(1991-1996 йиллар)

1504

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ОՐТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ VILOYATI ОIИРСИНО  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
АХБОРОТ RESURS MARKAZI  
1-FILIALI

Тошкент – 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ОՐТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ VILOYATI ОIИРСИНО  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

УДК: 332.05 (09) (575.12)

ББК: 65.013.5(3У)

Р 28

Рахматуллаев, Шавкат.

Фаргона водийи шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). – Тошкент: “Нашон ношир”, 2017. – 200 б.

КБК 65.013.5(3У)

Маъсул муҳаррир:

**тарих фанлари номзоли Мусаллам Жўраев**

Тақризчилар:

**тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимова**

**тарих фанлари доктори, профессор Ж.Х. Исмаилова**

*Монографияда фанларро ёндашув асосида, республиканинг ижтимоий-демографик муаммоларини ўзида мужассамлаштирган миктақа – Фаргона водийида мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ҳолат, ислохотларнинг миллий стратегияси асосида водий шаҳарларида бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши таҳлил этилган. Шунингдек, иқтисодий трансформация жараёнларининг ижтимоий жиҳатлари – водийнинг демографик хусусиятлари, ўтиш даврида давлат томонидан аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар жараёнлари ёритилган.*

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ИГ.4-16 рақамли “Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи” мавзусидаги фундаментад тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг ФА-А1-Г016 ПЗ-2014-0906065019 рақамли “Ўзбекистоннинг энг янги тарихини фанларро ўрганиш: методлар, ёндашувлар, концепциялар” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида нашр этилди.

ЎЗМУ хузуридаги Тарих институти Илмий кенгашининг 14 декабрь 2016 йил 15-сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-378-73-5

© Нашон ношир, 2017

© Шавкат Рахматуллаев, 2017

**Устозим Мусаллам Жўраев**  
**хотирасига бағишлайман**

## С Ў З Б О Ш И

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фани муҳим ўзгаришларни бошидан кечирди. Аввало совет мафкурасидан воз кечилди, янги методологик ёндашувлар шакллана бошлади, ўрганилмаган мавзулар тадқиқот объектига айланди, қўллаб тарихий воқеа ва ҳодисалар янги талқин этила бошланди, янги таълим стандартлари асосида дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди. Шу билан бирга, фан тараққиёти ва ижтимоий ривожланиш Ўзбекистон тарихчилари зиммасига жаҳон амалиёти нагжжalarидан келиб чиқиб, тарих фанини янада юқори бўлган илмий-назарий даражага олиб чиқиш ва янги илмий йўналишларни ўзлаштириш каби вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги замон фанида фаол ривожланаётган йўналишлардан бири бу энг янги тарихдир. Ушбу йўналишнинг шаклланиши қўллаб миллий тарих мактабларида мустақил миллий давлатнинг ташкил толиши билан асосланади.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, бир томондан, жаҳон харитасида ўз ўрнига эга бўлмаган, янгидан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси номи остидаги мустақил миллий давлатнинг тарихи ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи инсоният энг янги тарихининг таркибий қисми бўлиб, жамоавий глобал воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқдир.

Энг янги тарихни ўрганишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у орқали жамоавий ҳаётга бевосита таъсир қилётган ҳодисаларни ўз вақтида англаш ва тушуниш имконлиги беради. Бинобарин, энг янги тарих жамоавий жараёнлар билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, унда келажакни кўриш билан боғлиқ бўлган тенденцияларни башорат қилиш салоҳияти жамланган.

2012 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда замонавий тарихни илмий тадқиқ этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва энг янги тарихнинг турли аспектларини ўрганишга бағишланган ишларни тахлил этиш вазифаси кўйилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи умумжаҳон ва регионал жараёнлар ҳамда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган цивилизациялар, халқлар ва давлатлар тарихий-маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ўрганишни мақсад қилиб олган илмий, ўқув-услубий адабиётлар ва бошқа нашрларнинг янги авлодини яратиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдим этилган нашр айнан Кенгаш олдига кўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган ҳаракатлардан бири, деб баҳолаш мумкин.

Дарҳақиқат, Фарғона водийси мавзуси ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг доимий диққат марказида бўлиб келган. Олимлар томонидан водийнинг иқтисодий, ижтимоий ва демографик жараёнларини тарихий жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиши, бир томондан, Фарғона водийсининг Марказий Осиёни геосиёсий маркази сифатидаги ўрни билан, иккинчи томондан, ушбу минтақанинг деярли барча зиддиятларини ўзида мужассамлаштиргани билан белгиланади. Бинобарин, мавзу юзасидан тадқиқий муҳофиза хилма-хиллигига қарамай, Ўзбекистонга қарашли Фарғона водийси ҳудудининг 1980-йиллар охиридан 1990-йиллар ўрталарига қадар бўлган давр тарихи алоҳида тадқиқот объекти ва предмети сифатида ўрганилмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, тақдим этилган китоб бу борадаги биринчи уриниш бўлиб, унинг тегишли бўлган Фарғона водийси вилоятлари, хусусан, унинг шаҳарлари мисолида Ўзбекистонда ислохотлар даврининг дастлабки мураккаб, аммо масъулиятли босқичида бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ трансформацион жараёнлар комплекс тахлил этилган ва иқтисодий ўзгаришларнинг ижтимоий жиҳатлари ҳам алоҳида ўрганилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, муस्ताқиллик йилларида “Ўзбек модели” асосида ўтказилаётган туб ислохотларнинг стратегияси ва устувор йўналишлари Ўзбекистоннинг Биринчи Президентни Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга таъбиқ этилган эди. Бу ҳақда, Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида тўхталиб, “Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишмизда доимо суянамиз. Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг муस्ताқкам пойдевори ҳисобланади”, деб таъкидлади<sup>1</sup>.

Монографиянинг дастлабки боби совет жамиятининг перманент инкирози юқори чўққисига чиққан ҳамда собиқ Иттифок таркибидаги республикалар муस्ताқиллик сари дадил қадамлар кўя бошлаган давр, яъни 1989-1991 йилларда Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳар томонлама тахлил этилиб, ҳужжатли манбалар ва статистик материаллар орқали кўриб чиқилган. Жумладан, водий вилоятлари иқтисоди – ишлаб чиқариш ва аграр соҳалари республика, айниқса, Иттифок даражаси билан солиштирилганда номуқносиб ривожлангани яққол кўзга ташланади. Ушбу фонда водийнинг ижтимоий-демографик ривожланиш тенденциялари янада аянчли кўриниш ҳосил қилган эди. Айниқса, аҳолининг тез ўсиш суръатлари қатор социал муаммолар – ишсизликнинг ортиши, ҳаёт даражасининг пасайиб кетиши каби чигал ҳолатнинг юзага келиш сабаблари ва охири оқибат, юқоридаги омиллар таъсирида водийда миллатлараро зиддиятлар даражасига етишининг илҳозлари очиб берилган.

Иккинчи бобда истиқлолнинг дастлабки беш йилида бозор муносабатларига ўтиш борасида етдиқ шажарларида иқтисодий трансформация жараёнларига эътибор қаратилган. Хусусан, социалистик тизимнинг инкирозига юз тутиши ҳамда собиқ

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “Тамкидий тахлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рақибар фидиятининг қудалик қодами бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Шавкат Мирзиёевнинг ишловатинини 2016 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга йўналган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маъкамисининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // <http://uz.uz/oz/politics/lan-oby-ta-lit-nyu-tarib-inti-zom-va-shakhsiy-zhat-obgarlik-16-01-2017>

Иттифонинг парчаланиши оқибатида, унинг негизда пайдо бўлган янги мустақил давлатлар учун ўз тараққиёт йўлини белгилаш билан боғлиқ изланишлар жараёни бошланди. Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси, хусусан, унинг раҳбарияти учун долзарб вазифага айланди. Бу борада ишлаб чиқилган "Ўзбек модели" номи остидаги миллий стратегия асосида, бутун республикада бўлгани каби водий шаҳарларида қатъий марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳўжалик юригишининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган йўлга ўтиш, ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш, яъни республикани хом ашё, минерал ресурслар ишлаб чиқарувчи худуддан, тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозордан ҳозирги кун талабдаги юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган худудга айлантириш, янги sanoat тармоқларини вужудга келтириш, замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, минерал ресурсларни қайта ишлаш тармоқлари тизимини юксалтириш ҳамда бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган илк савй-ҳаракатлар кўриб чиқилган. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, аралаш, кўп тармоқли иқтисодийни вужудга келтириш йўлида ўтказилган кичик ва оммавий хусусийлаштириш ва шу асосда янги мулкдорлар тоифасини шакллантириш илк амалиёти ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий трансформация жараёнида дуч келинган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш борасидаги амалиёт алоҳида таҳлил этилган.

Китобнинг учинчи бобида иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий жиҳатлари ўрганилган. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ҳар бир жамият ўз тарихий ривожланиш жараёнида бир тузумдан сифат жиҳатидан бошқасига ўтганда, эскилик ва янгилик орасидаги муросасиз кураш ҳамда воқеликнинг таъсирида тўпланиб қолган муаммоларнинг кескинлашишида ифодаланадиган қатор муаммолар ва қийинчиликларга дуч келади. Бу даврда аҳоли, айниқса, унинг химояланмаган, заиф қатламлари қийин аҳволга тушиб қолади. Ушбу ҳолат бу даврда ўзининг зиддиятли дамларини бошидан кечирган

Фарғона водийси, хусусан, унинг шаҳарларида яққол кўзга ташланди. Шунинг билан бирга, мустақиллик арафаси ва унинг илк йиллари минтақада шаклланган ижтимоий-демографик жараёнлар билан боғлиқ муаммолар – урбанизация даражасининг пастлиги, аҳолининг тез сўрғатлар билан ўсиши, ишсизликнинг юзага келиш сабаблари, аҳолининг ижтимоий-маиший турмуши ва экологияси масалалари, соғлиқни сақлаш тизимидаги дастлабки ўзгаришлар таҳлил этилган. Шу билан бирга, ўтиш даврида аҳолини (оммавий ва манзилли) ижтимоий химоя қилишнинг фаол механизмининг жорий этиш, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга кодир бўлган замонавий мутахассислар тайёрловчи узлуксиз таълим тизимини яратиш борасида эришилган дастлабки амалий тажриба ҳар томонлама ўрганилди.

Монографияда жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларида кечган жараёнлар қамраб олинганлигини ҳисобга олиб, уларни ёритишда фанлараро ёндашувга асосланган методологиядан, хусусан, анъанавий тарихий усуллар билан бирга, социология, иқтисодиёт, статистика, демография каби фанларда қўлланиладиган методлардан фойдаланилган.

Дарҳақиқат, мустақил тараққиётнинг илк йиллари, яъни 1991-1996 йиллар ўзининг салмоғига кўра, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда катта ўзгаришларга ва воқеликларга бой бўлгани билан бошқа даврлардан тубдан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоом Каримов дастлабки йилларда юз берган трансформацион жараёнларнинг тарихий аҳамиятига баҳо бериб: «Беш йиллик мустақил тараққиётимизнинг унча катта бўлмаган, ammo баъзи жиҳатлардан аччиқ тажрибаси босиб ўтилган йўлни таҳлил қилишни, камчиликларни ҳам, ютуқларни ҳам умумлаштиришни талаб қилади. Мамлакатимиз, халқимиз бундай тажрибани билмаган эди»<sup>2</sup> деб, таъкидлаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, бу дастлабки беш йиллик Ўзбекистонликлар, шу жумладан, водийликлар ҳаётида том маънодаги туб бурилиш ясаган муҳим тарихий босқич бўлди. Мустақилликнинг мураккаб ва ўта

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўёғасида: хавфсизликка таъкид, барқарорлик шароити ва тараққиёт қишлоқлари. Т., 1997. Б. 324.

маъсулиятли бўлган дастлабки бу беш йиллиги ўзбек халқи ҳаётида алоҳида аҳамият касб этди. Шунингдек, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтишнинг қийин, айрим ҳолларда зиддиятли масалаларнинг амалий ечимини излаб топish, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган мустабид тизимга ва унинг асосларига барҳам бериш, миллий давлатчилик ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилиш каби ўтиш даврининг кўплаб муаммолари айнан шу дастлабки беш йилликда ҳал қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Фарғона водийси шаҳарларининг мустақиллик даври тарихи мисолида республика миқёсида кечган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги трансформацион жараёнларини ва унинг қийинчиликларини, янги жамият куриш амалиётини, босиб ўтилган дастлабки босқичда амалга оширилган улкан ишларнинг тарихий аҳамиятини англаб етиш, таҳлил қилиш ва тегишли ҳулосалар чиқариш имконини беради. Ана шу асрларга тенг дастлабки босиб ўтилган тарихий йўл тажрибаларини умумлаштиришда ва уларни таҳлил қилишда республика шаҳарларида амалга оширилган ишлар муҳим аҳамият касб этди. Шунинг учун ҳам, мустақиллик шароитида шаҳарлар тараққиёти тарихини, айниқса, Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич жойлашган минтақаси бўлган Фарғона водийси шаҳарлари тарихини ўрганиш бир томондан, шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда ёрдам берса, иккинчи томондан, республикада бозор иқтисодиётига ўтиш илк даври вазифаларини бажариш борасида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва дуч келинган муаммоларни таҳлил қилиш, илмий ҳулосалар чиқариш ва амалий таклифлар киритиш имконини беради.

Бу даврда Фарғона водийси вилоятларида 55 та қатта ва кичик шаҳарлар ва шаҳар туркумидаги қўрғонлар, шундан Андигон вилоятида – 16 та, Наманганда – 20 та, Фарғонада 19 та шаҳарлар қайд этилган. Улар 1991-1996 йилларда Фарғона водийсида иқтисодий ислохотларни ҳаётга тadbик этиш, водийда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни

таркибий қайта куриш, янги саноат тармоқларини, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш ва узлуксиз таълимнинг янги тизимини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнади.

\* \* \*

Ушбу китоб, бутун фаолиятини тарих фанини ривожлантириш, шу соҳада илмий кадрлар тайёрлашга бағишлаган атоқли олим, тарих фанлари номзоли, Мусаллам Жўраев илмий раҳбарлигида 2000 йилда химоя қилинган “Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йй.)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси асосида тайёрланди.

Устоз, ЎзР ФА Тарих институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси “Янги тарих маркази” ҳамда республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларида раҳбарлик лавозимларида узок йиллар давомида самарали меҳнати орқали мамлакатимизда тарих, тарихшунослик фанлари ривожига ҳамда мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ортиб боришига ўз хиссасини қўшди.

Заҳматқаш олим халқимизнинг қадимий ва бой ўтмиш саҳифаларини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва ёритиш, республика ва халқаро илмий до'даларда тарғиб этиш ишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, унинг совет даври сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихига илмий жиҳатдан ҳаққоний баҳо берилишида Мусаллам Жўраевнинг хизматлари салмоқли бўлди. Хусусан, унинг илмий муҳафизлигида нашр этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустақиллақчилиги даврида” асари Ўзбекистон тарихининг ушбу мураккаб даврини ўрганишда муҳим манбалардан бирига айланди.

## 1-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ўзбекистон мустақиллигининг ilk йилларидан ривожланишнинг ўзига хос йўлдан бориб, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги модернизацион жараёнларни анъанавий кадриятлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, ўтиш даврида дуч келинаётган қийинчилик ва муаммолар кўп жиҳатдан ўтмиш меросига, яъни республиканинг Россия империяси, сўнгра собик Иттифок таркибида бўлган даврда халқ хўжалигида юз берган жиддий деформацияларга боғлиқ бўлиб қолмоқда<sup>3</sup>.

1980-йиллар охири ва 1990-йиллар бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар аҳолининг ўсиш суръатлари билан ишлаб чиқариш кучларининг умумий, жумладан, минтақадаги шароитларни ҳисобга олган ҳолдаги ривожланиши ўртасида номутаносиблиги билан ажралиб турарди. Республиканинг иқтисодий манфаатларини писанд қилмаслик, экологияга етказилган зарар, айрим иқтисодий, сиёсий ва мафқуравий омиллар жамиятда ижтимоий кескинликни кучайтирди.

Шу муносабат билан Ислом Каримов Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси вилоятларида юзага келган ҳолатга баҳо бериб: "...ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ҳаголлар ва яроқсиз ёндашувлар, халқ хўжалигининг тузилишида, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган катта-катта ҳаголлар ва номутаносибликлар оғир оқибатларга олиб келди. Халқ хўжалиги соҳасида бир қанча машаққатли муаммоларни вужудга келтирди. Республикада ижтимоий, иқтисодий кескинлик кучайиб, танглик ҳолати юзага келишига сабаб бўлди"<sup>4</sup>, - деб таъкидлаган эди.

Бундай шароитда Москва Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги мажмуида конструктив ўзгаришларни амалга ошириш имкониятларини мутлақо кўриб чиқмади. Аксинча, марказий

идоралар кўрсатмасига мувофиқ, республикани хом ашё етказиб берувчи худуд ҳисоблаш сиёсати давом этди ва ҳатто кучайди. Фарғона водийси бу жиҳатдан айниқса катта босим остида бўлган. Пахта яккаҳоқимлиги аксарият ҳайдаладиган ер майдонларининг қисқаришига олиб келди ва ўлканинг аграр хилма-хиллигини амалда йўқ қилди. Баъзи йилларда суғориладиган ер майдонларининг 90 %дан ортиги пахта билан банд бўлиб, уларда кўл меҳнатининг улуши 85 %дан ошиб кетди<sup>5</sup>.

1980-йилларнинг иккинчи ярмида минтақадаги учта вилоят, худуди катта бўлмаса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 1/4 қисмини, пахта хомашёсининг 30 %дан ортигини, меванинг 1/3 қисмини, ишлаб чиқарилган пахта толасининг 27 %ини, ипақ матола (шойи)нинг 90 %дан ортигини, пойфазал ишлаб чиқарилишининг 31 %ини берарди. Пахта етиштиришга қаратилган тор ихтисослашув бу ерда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни камайтириб юборган эди. Жумладан, ғаланинг умумий ҳосилида Фарғона водийсининг улуши 15 %, полиз экинлари ҳосилида 11 %, узум етиштиришда атиги 5 %ни ташкил этарди<sup>6</sup>.

Умуман олганда, Совет даврида Фарғона водийсининг халқ хўжалиги асосан қишлоқ хўжалиги йўналишида ривожлантирилди. Бу соҳада юзага келган вазиятга ер захираларидан самарали фойдаланилмаслиги (хўжалик юритиш ва сувдан фойдаланишнинг ортиқча сарф-харажатли тузилиши, хўжалик критичининг экстенсив усули ва кўл меҳнатининг устунлиги, ҳосилдорлик даражасининг пастлиги, яъни ривожланган мамлакатлардагидан 2-3 баравар камлиги)<sup>7</sup> хос эди, бу эса талайгина кў майдонларининг муомаладан чиқишига олиб келди.

Хўжалик юритишнинг архаик олхоз-соғ'оз тизими айниқса чорвачиликка салбий таъсир кўр'атарди. 1990-1992 йилларда мамлакат хўжаликларида гўшт етиштириш жадал - ўртача йилига 17 %дан камайиб борди. Фарғона водийси вилоятларида эса бу

<sup>3</sup> Қарағи: Труд в СССР. Госкомстат СССР. М., 1988. С. 235.

<sup>4</sup> Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). Т., 1990. С. 3-4.

<sup>5</sup> Ўзр Қишлоқ хўжалиги вазирлиги архиви (ЎЗР ҚХВА). Протоколъ заседания коллегии МСХ РЎз, с № 12 от 07.08.93 по № 15 от 24.09.93. // Оп. 1, ед. хр. 101. Л. 34.

кўрсаткич республикадаги ўртача кўрсаткичларидан анча фарқ қилиб, Андижон вилоятида 43 %, Фарғона вилоятида 29 %ни ташкил қилган эди.<sup>8</sup>

Совет даври охирида хўжалик юретишининг янги — ижара-пудрат шаклларига ўтилиши вазиятни ўзгартирмади. Хўжалик юретишининг совет усули парадокси шунда эдики, у эришилган юксак натижаларни ўзлаштириш ва кенг ёйишга мослашмаган ва вақти-вақти билан учраб турган эпизодик юқори натижаларни “инкор” этарди. Масалан, Наманган вилоятида ҳосилдорлик ортиши натижасида “ортиқча хосилдан кутулиш”нинг маҳсус усули қўлланила бошлади: етиштирилган қарам хосили оддийгина хайдаб ташланарди. Ёки бошқа бир мисол: консерва заводи дарвозаси олдида 4 кунлаб навбат кутишлар натижасида етиштирилган помидор ҳосилининг 60 %йгача нобуд бўларди.<sup>9</sup> Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари йиғиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш учун етарли бўлмаган.

Шунга ўхшаш вазиятни минтақа саноатининг ривожланишида, айниқса, янги қувватлар ва ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишда ҳам кузатиш мумкин эди. Масалан, 1980-йилларда Фарғона вилояти шахарлари (Фарғона, Марғилон, Кўкон, Қувасой)да саноат жадал ривожлангирилди. Айни вақтда кўшни Андижон ва Наманган вилоятларида саноат деярли ривожланмади.<sup>10</sup> Таъкидлаш жоизки республиканинг, жумладан, водийнинг ишлаб чиқариш салоҳияти хомашё ва яримфабрикатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. 1990-йиллар бошларига келиб, Фарғона минтақасида бундай корхоналар барча мавжуд корхоналарнинг деярли 80 %ини ташкил қилар, аҳоли истеъмол қиладиган товарларнинг асосий қисми ташқаридан ташиб келтириларди.

Ўз навбатида, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва капитал курилишининг барча асосий турлари марказдан туриб бошқарилиши ва режалаштирилиши, шунингдек, ресурсларнинг тақсимлаб берилиши, республикаларнинг ўз ички муаммоларини ҳал қилишдаги

ҳуқуқларини чеклаб қўйган эди. Масалан, Ўзбекистон саноатида маҳсулотнинг салкам 10 %ини республика, қолган 90 %ини эса умумиттифок органлари режалаштирарди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни тақсимлаш, шунингдек, ташқи савдо билан фақат марказий органлар шуғулланган<sup>11</sup>.

Мамлакатнинг олис худудларидаги корхона ва ташкилотлар ҳам идоравий жиҳатдан асосан Марказга бўйсунарди. Масалан, Андижон вилоятидаги 131 та йирик саноат корхонасининг 22 таси иттифок, 64 таси иттифок-республика ва атиги 45 таси республика идораларига бўйсунган<sup>12</sup>.

Шу тариха Иттифокда меҳнат тақсимоти ўзаро манфаатли тарзда ташкил этилгани ва ишлаб чиқариш қувватлари учун тўлиқ ихтисослашув бўлгани ҳақидаги иллюзиялар, аслига, Ўзбекистоннинг ягона халқ хўжалиги комплексига эгаллаган ҳақиқий иқтисодий аҳолини никоблашга хизмат қиларди, холос. Хомашёни ташиб кетиш эвазига дотация ва субвенция кўринишидаги “инъекциялар” берилар (уларга эса маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган товарлар сотиб олинарди), саноатнинг ривожланиш даражаси эса, бозор иқтисодиёти ривожланишининг классик йўли ўлчамлари бўйича баҳоланадиган бўлса, 1990-йиллар бошларида кўпроқ индустриалштиришнинг биринчи bosқичи талабларига жавоб берарди.

Демографик омил — минтақа ижтимоий соҳасининг энг мураккаб элементи ҳисобланади.

Ўлканинг демографик динамикасини таҳлил қилиш натижалари ривожланишнинг аввалги даврида нобатан қисқа вақт ичида аҳоли сонининг тез суръатларда кўпайиши билан боғлиқ холда келиб чиққан кескинликнинг ошиб бориши ҳақидаги прогнозларни тасдиқлайди. Масалан, 1959 йилдан 1991 йилгача минтақа аҳолиси

<sup>8</sup> Ўша манба, Л. 44.

<sup>9</sup> Клинова А. Многоотрасльный оазис // Правда Востока. 1989 г. 10 сентября.

<sup>10</sup> Абдуллаев Ш. М. Этнососиальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.). Автореф. Дисс. докт. ист. наук. Т. 1994 (Эл. версия).

<sup>11</sup> Зиядуллаев С. К. Прогнозирование экономического развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. Т. 1993. С. 59.

<sup>12</sup> Наринский К. М., Солиев А. С., Иминов Т. К., Мамадалиев Т. И., Жон Абдижоним (Андижон вилояти ташкил топчилигининг 50 йиллигига бағишланади) Андижон: 1991. Б. 76.

эркаклар учун — 21—23 ёшни ташкил этган)<sup>14</sup>. 30 ёшга бориб ва 50 ёшга қадар қишлоқ жойларида аҳолининг аксарияти никоҳда бўлган;

— жинслар ўртасидаги ижобий нисбат. Ажралишлар кам бўлгани холда никоҳда бўлишнинг юқори даражадалиги (тузилган никоҳларнинг 95 % дан ортиги — 1-никоҳдагилар);

— аҳолининг репродуктив майллари. Социологик сўровлар маълумотларига қараганда, 1990-йилларга қадар идеал оиладаги болалар сони тўғрисидаги “Оилада неча фарзанд бўлгани яхши?” деган саволга маҳаллий аҳоли орасида анъанавий жавоб: “Қанча кўп бўлса, шунча яхши” бўлган<sup>15</sup>.

Натижада, нисбатан кичик хуудга эга минтақада аҳоли сони нафақат кўпайган, балки зичлиги ҳам ўта салбий шакллarga эга бўлган.

2-жадвал

Фаргона водийси аҳолисининг зичлиги (1 км<sup>2</sup>га)

	1959 й.	1970 й.	1979 й.	1989 й.	1993 й.	1959/1993
Республика бўйича	18,1	26,3	34,2	44,3	49,6	2,74 марта
Андижон вилояти	183,0	252,1	321,2	409,3	464,6	2,53 марта
Наманган вилояти	75,1	107,2	131,2	186,2	215,1	2,86 марта
Фаргона вилояти	132,3	187,6	238,6	301,7	337,7	2,82 марта
Фаргона водийси	119,8	173,4	215,6	299,0	339,1	2,83 марта
Фаргона водийси / Республика	6,6 марта	6,6 марта	6,6 марта	6,75 марта	6,83 марта	--

Изоҳ: Қуйидаги маълумотлар бўйича хисо лаб чиқилган: 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари / Совет Ўзбекистони. 1990 йил 15 июнь; 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжаллиги. Йиллик статистика. Т., 1994.

Жадвалдан ҳам республика бўйича, ҳам водий бўйича аҳоли зичлигининг ўзига хос “эволюция”си сўзга тағ’ланади, бунда водий аҳолисининг зичлиги республика бўйича шундай кўрсаткичдан деярли етти баравар ортиқдир. Иттифон даражасида Фаргона водийси ушбу кўрсаткич бўйича амалда этакчилик қилган. Масалан, 1990 йилда аҳоли зичлиги бўйича Андижон вилояти СССРда биринчи

<sup>14</sup> Алиқберова Н.М., Гольфарб Б.Я., Эргашев А. Распределение населения Ферганской долины. С. 32.  
<sup>15</sup> Убайдуллаева Р.А. Современные репродуктивные усто, эвни населения Узбекистана // Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. Т., 2012. С. 7.

2,5 баравар, тегишлича 2301,7 мингдан 5725,1 минг нафаргача кўпайди<sup>13</sup>.

Фаргона водийси, Ўзбекистоннинг аҳоли энг гавжум минтақаси бўлиб, бу ерда ижтимоий-демографик жиҳатдан аҳолининг тез суръатларда кўпайиши оилаларнинг кўп болалиги билан бирга аҳоли зичлиги ижтимоий жиҳатдан зиддиятли даражагача ошишига олиб келди (1-жадвал).

1-жадвал

Оилалар ва уларнинг аъзолари сони бўйича гуруҳлари (1989 йилда)

Оилалар сони, мингта	Жумладан, оилалар таркибидаги аъзолар сони бўйича						Оила аъзоларининг ўртача сони
	2 нафар	3 нафар	4 нафар	5 нафар	6 ва ундан ортиқ нафар	6 ва ундан ортиқ нафар	
Умуман республика бўйича	3415	409	433	570	509	1494	5,5
Андижон вилояти	281	26	28	41	45	141	5,9
Наманган вилояти	250	25	26	38	42	119	5,6
Фаргона вилояти	370	43	44	59	59	165	5,5
Фаргона водийси	901	94	98	138	146	425	5,7
Республикадаги хиссаси, %	26,4	23,0	22,6	24,2	28,7	28,4	

Изоҳ: 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бўйича ҳисобланган (Манба: Совет Ўзбекистони. 1990 йил 15 июнь).

Жадвалдан кўриниб турганидек, оилаларнинг ўртача ўлчами ва таркибини қиёсий таҳлил қилиш Фаргона минтақасининг кўрсаткичлари республика кўрсаткичларига қараганда юқорирок бўлганидан далолат беради. Бу эса қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлган:

— нисбатан ёш бўла туриб никоҳга киришдек кўп йиллик анъананинг сақланиб қолгани (модал ёш аёллар учун — 18—20,

<sup>13</sup> Ҳисоб-киتاب маъбаи. Народное хозяйство УзССР за 70 лет Советской власти. Т., 1987. С. 6-7; Народное хозяйство Узбекистана в 1993 г. Статистический ежегодник. Т., 1994. С. 23.

ўринни (1 кв.км. да 427,4 нафар). Фарғона вилояти – иккинчи (313,6 нафар), Наманган вилояти – бешинчи (197,2 нафар) ўринни эгаллаган<sup>16</sup>.

Водий аҳолисининг зичлиги, бундан ташқари, маъмурий-худудий бирликларда олам кўплиги, шунингдек, шаҳар аҳолисининг зичлигида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, учта вилоятдаги 37 та тумандан (жумладан, Наманган вилоятидаги 11 та, Андижон ва Фарғона вилоятларининг ҳар биридаги 13 тадан) 24 тасида (65 %оinda) 100 мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Республика бўйича бу кўрсаткичлар тегишлича 149, 53 (35 %) бўлган. Республикамининг 100 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган 53 та тумандан 24 таси (45 %) Фарғона водийси вилоятларида жойлашган<sup>17</sup>.

Гарчи водийнинг урбанизация даражаси тадқиқ этилаётган даврда республика даражасидан кам (тегишлича 35 % ва 40 %) бўлса-да<sup>18</sup>, Фарғона водийси худудининг ҳар 1000 км<sup>2</sup>га 2,2 та шаҳар тўғри келган, айни вақтда республика бўйича бу кўрсаткич ўртача 0,5 тани ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич водийнинг турли қисмларида ўзаро фарқ қилган: Андижон вилоятида 3,6 дан Наманган вилоятидаги 1,6 гача ўзгариб туради<sup>19</sup>.

Умуман олганда, шаҳар аҳолисининг зичлиги, шунингдек, Фарғона водийси кишлоқ аҳоли пунктларининг ўртача зичлиги, республикадаги қараганда тегишлича 4,4 ва 1,5 баравар кўп эди. Бу ҳол, аввало, унинг худуди катта эмаслиги билан изоҳланади.

Амалиётнинг кўрсатишича, “ривожланган социализм” даврида юқори даражадаги демографик ўсиш ва оила тарқибиде абзоларнинг кўплиги худуддаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар билан биргаликда минтақа учун жиддий муаммо бўлган оммавий камбағалликни келтириб чиқарди. Мутахассисларнинг (совет даври охирида амалга оширилган) ҳисоб-китобларига қараганда, жон

бошига тўғри келадиган ўртача даромади 75 рублдан кам бўлган аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини тавсия этилган нормалардан анча кам, жумладан, сут маҳсулотларини 2,6 марта, туҳум ва сабзавотларни 1,7–2,0 марта, меваларни 2,4 марта кам истеъмол қилган<sup>20</sup>.

Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, республика барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича СССРда охириги ўринлардан бирини эгаллаган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар даражаси бўйича сезиларли фарқ кузатилган. Оиланинг ўртача катталиги 5–6 киши бўлиб, уларнинг 3–4 нафари бошқаларининг қармоғида бўлгани ҳолда Ўзбекистон аҳолисининг 45 % 1980-йиллар охирига келиб ойига 75 рублдан кам даромадга эга бўлган, айни вақтда бутун Иттифок бўйича бундайлар 12 %ни ташкил қилган<sup>21</sup>. 1990 йилда республика аҳолисининг 70 %га яқини кун кечирish учун зарур бўлган энг кам даромад даражасидаги даромадларга эга бўлган, айни вақтда Россия ва Украинада бундайлар 30 %ни ташкил қилган, холос<sup>22</sup>.

Лекин Фарғона водийсида аҳоли даромади бундан ҳам кам бўлган. Масалан, архив маълумотларига қараганда, 1984–1989 йилларда Андижон вилояти аҳолисининг даромадлари жон бошига 60–66 рублни ташкил қилиб, амагча ошмаган. Вилоят оилалари бюджетларини таҳлил қилиш шундан далolat бердики, колхозчилар оилаларининг 68 %и ҳамда ишчи ва хизматчилар оилаларининг 40 %и жон бошига 50 рублдан кам даромадга эга бўлган<sup>23</sup>. Ўша вақтда ўтказилган дала тадқиқотлари ҳақ кишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, айнққса, Фарғона вилоят нинг Бағдод, Бувайда, Ёзёвон, Қиров туманларида қашшоқлик даражасида бўлганини ҳамда оилавий бюджети чекланган кўп болали оилалар сони кўпайиб, етарли таъминланган оилалар эса кам йиб борганини кўрсатди<sup>24</sup>.

Камбағаллик тўйиб овқатланмаслик муаммосини келтириб чиқарди. Ўлкада асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш

<sup>20</sup> Гурьев В. И. Основы социальной статистики. Москва: Высшая школа, 1989. С. 64.

<sup>21</sup> Народное хозяйство СССР в 1988 г. Статистический ежегодник. М., 1989. С. 61.

<sup>22</sup> Экономическое обозрение. Т. 2001. № 8–9. С. 56.

<sup>23</sup> Андижон вилояти давлат архиви (Бундан кейин OLAFABA.AK.VIYOH.MAKSUSI.KA.IZOMI.VAZIRLIGI).

<sup>24</sup> Абдуллаев Ш. М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Узбекистане. Ташкент: Илим, 1991. С. 13.

<sup>16</sup> Абдуллаев Р. Почему ошибочны политические и экономические догмы узбекской «опозиции»? // [http://ipostni.ru/middle\\_data/20110630/17142573.html#ixzz3bo4RtLgr](http://ipostni.ru/middle_data/20110630/17142573.html#ixzz3bo4RtLgr)

<sup>17</sup> Итоги ассоциальной переписи населения 1989 г. Численность и размещение населения УзССР. Госкомстат УзССР. Т. 1991. С. 61–62.

<sup>18</sup> Бу рақамлар қисман ҳақиқатга тўғри келмайдн. Чунки номи “шаҳар” бўлган ишбу аҳоли пунктларининг ақсарияти – “шаҳар типидеги посёлка” ва туман марказлари бўлган, уларда шаҳарга хос бўлмаган муҳит, маданият ва турмуш тарзи устувиқлик қилган.

<sup>19</sup> Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины. С. 13.

кўрсаткичи тавсия этилган нормалардан (айниқса, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум ва хатто мевалар бўйича) ўртача Иттифок даражасидан ҳам, республика даражасидан ҳам анча кам эди. Мисол учун, республика аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли бўйича ўртача Иттифок даражасидан икки баравар ортда қолган бўлса<sup>25</sup>, бу кўрсаткич Фарғона водийси шаҳарларида ўртача Иттифок даражасидан деярли 6 баравар, қишлоқ жойларида эса бундан ҳам ортиқ даражада кам бўлган<sup>26</sup>. Рационнинг зарур калориялиги асосан нон ва нон маҳсулотлари ҳисобига қопланган — бу маҳсулотлар истеъмоли рационал нормадан 1,5 баравар ортиқ бўлган. Бундай вазият моддий-маиший хизматлар билан таъминланганликда ҳам кўзга ташланган. Жумладан, аҳолини уй-жой, газ, ичимлик суви, каналлизация қабилар билан таъминланганлик даражаси Иттифок даражаси у ёқда турсин, республика даражасидан ҳам анча паст бўлган<sup>27</sup>.

Совет даврида эълон қилинган статистик материалларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси ва моддий таъминоти, бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам (айниқса, собиқ Иттифокнинг Европада жойлашган қисмига солиштирганда) сезиларли даражада паст бўлган. Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, гарчи умумий тенглик шароитида даромадлар унча муҳим бўлмаганига қарамай, хусусий мулк бўлмаган шароитда ҳамда совет даври статистикасининг хусусиятларини инобатга олиб, аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминлангани, турмуш даражаси ва моддий фаровонлиқни кўрсатувчи бош мезонлардан бири бўлган. Қиёсий маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

<sup>25</sup> Зиядуллаев С. К. Прогнозирование экономического развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. Т., 1993. С. 39.

<sup>26</sup> Алиакберова Н. М., Гольдфарб Б. Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины. С. 3-4.

<sup>27</sup> Қаранг. Раҳматуллаев Ш. М. Мустиқлик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991—1996 йй.). Тарих фанлари номзоди... диссертацияси. Т., 2000.

3-жадвал  
Аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминлангани  
(Йил охирига ҳисоблаганда, дона)

Узок муддат фойдаланиладиган буюмлар	Хар 100 та оғлага				Хар 1000 нафар аҳолига			
	1985 й.		1990 й.		1985 й.		1990 й.	
	СССР	Ўзбекистон	СССР	Ўзбекистон	СССР	Ўзбекистон	СССР	Ўзбекистон
1	2	3	4	5	6	7	8	9
I	2	3	4	5	6	7	8	9
Сўнгалар	530	508	565	496	1580	960	1701	907
Радио	96	101	96	95	289	188	290	173
Июстилар	97	86	107	90	293	159	321	164
Телевизорлар	37	33	55	49	110	60	165	89
Магнитофонлар	34	23	33	21	102	43	100	38
Фотопарапатлар	91	80	92	80	275	150	276	150
Сўнгалар ва мулаттичлар	70	57	75	67	205	106	226	123
Кир ювчи машиналари	31	20	48	29	117	37	143	53
Ўлекр чипоттичлар	14	19	20	26	43	34	60	47
Мотоцикл ва мотороллерлар	55	100	59	97	165	185	179	168
Нелюспед ва мотоцикллар	65	78	61	76	190	147	179	144
Тикув машиналари								

Изоҳ: Қуйдаги маъналар бўйича ҳисоблаб чиқилган: Народное хозяйство СССР в 1985 г. Стат. ежегодник. М., 1986. С. 446; СССР в цифрах в 1990 г. Краткий стат. сборник. М., 1991. С. 199; Народное хозяйство УзССР в 1990 г. Стат. ежегодник. Т., 1991. С. 66; Гурьев В. И. Основы социальной статистики: методы, система показателей, анализ. М., 1991. С. 85; Народное хозяйство РУз в 1993 г. Стат. ежегодник. Т., 1994. С. 107.

Юқорида келтирилган маълумотлардан қўринадикки, оилалар сонига нисбатан ҳисоблаганда, совет даври охирига келиб аҳолининг таъминланганлик даражаси деярли барча узок муддат фойдаланиладиган буюмлар бўйича, иттифок даражасида ўсиб бориши фонида Ўзбекистонда салбий тамойилга эга бўлди. Минг нафар аҳолига ҳисоблаганда ўртача Иттифок ва ўртача республика

кўрсаткичлари анча фарк қилган ва Ўзбекистон аҳолисининг моддий аҳоли паст даражада бўлганини аниқ кўрсатган.

Бошқа статистик маълумотлар таҳлили ҳам Ўзбекистон собик СССРнинг айрим республикалари билан солиштириганда моддий аҳоли бўйича анча орқада қолганини тасдиқлайди. Масалан, Россия, Қозоғистон, Грузияда деярли ҳар бир оиланинг совутгичи бўлган, Арманистон, Эстония, Туркменистон, Латвияда ҳар 100 та оиллага 106-112 та совутгич тўғри келган, айти вақтда Ўзбекистонда оилаларнинг ҳар 5 тасидан 1 тасида совутгич умуман бўлмаган<sup>28</sup>. Енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси Иттифоқ бўйича ўртача 1990 йилда 100 та оиллага 19 та (1980 йилда 10 та), 1000 нафар аҳолига эса 58 тага тенг бўлган (1980 йилда 30 та)<sup>29</sup>. Ўзбекистон бўйича бу рақамлар тегишлича 11,9 ва 21,9 донани ташкил этган<sup>30</sup>. Фарғона водийсидаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳулоса чиқариш мумкинки, республика, шунингдек, Иттифоқ кўрсаткичларига солиштириганда, Фарғона водийси аҳолисининг юқорида кўрсатилган нарсалар билан таъминлангани энг паст кўрсаткичларга эга бўлган.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришдаги деформациялар ҳамда Иттифоқ раҳбариятининг Фарғона водийси (ва умуман, Ўзбекистон) аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларига бепасанд муносабатда бўлгани иш билан бандлик муаммосини долзарблаштиради.

Айрим маълумотларга қараганда, 1980-1990-йиллар бўсағасида республикада ишсизлар сони тахминан 1 миллион кишини ёки иш билан банд аҳолининг 14-15 %ини ташкил этган<sup>31</sup>. Ҳатто Тошкент шаҳри бўйича ҳам ортиқча меҳнат ресурслари 1985-86 йилларда деярли 200 минг кишини ташкил этган<sup>32</sup>. Фарғона водийсининг ижтимоий-демографик ҳусусиятини инобатга олиб, у ердаги

<sup>28</sup> Гурьев В. И. Основы социальной статистики... С. 84.

<sup>29</sup> СССР в цифрах в 1990 г. М., 1991. С. 149.

<sup>30</sup> Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогнозы на 2011-2015 гг. Статистический сборник. Т., 2011. С. 86.

<sup>31</sup> Тухшев Н. Болотга ўтишнинг машаққатли йўли. Т., 1999. Б. 32; Хожмирзаев М. Ўзбекистоннинг ишчилар синфи: ривожланиш муаммолари // Инсон ва елбасат. 1991. № 9. Б. 20; Ўзбекистон: обшья оленка страны. ООН, 2003. С. 12.

<sup>32</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллий ишчи кадрлар тайёрлаш тажрибасидан // Ўзбекистонда ижтимоий фаоллар. 1997. № 3-4. Б. 37.

ишсизлик даражаси 20 %дан ортиқ бўлганини тахмин қилиш мумкин. Хорижий экспертларнинг маълумотларига қараганда, бошқа иттифоқдош республикаларда бу кўрсаткич 5,5 %дан ортмаган<sup>33</sup>. Бунга қўшимча равишда таъкидлаш жоизки, туб аҳолининг худудий ва касбий жиҳатдан мобиллиги паст даражада бўлган, миграция даражаси русийзабон аҳолиниқига қараганда 2,5 баравар паст бўлган<sup>34</sup>.

Шу ўринда социалистик тизимни макташга қаратилган совет статистикасининг догматик принципларини, яъни социализмда ишсизлик бўлиши мумкин эмас, деган ҳукмрон мафкурага ёқиш мақсадида ҳақиқий аҳолини яширишни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Мавжуд муаммоларни ошқор қилмаслик натижасида, республика меҳнатга лаёқатли аҳолисининг бандлиги регрессив ҳолатда бўлган, республика меҳнатга лаёқатли аҳолисининг бандлик даражаси кўп йиллар давомида 75 %дан ошмаган.

Шунга қарамай, ҳаттоки ўша даврдаги расмий статистика маълумотларидан ҳам бандлик соҳасида, айниқса, ёшлар орасида зиддиятли тамойиллар чуқурлашиб борганини кўриш мумкин.

4-жаваб

Кундузги ўрта умумтаълим мактаблари битирувчиларидан бўлган ишламайдиغان ва ўқимайдиغان ёшлар сони (1 декабрь кунига, нафар)<sup>35</sup>

	1981 й.	1985 й.	1986 й.	1987 й.	1989 й.
Республика бўйича, шунингдек	3406	4235	8221	8621	28551
Андижон вилояти	224	207	521	598	3174
Наманган вилояти	199	507	426	405	3983
Фарғона вилояти	299	775	1495	1747	4291
Фарғона водийси	722	1439	2442	2750	11448
Республика даражасига нисбатан миқдори, % да	21,2	33,7	29,7	31,9	40,0

Жадвалда кўрсатилганидек, совет давлати мавжуд бўлган охириги 10 йилликда кундузги ўрта умумтаълим мактаблари битирувчиларидан бўлган ишламайдиغان ва ўқимайдиغان ёшлар сони

<sup>33</sup> Узбекистан: обшья оленка страны. ООН, 2003. С. 12.

<sup>34</sup> Исришова А. К. Региональные факторы перехода Узбекской ССР к рыночной экономике // Общественыи науки в Узбекистане. 1991. № 1. С. 4.

<sup>35</sup> Метельск Узбекской ССР. Статсборник. Госкомитет УзССР по статистике. Т., 1990. С. 93.

минтақада ҳам, умуман, республика бўйича ҳам йилдан-йилга ортиб борган. Амалга оширилган статистик ҳисоб-китоблар Фарғона водийси мактабларининг битирувчилари орасидаги ишсизлар ҳиссаси бўйича ўтказилган статистик ҳисоб-китоблар (1981 йилдаги 21,2 % дан 1989 йилга келиб 40 % гача) шундан далolat берадики, минтақада бандлик муаммоси ниҳоятда оғир аҳволда бўлган ва бу республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан ҳам сезилиб турган.

1989 йил кузи ва 1991 йил баҳорда Фарғона давлат университети "Ижтимоий ва сиёсий тадқиқотлар маркази" томонидан ўтказилган этноижтимоий ва этнодемографик тадқиқотлар ҳам 1970–1980 йилларда армия хизматида чақирилиш арафасида бўлган ва чақирув ёшдан катта ёшдагилар орасида, айниқса, Фарғона водийсининг кишлоқ ҳудудларида ишсизлик ошиб бorganини тасдиқлади. Демографик омиллардан ташқари, яна ер тақчиллигининг кучайгани, анъанавий экин майдонларининг каттагина қисми шўр босиб, муомаладан чиқиб қолгани ҳам бунга шароит яратган.<sup>36</sup>

Иқтисодийдаги инқирознинг кучайиши натижасида мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий ҳаёт яхши бошқарилмайдиган ва деярли назорат қилинмайдиган тартибсиз ҳолатга кела бошлади. Нураб бораётган ижтимоий-сиёсий тизим фондида аҳолининг моддий фаровонлиги муттасил пасая борди. Истеъмол бозоридаги аҳвол кескинлашди: талаб тақлифдан ортиқ эди. Бутун мамлакат бўйлаб аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда узилишлар кузатиладди. Эртанги кунга ишончсизлик ошиб, бир муаммо устига бошқалари кўшила борди, уларнинг ҳал қилинишига эса умид йўқ эди. "Қайта қуриш" экспериментлари натижасида ҳосил бўлган ҳукукий вакуум жиноятчиликнинг ўсишига олиб келди (1989 йилнинг ўзида 2,5 млн. та ёки 1988 йилдагига нисбатан 32 % кўп жиноят кайд этилди).<sup>37</sup> Иттифоқдаги жиноятчилик кўрсаткичлари фондида республика кўрсаткичлари унча катта бўлмаса-да, аммо шу ҳам салбий тамойиллар ортиб бораётганидан далolat беради. Масалан, 1990 йилда 1985 йилга нисбатан кайд этилган жиноятлар сони 19 %га кўпайди. Улардан давлат ва жамоат мулкани ўртacha ва кўп миқдорда

<sup>36</sup> Абдуллаев Ш. М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине...  
<sup>37</sup> Ежегодник Большой Советской Энциклопедии / Выпуск 34. М., 1990. С. 43.

индон-торож қилиш 1,6 баравар ошди, фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар, қасддан одам ўлдириш ва суиқасд қилишлар эса деярли 2 баравар кўпайди ва х.к. Жиноятчиликнинг кескин ошиб кетиши собик Иттифоқнинг охириги — 1989 ва 1990 йилларига тўғри келади.<sup>38</sup>

Ўтган аср ўрталаридан муттасил ортиб борган тизимли инқирознинг чуқур илдиллари қайта қуриш даврига келиб ўз "ниҳоллари"ни (ишлаб чиқаришнинг жадал пасайиб бориши, бюджет тақчиллигининг ўсиши, истеъмол бозорида кескинликнинг ортиши натижасида инвестиция фаоллигининг пасайиши муҳротида инқиронияциянинг кучайиши тарзида) берди ва бу жараён муттасил олиб борган тадқиқотларда ўз аксини топди. Жумладан, ўзбек иқтисодчи-олими У. Рашидов амалга оширган, бир томондан аҳоли ихтиёридаги пул массаси ҳамда бошқа томондан, аҳолига тақлиф этиладиган товарлар ва пулли хизматларнинг умумий массаси ўртасидаги нисбат масаласида қиёсий таҳлил ишлари юқоридаги кайд этилган ҳолатни тасдиқлайди.<sup>39</sup>

5-жадвал

СССР бўйича аҳоли омонатлари ва товар захираларининг нисбати

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
		1969	1970	1980	1985	1988	1989
Аҳолининг жамғарма омонатлари	млн рубл	38,4	46,6	156,6	228,0	306,7	319,8
Умулмас пул-чакана савло ва пул-мулк ва товар захиралари	млн рубл	42,3	42,3	67,1	98,0	82,1	80,0
Пул массасининг товар билан қоплиниш коэффициенти	%	90,70	90,7	233,2	232,6	361,4	399,4

1980-йилларда бошланган салбий иқтисодий тамойиллар 1985 йилдан кучайиб, ички истеъмол бозоридаги аҳвол шиддат билан ёмонлаша борди. Бозорда моддий-товар жиҳатдан қолланмаган пул бирликлари эмиссияси кучайди. Масалан, 1989 йилнинг биринчи ярим йиллигида эмиссия 8,9 миллиард рублни ташкил қилган бўлса, йил охирига бориб 2 баравар кўпайиб, 18 миллиард рублга етди. Бу

<sup>38</sup> Иқтисодик қўшма Узбекистон ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. Т., 1991. С. 150–151.  
<sup>39</sup> Ишқиров У. О роли кооперации в стабилизации внутреннего потребительского рынка // Общественные науки в Узбекистане. 1990. № 11. С. 17.

1988 йилдаги нисбатан 56% кўп эди. Истеъмол моллари ва пулли хизматлар нархининг амалдаги ўсиши 1988 йилга нисбатан 2% оини ташкил қилди. Қаноатлантирилмаган талабнинг ошишини (яширин инфляцияни) ҳисобга олганда, истеъмол секторидagi инфляция миқёси 7,5% га етди. Иш шу аҳволга бориб етдики, эмиссия олдиндан прогноз қилина бошланди. Масалан, 1990 йилга 10 миллиард рубл миқдорда эмиссия режалаштирилди. Табиийки, бу жаранлар ва манипуляцияларнинг ҳаммаси ошиб бораётган ва пировардида, ялли инфляцияга олиб келди.<sup>40</sup>

Мазкур тамойиллар ўз ўрнида фуқароларнинг қайфиятига салбий таъсир кўрсатди. 1990 йилда республикада ўтказилган ижтимоий-маданий соҳадаги қайта қуриш ҳақида аҳоли фикрини ўрганиш натижалари буни тасдиқлайди.

Энг кўп хавотир ва қоникмаслик келтириб чиқарувчи муаммолар (сўралган шахслар сонига нисбатан %)да<sup>41</sup>

№	Иқтимоий-маиший соҳалари муаммолар	Республика бўйича		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Фарғона вилояти		Бодий бўйича ўртача	
		Улардан кескин	Жами	Улардан кескин	Жами	Улардан кескин	Жами	Улардан кескин	Жами	Улардан кескин	Жами
1	Турар-қой шароитлари	41,5	12,6	47,4	21,6	28,5	8,6	50,0	8,6	41,9	12,9
2	Коммунал қулайликларнинг йўқлиги (сув, газ, канализация, иссиқлик)	34,1	4,7	62,0	3,8	39,2	10,2	34,9	0,9	45,3	5,0
3	Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминотнинг ёмонлиги ва уларнинг сифати	73,9	13,7	84,5	13,6	83,9	5,4	69,8	3,2	79,4	7,4
4	Саноат товарларининг етишмовчилиги ва уларнинг сифати	57,0	1,8	67,6	0,5	81,7	4,3	42,3	0,5	63,8	3,4
5	Товар ва хизматлар нархларининг ошиши	73,5	14,2	93,9	7,5	89,2	26,9	59,2	8,8	80,8	14,4
6	Ошанинг моддий аҳволи	46,4	16,1	59,2	35,2	54,3	25,8	45,0	16,2	52,8	25,8
7	Турни миллатлар вақслари ўртасидаги муносабатлар	28,2	13,9	16,1	14,1	16,1	2,7	45,3	24,3	25,8	13,7

Юқорида қайд этилган маълумотлар тахлили шундан далолат берадики, водий ва умуман, Ўзбекистон бўйича мавжуд энг долзарб муаммоларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси — бевосита

ижтимоий-маиший соҳага алоқадор муаммолар (1—6-саволлар), иккинчиси — билвосита алоқаси бўлган муаммо (7-савол). Биринчи гуруҳга кирувчи саволлар бўйича сўров натижалари хатто республика бўйича ўртача маълумотлар ҳам Фарғона водийсига нисбатан паст эканини кўрсатди. Вилоятлар бўйича қараладиган бўлса, айрим маҳалалар кескин хусусиятга эга бўлди. Бу ўринда Андижон вилояти деярли барча кўрсаткичлар бўйича ажралиб туради: халқ истеъмоли моллари билан таъминланиш муаммолари, коммунал соҳанинг индони, оиланинг моддий ҳолати ва нарх-навоининг ўсиши.

Иккинчи гуруҳга кирадиган саволга жавоблар хусусияти миллиятлараро муносабатларнинг ҳолатидан дарак беради. Республика кўрсаткичлари минтақадагидан 2,4 (жами) ва 0,2 (энг кескинлари) ортиқ бўлса-да, аммо Фарғона вилоятидаги кўрсаткичлар республика кўрсаткичларидан юқорилар. Бунга мустақиллик арасида вилоятда иш берган миллатлараро зиддият сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Умуман олганда, таъкидлаш зарурки, айрим республикалар ва ишоним тузилмаларнинг ҳам, айрим муаммоли минтақаларнинг (Жумладан, Фарғона водийсининг) ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олмаслик ижтимоий норозилик даражасининг ошишига, баъзан можаролар ҳусусиятига эга бўлишига олиб келди. 1989 йилда Фарғона вилоятида, 1990 йилда Бўка, Паркент, Андижонда бўлган воқеалар уни шундан далолат беради.

1989 йил июнь ойи охирида республика раҳбариятига Насром Қаримов келиши билан юзага чиққан тизим таназзули ва ижтимоий ҳаётдаги чуқур инқироз билан боғлиқ деструктив муаммолар ва зиддиятларни ҳал қилиш учун амалий чоралар қурилди. Республиканинг янги раҳбарияти нафақат воқеаларнинг боғлигини ўзгартира олди (масалан, Фарғона вилоятидаги миллатлараро можаро кенг ёйилишининг олди олинди), балки диний-иқтисодий ташкилотлар фаоллашгувидан келаятган таҳдидларни ҳам бартараф этди.

Республикада шаклланган вазият иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ижтимоий соҳадаги зиддиятларни юмшатиш ва энг асосийси,

<sup>40</sup> Рашидов У. О роли кооперации в стабилизации внутреннего потребительского рынка... — С. 18.

<sup>41</sup> Социально-культурная сфера / Бюро социологических исследований Госкомстата УзССР по статистике. Т. 1990. С. 40—45.

ижтимоий можароларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўришни талаб қиларди. Бевоசிда Ислом Каримов рахбарлигида республикада тартибсизликларнинг олдини олиш, хукукий тартиботни сақлаб қолиш ҳамда аҳолининг энг асосий ва ҳал этилишини кечиктириб бўлмайдиган эхтиёжларини таъминлашга қаратилган превентив чоралар кўрилди.

Республика янги раҳбариятнинг илк қадамларидан бири дехқонларга томорқа майдони сифатида 350 минг гектар ер бериш масаласини ҳал қилишдир<sup>42</sup>. Масалан, 1989—1990 йилларнинг ўзида Андижон вилоятидаги 198,9 мингга оилага (ер майдони чекланганига қарамай) 17,2 минг гектар ер ажратилди. Улардан 8,6 минг гектари яқка тартибда уй-жой қурилиши учун ва 8,6 минг гектари шахсий ёрдамчи хўжалиги (ШҲХ) учун берилди<sup>43</sup>.

Ушбу инкирозли йилларда ШҲХни товар хўжалигининг мустақил элементи сифатида қонунлаштириш ва уларда ишловчиларни эса ижтимоий фойдаланим билан банд қилишлар деб эътироф этиш, шубҳасиз, аҳолининг товарлар ва озиқ-овқатга бўлган асосий эхтиёжларини қаноатлантириш мақсадида республикада иқтисодий базани ривожлантириш йўлида ташланган энг муҳим қадамлардан бўлди. Маълумки, “советлар мамлақати” мавжуд бўлган турли даврларда ШҲХ жамоат хўжалигига қўшимча ҳисобланган, аммо ҳар доим унинг туғатиб бўлмас хусусий мулкчилик характери туфайли маъмурий жиҳатдан чеклаб келинган. Айрим тадқиқотчилар уни “ўлиб бораётган”, “ўтиш даври” шакли эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар<sup>44</sup>. Амалда эса, ШҲХ нафақат “қўшимча” эди, балки совет даври жамиятининг истеъмол саватини тўлдирришда салмоқли ҳисса кўшарди.

Айрим маълумотларга қараганда, Ўзбекистон 1980-йиллар охирида ушбу хўжаликлар экин майдонларининг 3%ни эгаллагани ҳолда, ялпи маҳсулотнинг 25%гача ва кишлоқ хўжалигида яратилган

миллий даромаднинг 33%гача, гўштнинг 50%ни, сутнинг 64%ни, сазавотларнинг 44%ни ишлаб чиқарган ва х.к.<sup>45</sup> Худди шундай кўрсаткичларни Фарғона водийсида ҳам кузатиш мумкин эди. Масалан, Андижон вилоятидаги суғориладиган ер майдонларининг 162,4 минг гектаридан 16,9 минг гектари, яъни 6%га яқини аҳоли ихтиёрида бўлгани ҳолда, улар ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулотнинг 26%ни етиштириб берарди. ШҲХларнинг ердан фойдаланиш самардорлиги қолхоз ва совхоздагиларга қараганда бир неча баравар ортиқлигини кўрсатарди. Масалан, 1988 йилда жамоат ерларининг 1 гектаридан 2227 рублли ялпи маҳсулот олинган бўлса, томорқага берилган 1 гектар ердан 12095 рублли маҳсулот олинган<sup>46</sup>. Ўтиш даврининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқеликлари даврида бу хўжаликлар республика озиқ-овқат базасини тўлдирришнинг етакчи элементлари бирига айланди, бу эса, ўз навбатида, уларнинг кескин ижтимоий муаммоларини ҳал қилишдаги ролини оширарди.

Буни инобатга олган республика раҳбарияти кейинги йилларда ҳам ШҲХдаги ер майдонларини кенгайтириш сиёсатини юритди. Шунинг билан, 1992 йилга келиб 2,5 миллион оила ё илк бор ер майдони олди, ё ўз майдонларини кенгайтириш имконига эга бўлди, уларнинг умумий майдони эса 550 минг гектардан ошиб кетди, томорқанинг ўртача майдони эса 20 сотихдан ошди<sup>47</sup>. ШҲХда банд бўлган аҳоли сони 1,3 миллион кишига етди, унинг халқ хўжалигига жиёб этилган меҳнат ресурслари тақрибдаги улуши эса 14,2%га етди<sup>48</sup>.

Умуман олганда, Президент фармонлари, қонунлар ҳамда Олий Кенгаш ва республика ҳукуматининг қарорлари шаклидаги чора-тадбирлар мажмуи 1980—1990-йилларда чегерасида энг муҳим халқ хўжалиги масалаларини мустақил равишда ҳал қилиш, ижтимоий бирқарорликни, сиёсий суверенитетни, иқтисодий мустақилликни ва миллий тикланишни таъминлашга қаратилди.

<sup>42</sup> Ўзбекистон компартияси МК, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Совети Раёсатининг 1989 йил 15 августдаги 258-сонли “Қолқозчилар, совхозлар ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ва яқка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантириш туғрисида”ги қарори. Мазба: АВДА. Ф. 608. Оп. 7. С. 243.

<sup>43</sup> Наринский К. М., Селиев А. С., Иминов Т. К., Мамадалиев Т. И. Жон Андижоним... Б. 33.

<sup>44</sup> Мисол учун қараңг: Белянов В. А. Личное подсобное хозяйство при социализме. М.: 1970.

<sup>45</sup> Ислам Исломов 1988 г. 19 ноябрь.

<sup>46</sup> АИ/ДА Ф. 608. Оп. 7. С. 243.

<sup>47</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: Свой путь обновления и прогресса. Т.: 1992. С. 30.

<sup>48</sup> Иқтисодий ислохотлар — исламчилик, нация, экономика, идеология, политика / Под. ред. С. Журсаева. Т.: 1994. С. 80.

Республикада, айниқса Фаргона водийсида ўсиб бораётган ишсизликни тўхтатишга қаратилган "Бандлик" давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ушбу жараёнларнинг аниқ ифодаси бўлди. 1989 йил июль ойида Президентнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармони чиқди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида Фаргона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлили бу ердаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият – тарихий мерос, иқтисодий-демографик жараёнларнинг икки ёқлама (дуал)лиги, ишлаб чиқаришнинг аграр соҳага ихтисослашуви, қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини ташкил этиши билан боғлиқ бўлганини кўрсатди. Асосий муаммо борган сари охири бораётган ижтимоий-демографик омилнинг ижтимоий инфратузилманинг нотекис ривожланиши билан номувофиқлигида эди. Иттифок раҳбариятининг миллий сиёсати минтақа аҳолисининг ўта оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга кўшилиб, ижтимоий-сиёсий ва миллатлараро вазиятнинг издан чиқишига олиб келди.

Юқорида таъкидланганидек, республикада қарор топган ҳолат иқтисодиётдаги таназулнинг олдини олиш, ижтимоий соҳадаги зиддиятларни юмшатиш ва асосийси, ижтимоий низоларга йўл қўймаслик борасида кечиктириб бўлмас чоралар кўришни талаб қиларди. Бундай оғир вазиятда Ўзбекистон ўзининг тарихий танловини амалга оширди. Мамлакат мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлади. Республикага янги раҳбариятининг келиши билан бошқарувнинг тоталитар тизими келтириб чиқарган салбий оқибатлар вужудга келтирилган кескин муаммо ва зиддиятларни бартараф қилишга қаратилган қатъий ҳаракат бошланди.

## II БОБ. ФАРГОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАВВАРАТЛАРИ

### ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА

#### 2.1. Ислохотлар стратегиясининг "ўзбек модели". Фаргона водийси шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари

Шароит Ўзбекистонни юзага келган иқтисодий тангликдан тараққиёт йўлига чиқариш ва мамлакат иқтисодий тизимини янгилаш учун эски мустабид-режали иқтисоддан янги бозор иқтисодига ўтишни тақозо этарди. Шу сабабли бозор иқтисодига ўтиш, бозор ислохотларини ўтказиш қонуний заруриятга айланди, чунки мамлакат олдида бошқа нажот йўли йўқ эди, жаҳон тарихий тажрибаси эса бозор тизимининг устунлигини тасдиқлаган эди.

Лекин бу осон йўл эмас эди, чунки Ўзбекистон узок йиллар давомида аввал Чоризм, сўнгра советлар мустамлакаси сифатида бўлиши уни иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан бутунлай Россияга қарам қилиб қўйган эдики, бу мустамлакачилик асоратларини бартараф қилмай туриб мустақил давлат қуриб бўлмас эди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Иттифокнинг мустабид тизимида «...фақатгина хом ашё базаси, бошқача айтганда, ярим мустамлака ўлка эди». <sup>49</sup> Ўзбекистон иқтисоди "қўл-оёғи" билан СССР иқтисодига боғланиб, ягона қалқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми, аниқроғи, унинг қўшимчасига айланиб қолган эди.

Ўзбекистоннинг собиқ Иттифокга қарамлиги бошқа республикаларга қараганда анча кучли бўлган. Масалан, 1988 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистондагу ишлаб чиқаришнинг деярли 50%и бошқа республикалардан ресурс киритишга боғлиқ бўлган, ниҳоланки, бу кўрсаткич РСФСРда 22% эди, холос.

Мустамлакачилик оқибатида Ўзбекистон иқтисоди заиф бўлгани ҳолда, у ўз еридаги бойликни ўзи тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум, чўр ости бойликлари эса умумиттифок мулки деб қаралар эди. Ислон Қаримовнинг ёзишича, «олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта ҳаридорғир

<sup>49</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. Т., 1999. Б. 8.

бўлган бошқа кимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди»<sup>50</sup>. Шунингдек, улар Ўзбекистоннинг миллий маънавиятига ҳам хизмат қилмаган.

Совет тузумидан мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқарув тизимини синдиришдан, ҳам ашё минтақасига айлантирилган ва бир ёқлама ривожлантирилган ишлаб чиқариш йўналишини тубдан ўзгартирмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмас эди.

Шунинг учун ҳам, совет даврининг сўнгги йилларига Иттифок халқ хўжалигини ислох қилиш ҳаракати бошлаб юборилган эди. Бу урушни 1990 йилга келиб фаоллашди. Биринчи бор бозор иқтисодига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилди, махсус комиссиялар тузилди, тартибланган бозор иқтисодига ўтиш дастурини яратишга ҳаракат қилинди.

Натижада, бозор иқтисодига ўтишга қаратилган 2 та йirik дастур яратилди. Бири ҳукумат дастури, иккинчиси олимлар яратган ва «500 кун» деб номланган дастур таклиф этилди. Ҳукумат дастури давлатлашган иқтисодни сақлаб қолган ҳолда, уни қисман эркинлаштиришни, хусусан, айрим нархларни эркинлаштиришни, нарх ошган шароитда аҳоли даромадларини индексациялашни, ишсизликнинг олдини олишни, хорijdан эҳтиётлик билан қарз олишни назарда тутди. Марказ олимлари томонидан тузган «500 кун» дастури радикал бўлиб, иқтисоддаги давлат монополиясига барҳам бериш, мулк ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлашни, нархларни зудлик билан ихтиёрий қилиш, фақат зарур истеъмол товарларига доимий нархларни сақлашни, фермер хўжалигига устуворлик беришни, давлат мулкни ёлпасига хусусийлаштиришни олға сурди. Ҳукумат дастури социалистик иқтисодни сақлаб қолган ҳолда уни енгил-елпи таъмирлашга, аммо социал масалага эътиборни кучайтиришга қаратилган эди. Бундан фарқлироқ «500 кун» дастури бозор тамойилларини изчил ва кенг кўламада юзага чиқаришни кўзда тутиб, социал муаммоларга ургу бермади. Аммо ҳар икала дастур ҳам

<sup>50</sup> Каримов И. Ўзбекистон. XXI асрга интиломда. Т. 1999 Б. 4.

бозор иқтисодига ўтишдек мураккаб муаммони шомша-шомлиқ билан тез ҳал этишни мўлжаллади. Бу хомхаёл режадан бошқа нарса эмас эди.

Иқтисодиётда рўй бераётган бу жараёнларни Ислom Каримов қуйдагича таърифлаган эди: «Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгаришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик ҳаракатда бўлиб, авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга огишлардан бошқа нарса эмас эди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлар, лойиҳаларнинг кўпчилиги ислохотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатлари «беш юз кун» деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгаришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб этилмаганидан далолат берар эди»<sup>51</sup>. Дастурларда асосан Иттифоқни сақлаб қолиш кўзда тутилди, шу билан бирга, иттифоқчи республикалар ҳуқуқларини бироз бўлса-да кенгайтириш зарурати инobatга олинган эди.

Ўзбекистон совет давлати таркибида бўлса-да, юқорида қайд этилган дастурларни бу ерда қўллаш маъқул эмас эди, чунки «500 кун» дастури «шокоterapia» қоидасига асосланган бўлиб, республикадаги шакланган режали иқтисодий механизмни бирданига йўқотиб унинг ўрнига зудлик билан бозор механизмни киритиш, тайёрланиб улгурмаган аҳолини бирданига бозор муносабатига дуч қилиб, уни қийинчиликларга дучор қилиш мумкин эди.

Бу дастур бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган бўлса-да Ўзбекистоннинг хусусиятларини ҳисобга олмаган. Чунки дастур совет тузумига хос бўлган барчани бир қолипга солиб ўлчаш қоидасидан келиб чиққан эди. Шу боис бу дастурларни Ўзбекистон қибул қилмади. Ўзбекистон ўз шароити ва иқтисодидан келиб чиққан ҳолда, маъқул бўлган тараққиёт йўлини танлаши зарур эди. Аммо совет даврида бунинг рўёбга чиқариш мумкин эмасди. Лекин Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбарияти марказ дастурларига кўр-кўрона

<sup>51</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996. Б. 280-281.

эргашмади, аксинча Ўзбекистоннинг шароити ва манфаатлари ҳисобга олинган янги дастурларини қабул қилди. Биринчи дастур 1990 йил октябр ойида Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессиясида қабул қилинган бўлиб, у «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиғига кириб боришнинг тамойиллари», деб номланади.

Бу ҳужжатда қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизимини барпо этиш;

- республика фуқароларининг ҳамжихатлигини таъминлаш, ўзаро ҳурматга асосланган миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш;

- Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан бўладиган иқтисодий муносабатларини тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда қайта қуриш;

- бошқаришдаги бўйруқбозлик усулидан воз кечиб, унинг иқтисодий усулларига, яъни манфаатни ҳисобга оладиган бошқариш усулларга ўтиш;

- молия-кредит ва солиқ тизимини қайта кўриб, иқтисодий тараққиётни таъминловчи янги молиявий воситаларни ишга солиш;

- мулкчилик муносабатлар плюралиزمи асосига қурилган кўпукладли иқтисодий тизимга ўтиш;

- суверен ва бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш;

- ўз табиий ва моддий ресурсларига таянган ҳолда ишлаб чиқаришни бир ёқлама ривожланишга чек қўйиб, унинг комплекс боришини таъминлаш.

Дастурда юқорида санаб ўтилган ислох тадбирларини 3 босқичда амалга ошириш мўлжалланган эди:

**Биринчи босқич** – иқтисодиётни барқарорлаштириш юзасидан дастлабки фавкулотда тадбирларни 1990-1992 йилларда амалга ошириш ва ислохотларга илк кадам қўйиш.

**Иккинчи босқич** – 1992-1993 йилларда бозор иқтисодининг асосий белгиларини шакллантириш, унга асос солиш.

**Учинчи босқич** – 1994-1996 йилларда бозор механизминини, яъни янги хўжалик юритиш усулларини кенг қулоқ ёздиртиш.

Бу дастур ҳали Ўзбекистон ССР таркибида бўлган даврда тузилгани учун унда умумиттифок дастурларининг таъсири сезилиб турар эди. Хусусан, қиска даврда, яъни 7 йил мобайнида бозор иқтисодиётини Ўзбекистонда ҳам барпо қилиш мумкин, деган ғояга асосланган бўлиб, бозорга ўтишнинг секин-аста, шوشилмасдан, эҳтиёткорлик билан бўлиши хали ҳисобга олинмаган эди<sup>32</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган дастурда мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган ўзбек моделининг аломатлари – бозор муносабатларига ўтиш жараёнида унинг салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш механизминини жорий этиш белгилари кўзга ташланади.

Мустақилликнинг эълон қилиниши республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва шароитларини тубдан ўзгартирди, шу муносабат билан, юзага келган вазиятга мувофиқ олдин ишлаб чиқилган дастурни қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Бунинг учун жаҳон тажрибасини ҳар томонлама таҳлил қилиш, Ўзбекистон ривожланишининг ижтимоий-тарихий цивилизацияон хусусиятларини таътиборга олиш, республикада иқтисодий ислохотларни ўтказишнинг кўшимча принципиал қоидаларини аниқлаш ва асослаш лозим бўлди. Шунингдек, янги иқтисодий муносабатларга мос инфратузилмани шакллантириш, иқтисодиётда чуқур институционал ва тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилар эди.

Мухими шундаки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг маъмурий бўйруқбозликка асосланган тизимдан эркин бозор муносабатларига асосланган моделига ўтишда эҳтиёткорлик ва босқичма-босқич амалга оширишга эътиборни қаратиш зарур эди. Мамлакат раъбарияти олдида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб

<sup>32</sup> Андриол Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. М., 1998. С. 35; Умаров А., Икбалов А. Иқтисодий тузумни қайта қуриш. Бозор иқтисодиғига ўтишнинг ўзига хос йўли // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари (давриЙ тушум) №3. Т., 2000. Б. 41-42.

чиккан холда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш вазифаси турар эди.

Ушбу модельнинг асосий тамойллари, амалга ошириш йўллари, босқичлари Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва у илмий асосланган машхур беш тамойилда ўз аксини топди. Бу тамойиллар умумлашган холда 1993 йилда «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида эълон қилинди.

Беш тамойил Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларига ўтишда устувор йўналишлари ҳисобланиб, биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтишдаги умумий қонуниятларни, иккинчидан эса, мамлакатимизнинг ўзига хос шароитлари ва миллий хусусиятларини ўзида мужассам этган. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

**Биринчи тамойил** — иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устуворлигини таъминлаш. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун пойдевор вазифасини ўташини, яъни Ўзбекистонда иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлишини аңлатади. Тамойилда иқтисодиётнинг ўзига хос объектлар қонунлари мавжудлиги, уларни эътиборга олмасдан иш юритиш мумкин эмаслиги ҳисобга олинган. Иқтисодий қонунларнинг объективлигини тан олиб, хўжалик фаолиятини улар талабига мос холда юритиш ўтиш даври учун муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилган. Иқтисодиёт ўз қонунларига эга бўлгани сабабли уни сиёсий қурашлар, турли мафкуралар қурбонига айлантириш мумкин эмас. Иқтисодиёт мафкуравий таъйиқларсиз ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим.

Бирок бу иқтисодиётнинг сиёсат таъсиридан тамомила холи деб қарашни билдирмайди. Ўзбекистондаги тараққиёт заруратидан келиб чиққан сиёсат иқтисодиётга фаол таъсир қилиши лозим бўлади.

**Иккинчи тамойил** — давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. Давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, уларни амалга ошириш йўлини ишлаб чиқиши ва унга изчиллик билан риоя этиши, эскилик тарафдорлари қаршилигини бартараф

этиши шарт. Бу қоида маданий бозор иқтисодиёти концепциясига таянади. Ўзбекистон мустабид режали, маъмурий буйруқбозлик услубида бошқарилган иқтисодиётдан эркин демократик иқтисодиёт томон борар экан, Ғарб мамлакатлари аерлар давомида бошидан кечирган тарихий жараёнини ўташи шарт эмас. Ғарбда «беаёв ва тартибсиз» бозор иқтисодиёти «ёввойи капитализм» номини олган ва узок давр ҳукм сурган. Ўзбекистонда эса маданий бозор иқтисодиётига тартибли равишда ўтиш, маданий рақобатнинг бўлиши, шериклик алоқалари, иқтисодий барқарорликнинг устув бўлиши, оммавий фаровонлик каби белгиларга хос бўлиши керакки, уларни давлатнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчи тамойил давлат иқтисодиётга минимал даражада аралашиб, уни ўз холига қўйиши зарур, деган ғояларни инкор этади ва давлатнинг бу борада фаоллигини билдиради. Жаҳонда давлатнинг иқтисодий соҳадаги функциясига оид тўпланган тажриба демократик жамятда давлатдан ўзга умуммиллий манфаатни ифодаловчи сиёсий институт бўлмаслигини кўрсатди. Ўзбекистонда давлат иқтисодий воситалар ёрдамида шахсий ва жамоат манфаатларини умуммиллий манфаатлар билан уйғунлаштирадиган кучга айланиши зарур. Истиклолдан олдинги Ўзбекистон иқтисодиётининг давлатлашган тизимидан эволюцион йўл билан бозор хўжалигига кириб бориши аввало иқтисодиётдаги давлат монополияси тугатилишини талаб қилади, бунга эса бевосита давлат иштирокида эришиш мумкин. Давлатнинг бош ислохотчи бўлиши бу ислохотлар дастурларини давлат томонидан кенг жамоатчилик иштироғида ишлаб чиқиш ва бевосита давлат томонидан амалга оширилишини билдиради.

**Учинчи тамойил** — қонунларнинг ва уларга риоя қилишнинг устуворлигини таъминлаш. Бунинг маъноси шунки, демократик йўл билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси на қонунларини ҳеч қандай истисносиз ҳамма хурмат қилиши ва уларга сўзсиз риоя қилиш лозим. Бу тамойилга кўра қонунлар сиёсий ҳокимиятни таъминловчи куч, улар жамят аъзоларини юридик қонунларга бўйсундирувчи механизм сифатида қаралади. Қонунлар на қонуности хужжатлар барчанинг фаолиятига тегишли, аммо улар

хам эскиради, уларни ҳаёт тақозосига кўра янги қонунлар билан алмаштириш зарур, яъни қонунчиликка ижодий ёндашув талаб қилинади. Иқтисодий ҳаётга хос бўлган ўзгарувчанлик юридик қонунларни ҳам ўзгартириб боришни талаб қилади. Лекин Ўзбекистон қонунлари ишлаши учун юксак ҳуқуқий маданият ва қонунлар ижросини таъминловчи механизм керак бўлади. Афсуски, ҳозирча биз бунга тўла эриша олмадик. Шунингдек, учинчи тамойил ҳуқуқий давлат талабидан келиб чиқади. Ҳуқуқий давлатда қонунчилик ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Учинчи тамойил талаблари янгича қонунчиликни яратишни тақозо этадики, бу, биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини, иккинчидан, бозор ислохотларини амалга ошириш учун ҳуқуқий база яратади. Учинчи тамойил сиёсий тизимнинг бозор иқтисодиёти талабларига мунанд тарзда демократлашувини билдиради. Бу тизим шароитида инсон ҳуқуқлари, инсон эрки, фаровонлигини таъминлаш бош вазифага айланади.

**Тўртинчи тамойил** — Фаол ижтимоий сиёсат ўтказиш. Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолининг демографик аҳволини ҳисобга олган ҳолда уни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўриш лозим бўлади. Бу тамойил иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг диалектик алоқдорлигига таянган ҳолда социал сиёсат зарурлигини асослайди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаши, ижтимоий соҳанинг ривожланиши эса инсон омилини фаоллаштириб, иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатиши зарур. Икки соҳанинг диалектик алоқдорлиги ишлаб чиқаришнинг моддий ва инсоний омиллари яхлитлигидан келиб чиқади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели бозор иқтисодиётидаги ижтимоий йўналтирилган, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган бозор хўжалиги бўлишини аниқлатади. Шу мақсад йўлида юритиладиган ижтимоий сиёсатнинг кучлилиги ижтимоий адолатни таъминлаши, кишиларда боқимандалик кайфиятини бартараф этиши ва уларда фаолликни юзага келтириш билан жамиятдаги социал иннокликни, социал гуруҳлар ўртасидаги

мувозанатни таъминлашни билдиради. Бу сиёсат инсон омилини кучайтириб шу орқали иқтисодий тараққиётга кучли таъсир этади.

**Бешинчи тамойил** — бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойил Ўзбекистон моделининг тамал тоши, унинг асосий мезони бўлиб хизмат қилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу мавжуд иқтисодий тузумни таъмирлаб такомиллаштириш эмас, балки тамоман янги бозор тизимини яратишни билдиради. Бу йўл революцион эмас, балки эволюцион йўлдир. Бу ўтиш даври бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узок давр эканини билдиради ва одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафаси ҳисобланади.

Мазкур тамойилга биноан ислохотлар тадрижий йўл билан, улар мустабид режали иқтисоддан секин-аста бозор тизимига ўтишини, аммо бу талофатсиз, ларзаларсиз бўлишини билдиради. Шошма-шошарлик билан бозор қоидаларини киритиб бўлмайди. Бунинг учун тайёргарлик ва вақт талаб қилинади. Бозор алоқалари шаклланиб улгурмаган шароитда мавжуд алоқаларни бузиб юбориш иқтисодни издан чиқариши, аҳоли турмушини кескин пасайтириб, социал тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ислохотларни эволюцион тарзда ва шароит ҳозирланишига қараб кетма-кет ўтказилишини билдиради. Босқичма-босқич қоида «шокоотерапия» тамойилини инкор этади. Бу Ўзбекистоннинг янги тузумга, бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятга эга бўлган миллий йўли эди.

Беш тамойилга асосланган миллий моделимиз ўзига хос бўлиб, унда бозор иқтисодиётининг маълум бир тури ёки муайян бир давлат йўли тўғридан-тўғри кўчириб олинганли йўқ. Уни танлаш ва ишлаб чиқишда мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий шароити ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий анъана ва урф-одаглари, диний эътиқодидан келиб чиқилди. Бунда кўплаб ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам ҳар томонлама ўрганилди ва ҳисобга олинди.

Дунё амалиётида ўтиш даври учун мукамал моделининг ўзи йўқ. Негатки, бир давлатнинг йўли бошқалар учун айнан тўғри келмаслиги мумкин. Ҳар бир мамлакат ўзига хос сиёсий, иқтисодий,

ижтимоий, геополитик ва табиий географик шароитга эга. Шу маънода ҳар бир давлат ўзи иқтисодий ривожланиш моделига эга бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди, воҳаси, вилоятлари, шаҳарлари ягона бир миллий давлат тасарруфида бўлса-да, улар ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва демографик соҳаларда бир-биридан ўзига хос маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ҳозирги кунга келиб, дунё тамаддуни таракқиётига ўз муносиб ҳисасини қўшган, Марказий Осиёнинг қадимий цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланган мамлакатнинг Заравшон, Хоразм, Сурхон каби воҳалари ижтимоий ҳаётида яққол кўзга ташланади.

Улар орасида республиканинг шарқий минтақаси ҳисобланган Фарғона водийси ҳам ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан республиканинг бошқа вилоятларига қараганда айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар водийнинг қадимдан то ҳозирги кунга қадар давом этган тарихий жараёнлар тасирида шаклланган. Айниқса, охириги бир ярим аср ичида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар мустақиллик йилларига келиб, ушбу ҳудудда қатор долларб муаммолар тўпланиб қолганидан далолат бериб, уларни ислохотлар жараёнида хал қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Мутахассислар тили билан айтганда, “умумреспубликага хос бўлган муҳим муаммолар ўта жиддий тус олгани билан Фарғона водийсида ўз аксини топган, бунда сановатлаштириш, урбанизация, демография, аҳолининг жойлашганлиги, ҳудудий ҳаракати, экологияси асосий ўрин эгаллайди”<sup>53</sup>.

Миллий модельда нафақат Ўзбекистонни, шу билан бирга, унинг барча вилоятлари, ҳатто ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий, маҳаллий анъана ва урф-одатлари, ишлаб-чиқариш воситалари ва усуллари ҳисобга олинган. Дарҳақиқат, XX аср охирига келиб, Фарғона водийси ҳудудида, хусусан, унинг шаҳарларида шаклланган маҳаллий хусусиятлар қуйидагиларни ўзида муҷассамлаштирган:

<sup>53</sup> Алимабберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). Т., 1990. С. 3.

**Биринчи хусусияти** демографик жараёнлар билан боғлиқ. Маълумки, республика умумий ер майдонининг фақат 4 %ни эгаллаган Фарғона водийси вилоятларида республика аҳолисининг деярли 30 % жамланган. Бу эса водийда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларга нисбатан аҳолининг ўта зич жойлашганлик хусусиятини келтириб чиқарди. Масалан, 1994 йил бошидаги маълумотларига кўра, ҳар бир квадрат километрга Тошкент вилоятида 200,6 киши, Самарқанд вилоятида 145,0 киши, Бухоро вилоятида 32,7 киши ва х.к. жойлашган бўлса, бу кўрсаткич Андижон вилоятида 464,6 кишини, Наманган вилоятида 215,1 кишини, Фарғона вилоятида 337,7 кишини ташкил қилди<sup>54</sup>. Шу йилларда Андижон вилояти аҳолисининг 32,4 %, Наманган вилояти аҳолисининг 38,3 %, Фарғона вилояти аҳолисининг 32,6 % шаҳарларда истиқомат қилди.<sup>55</sup> Аҳолининг ўртача табиий ўсиш даражаси (ҳар 1000 киши ҳисобига) 1991 йилда Ўзбекистон бўйича 28,3 ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич Андижон вилоятида 28,9 га, Наманган вилоятида 31,7 га, Фарғона вилоятида 28,2 га тенг бўлди<sup>56</sup>.

Бу республика бўйича ўртача кўрсаткичдан етти баробар кўлди. Фарғона водийси вилоятлари орасида айниқса Андижон вилоятида аҳоли ўта зич жойлашгани яққол кўзга ташланади. Айни вақтда, Андижон бу кўрсаткич бўйича нафақат республика, балки жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган.

Водий аҳолисининг зичлиги ва табиий ўсиш даражасининг нисбатан юқорилиги аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида муаммоларни юзага келтирди. Бу, айниқса водий шаҳарларида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш муаммосида ўз ифодасини топди. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил қилиши ҳамда аҳолининг тез суръатлар билан ўсишини эътиборга олсак, бу масала янада жиддий тус олганлигини кузатиш мумкин. Чунки бу муҳим хусусият, биринчидан, янги ёш оилаларнинг вужудга келишини тезлаштирса, иккинчидан, бу ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш муаммосини ечимини топишда

<sup>54</sup> 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги Йиллик статистика. Т., 1995. Б. 23.

<sup>55</sup> Уш жойда. Б. 25.

<sup>56</sup> Уш жойда. Б. 31.

кийинчилик туғдиради. Натижада, шаҳарлардаги хонадонларда бир нечта оилалар истиқомат қилишга мажбур бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир кишига тўғри келадиган уй-жой фондиди кичқартиради (бу ҳақда 2-бобда батафсил баён этилган).

**Иккинчи хусусияти** урбанизацион жараёнлар билан боғлиқ. Хусусан, Фарғона водийси қадимдан урбанизацион жараёнлар тез ривожланган ҳудуд бўлиб ҳисобланса-да, ҳозирги даврга келиб водий вилоятларида урбанизация кўрсаткичлари республика кўрсаткичига нисбатан паст. Масалан, 1990-йиллар бошларида Ўзбекистонда аҳолининг 39,0% шаҳарларда истиқомат қилган бўлса, водийда бу кўрсаткич 34,5%дан ортмаган<sup>57</sup>. Муस्ताқиллик йилларида республика бўйича ҳам, ҳудудлар бўйича ҳам қишлоқ аҳолисининг салмоғи ортгани билан изоҳланади. Айниқса, Андижон ва Фарғона вилоятларида урбанизация жараёни суст кетгани кузатилди.

Шу билан бирга, республика ҳудудининг 4%дан ортигини ташкил қиладиган Фарғона водийси шаҳарлар агрофидаги қишлоқларнинг яқин жойлашгани, улар билан бевосита қўшилиб кетгани ҳамда шаҳарларнинг зич жойлашгани билан ажралиб туради. Масалан, шаҳарлар жойлашуви республика миқёсида ҳар 1000 км<sup>2</sup>га ўртача 0,5 шаҳар тўғри келса, бу кўрсаткич Фарғона водийсида ўртача 2,2 шаҳарга тенгдир. Агар бу кўрсаткични водий вилоятлари кесимида кўрадиган бўлсак, улар ўртасида ҳам нисбатан қага фарқ мавжуд эканини кузатиш мумкин. Андижон вилоятида бу кўрсаткич 3,6 га тенг бўлса, Наманган вилоятида эса 1,6 га тўғри келган<sup>58</sup>. Умуман олганда, 1990 йиллар ўрталарида Фарғона водийсида 55 та катта ва кичик шаҳарлар ва шаҳар туркумидаги кўрғонлар мавжуд бўлган. Жумладан, Андижон вилоятида 3 та вилоят ва 8 та туман тасарруфидаги шаҳарлар, 5 та шаҳар туркумидаги кўрғонлар, Наманганда 1 та вилоятга, 7 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва 12 та шаҳарчалар, Фарғонада 4 та вилоят, 5 та туман тасарруфидаги шаҳарлар ва 10 та шаҳарчалар мавжуд бўлган. Қолаверса, республиканинг 100 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган 17 шаҳардан 5

иси, яъни 30% водийда жойлашган. Албатта, бу хусусият водий шаҳарлари учун ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирга эга бўлган.

Ижобий томони совет даврига хос бўлиб, аҳолининг зичлиги, деҳқончилик билан шугулланиш учун ерларнинг етишмаслиги қишлоқларда ортиқча ишчи кучини юзага келтирди. Шаҳар sanoat-корхоналари агроф қишлоқлардаги ана шу ортиқча, малакаиз ва эрзон ишчи кучларидан кенг фойдаланилади.

Бу хусусиятнинг салбий оқибатлари, собиқ Иттифокнинг охириги йилларда ва Ўзбекистон муस्ताқиллигининг дастлабки йилларида намоён бўлди. Совет даврида шаклланган аънавий иқтисодий шлокалар узилиб, бир қатор sanoat корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари кичқариб кетди. Натижада, корхоналар, биринчи навбатда, қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучларидан фойдаланишдан воз кечдилар. Оқибатда, улар ишсиз қолиб, яна шаҳарларга иш қилириб кела бошлади ва бу ҳол шаҳарларда ижтимоий муаммоларни янада кескинлаштирди.

**Учинчи хусусияти** Фарғона водийси шаҳарларининг азалдан кўп миллатлилиги ва бунинг устига, иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан олдин мустабид тузум томонидан ўз ватанидан қувгин қилинган корейслар, қрим татарлари, месхетин турклари, чечен, қорачай миллатига мансуб халқлари бир қисмининг водий шаҳарлари на унинг агрофига жойлаштирилиши, усиз ҳам водий аҳолисининг зичлиги натижасида юзага келган ижтимоий кескинликни янада кучайтирди.

1980-йилларнинг охириларига келиб собиқ совет жамиятидаги ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тушқунлик Фарғона водийси шаҳарларида миллатлараро муносабатларда яққол намоён бўлди. 1989 йил ёзида Фарғона водийсининг бир қатор шаҳарларида (Фарғона, Марғилон, Кўкон, Қувасой каби шаҳарларида) месхетин турклари билан бўлган можаро ва уш мустабид тузум томонидан ўривонлик билан бостирилиши натижасида бегуноҳ инсонлар қони тўқилгани юқоридаги фикримизга, яъни водий шаҳарлари республиканинг бошқа шаҳарларига нисбатан ижтимоий аҳолининг мураккаблиги билан ажралиб туришидан далolat беради.

<sup>57</sup> 1993 йилда ЎзР халқ сўралиги, Б. 25

<sup>58</sup> Аппаберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). Т., 1990. С. 13.

Муствакиллик шароитида этник ва конфессиялараро муносабатлар соҳасида олиб борилган изчил ва қатъий сиёсат туфайли мамлакатда миллатлараро тотувлик қарор топди. 1990-йиллар ўрталарида ушбу ҳудудда ўзбеклардан ташқари 1 миллиондан ортик тожик, киргиз, рус, татар, қорақалпоқ ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари истиқомат қилган.

**Тўртинчи хусусият** Фарғона водийсининг маҳаллий (асосан, ўзбек ва тожик миллатига мансуб) аҳолиси ўртасида ислом динига бўлган эътиқоддаги мойиллик билан ажралиб туради. Совет тузуми даврида динга нисбатан қатағон ва атеистик сиёсат ҳам маҳаллий аҳолининг ислом динига бўлган муносабатини ўзгартира олмади. Аммо бу ҳолат кейинчалик диний эътиқоддаги кўр-қўрона ва нотўғри оғишларни келтириб чиқарди.

1980-йилларнинг иккинчи ярми ва 1990-йилларнинг дастлабки даврида собик Иттифокнинг парокандаликка юз буриши, коммунистик мафкура ҳукумронлигининг заифлашуви натижасида мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда бир қадар хурфиқрлик юзага келди. Жамият ижтимоий қатламларида яшириниб ётган ислом динига бўлган ижобий муносабатдан ҳамда коммунистик мафкуранинг нисбатан заифлашганидан фойдаланган сохта “мессиионерлар”нинг фаолияти натижасида водийда диний ақидапарастликнинг кенг қулоч ёзишига сабаб бўлди. Бунда мустабид тузумнинг муствамлақачилик сиёсати натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ва коммунистик “ақидапарастлик”нинг қурук ваъдаларидан қарчаган айрим водийликлар орасида диний ақидапарастлик таъсирига берилишлар кучайиб борди.<sup>59</sup> Натижада, муствакил Ўзбекистонга ёт бўлган ваҳхобийлик, акромийлик ва бошқа диний экстремистик ва фундаменталистик ҳаракатлар Фарғона водийсида республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан кенгроқ шаклларда тус олди.

**Бешинчи хусусият** Фарғона водийси аҳолисининг ўзига хос хусусияти, унинг азалдан муствамлақачилик зулмига, адолатсизликка қарши муросасиз курашиб келгани билан ҳам ифодаланади.

Маълумки, Фарғона водийси аҳолиси республиканинг аксарият ҳудудларига нисбатан 50-60 йил кўпроқ Россия муствамлақачилиги зулми остида яшади (Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия империяси даврида алоҳида давлат сифатида протектарат бўлгани ҳисобга олинган). Босқинчиларга қарши муттасил курашиб келди. Фарғона халқининг озодлик учун олиб борган курашлари тарихда Дукчи Эшон, Андижон кўзғолони, 1916 йил кўзғолони ва ниҳоят, 1918-1935 йиллар давомида тарихда «босмачилик» деб ном қолдирган мустабид совет тузумига қарши олиб борилган қуроли курашларда намоён бўлди. Водийликларнинг муствамлақачилик зулмига, адолатсизликка нисбатан қўркмасдан ўз нарозилигини илдириши совет тузумининг охириги йилларида бўлган воқеаларда яна бир бор ўз ифодасини топди.

Умуман, юқорида санаб ўтилган Фарғона водийси ва аҳолисига хос ва бир-бирига узвий боғлиқ бўлган бу хусусиятлар совет тузуми йилларида «пишиб етилган» ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий аҳволнинг умумий кўриниши бўлиб, хозирга давргача давом этиб келаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиб келди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришнинг «ўзбек модели»нинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, унда республиканинг барча ҳудудлари, вилоятлари, шу жумладан, Фарғона водийси шаҳарларининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ҳам эътиборга олинди. Шунинг учун ҳам, бу дастур жазҳон муваххассислари ва сиёсатдонлари томонидан юқори инҳоланмоқда ва «ўзбек модели» сифатида эътироф этилмоқда.

Хусусан, 1990 йиллар ўрталарига келиб, «Ўзбекистон Марказий (сиёс)да ягона қарвонбоши бўлапти», «ўзбек модели», «ўзбек мўъжизаси» каби иборалар чет эл матбуотида қайд этила бошланди. Ўрни республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятига шубҳа билан қараган сиёсатчилар,

<sup>59</sup> Бабажанов Б. Ферганса долина. Источник или жертва исламского Фундаментализма? // Россия и мусульманский мир. М., 1999. С. 106-117. Федеральная газета. М., 1999 Август (№9-10).

иктисодчи олимлар ҳам Ўзбекистон тажрибасини ўрганиб, айрим жиҳатларини ўзларига тadbик қила бошлади.

Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти, академик В.Видяпин 1998 йил Тошкентда республика олий ўқув юртли вакиллари билан учрашувда: «Республика тараққиёт модели хозирги вақтда ҳам Россия, ҳам хориж мутахассислари томонидан ўрганилаётгани халқингиз эришган муваффақиятлар муносиб равишда эътироф этилганидан далолатдир. Сизлардаги ислохот жараёнларига ёндашувдан биз Россияда ҳам фойдаланишимиз мумкин»<sup>60</sup>, деган эди.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида чиқадиган газетаси: «Аҳолиси 50 миллионли минтақанинг ярми истиқомат қилаётган Ўзбекистон, тўғри йўналтирилган иқтисодий ривожланиш натижасида собиқ Иттифоқ жанубидаги бошқа мусулмон давлатлари орасида яққол кўзга ташланиб қолди. Қисқа вақтда завод ва фабрикалар юқори сифатли, экспортга мўлжалланган автомобиллар, кўллаб энгил ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Мамлакат раҳбарияти давлат улкан ютуқларга эришиши учун катта сазй-харакат қилмоқда»<sup>61</sup>, деб республикадаги ислохотларга юқори баҳо берган эди.

1998 йил 7 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган «Бозор иқтисодиёти асосларига ўтишнинг «Ўзбек модели» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция ҳам бунинг ёрқин далилидир. Конференцияда БМТ Ваколатхонаси, Жаҳон банки, ЖФВ вакиллари, Финляндия, Голландия, АҚШ, Япония, Россиядан келган мутахассислар иштирок этишди.

Конференциянинг асосий мақсади етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассислар иштирокида мустақиллик йилларида Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш асосларининг «ўзбек модели» қандай амалга оширилаётганини хар томонлама чуқур таҳлил қилишдан иборат эди.<sup>62</sup>

Конференцияда сўзга чиқкан БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Маликнинг таъкидлаб ўтишича, мустақил Ўзбекистон учун ислохотларнинг дастлабки йиллари шунчаки, оддий йиллар бўлгани йўқ. Чунки ислохотларнинг бошиданок Ўзбекистон ҳукумати ўтказиб бoшлаган дадил ички ва ташқи сиёсат туфайли мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди.

Анжуманда, айниқса, МДХдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, ички бозоримизни хориждан сотиб олинган моллар билан тўлдиришга эмас, балки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва кредитларининг асосий қисмини замонавий истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган технологияларни олиб киришга, кўшма корхоналар ташкил қилишга сарфланаётгани ижобий баҳоланди.

Профессор Кеичиро Сиодзи (Япония) мамлакатимизнинг ресурсларига жуда бойлиги, уларни ишга солиш учун тadbиркорларга эркинлик бериш лозимлиги, лекин бу эркинлик конун доирасида бўлмаса, у парокандаликка олиб келишини, айниқса, ислохотларни амалга оширишга давлатнинг ўзи етакчи роль ўйнаётганини алоҳида қайд этди.<sup>63</sup>

Умуман, халқаро илмий-амалий конференцияда мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда миллий модель асосида олиб юрилган иқтисодий-ижтимоий ислохотларга чет эл олимлари, мутахассислари ва республикаимиз етакчи иқтисодчи олимлари томонидан юқори баҳо берилди. Буларнинг ҳаммаси халқимизда Ўзбекистон танлаган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлининг тўғрилигига бўлган ишончни янада мустахкамлади.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати амалга ошираётган сиёсатнинг катта ютуғи ва республикада бозор муносабатларига ўтишда танланган йўлнинг нақадар тўғрилиги ва ўтишга хослигининг натижасидир.

## 2.2. Водий шаҳарларида янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши

<sup>60</sup> Халқ сўзи. 1998 йил 15 октябр.  
<sup>61</sup> Карав. Wall street journal. 1997. 5 jule.  
<sup>62</sup> Халқ сўзи. 1998 йил 15 октябр.

Мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган миллий модель асосида ислохотлар, бозор иқтисодиётининг умумий қонуниятларига қатъий риоя қилган ҳолда бошланди ва олиб борилди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, ўзгаришлар даврида шахарлар, нафақат мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий марказлари сифатидаги роли билан, балки ўтказилган ислохотларнинг дастлабки тажриба-синов майдони сифатидаги ўрни билан ҳам ажралиб турди.

Амалда барча ислохот ва миллий иқтисодиётларини соғломлаштириш жараёнлари ўта ноқулай шароитларда бошланди. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифокдош республикаларга ҳам тегишли эди. Хусусан:

-режалаштириш тизимига барҳам берилди, аммо янги бозор муносабатлари, бозор тармоқлари мажмуи эса шаклланиш босқичида эди;

-бутун иқтисодий тизим ёлпасига давлат мулкчилигига асосланган, хусусий мулкчилик эса ҳали ривожланмаган эди;

-давлат корхоналарининг иқтисодий эркинликлари давлат бююртмаси, моддий бойликлар ва капитал маблағларнинг меъёрланган тақсимланиши билан кескин чекланган эди;

-халқ хўжалиги тузилмаси ҳаддан ташқари монополашган — бутун бир тармок эмас, балки алоҳида корхоналар ҳам ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар борасида танҳо “ҳоким” ҳисобланарди;

-сақланиб қолган давлат монополияси ва нарх-наво сиёсатидаги тазйик, тармоқларда ва корхоналарда боқимлик кайфиятларини вужудга келтирган марказлаштирилган молия-кредит тизими тадбиркорлик соҳасидаги барча ташаббусларни йўққа чиқарарди;

-республика иқтисодиёти узоқ вақт давом этиб келган, тобора кучайиб борган иқтисодий ва таркибий инкирозни бошдан кечирмоқда эди. У ишлаб чиқаришнинг пасайишига, гиперинфляциянинг кучайишига, нарх-навонинг юқорилиги туфайли хомашё олиш ва республиканинг ўз маҳсулотларини сотишда қийинчиликларга, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб кела бошлади;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қобилияти пастлиги ва валюта ресурсларининг етишмаслиги сабабли жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари чекланган эди;

- молия-кредит ва пул тизимидаги инкироз бюджетдаги камомаднинг ва ташқи қарзларнинг ўсиши, кредит ресурсларининг танқислиги, инвестициявий фаолликнинг пастлиги, республикалар ўртасидаги тўловларнинг тўхтаб қолиши, рубль ва миллий валюталар қадрсизланиши билан ажралиб турар эди.

Бошлангич даврдаги бу қийинчиликларнинг Ўзбекистон учун умумий сабабларидан ташқари бир қатор ўзига хос сабаблари ҳам бор эди. Бир неча ўн йиллар мобайлида республика иқтисодиёти марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланган эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, Чор империяси давридагидек, республика арзон хомашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга, яъни республика хомашё базаси бўлиб келди<sup>64</sup>.

Республика худудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита марказ бўйсунувида бўлиб, амалда республика уларни бошқармасди, балки кўпроқ хомашё қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр буюмлар, мудофаа маҳсулотларини чиқариш билан шуғулланарди ва бу маҳсулотларнинг ҳаммаси Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетиларди. Корхоналарнинг кўпчилиги товарни республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун такрор ишлаб чиқарарди. “Бизга эса кўпинча республика худудида нима қанча ҳажмда ишлаб чиқарилаётганини, қанчаси ташиб кетилаётганини, қимларга ва қандай нархда сотилаётганини билиш ҳақто ман этилганди. Буларнинг бари қаттиқ сир сақланарди. Республиканинг улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда, даромадлар унинг худудидан анча олисда қолиб кетарди. Аксарият тармоқларда тугалланмаган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар кўп эди. Хомашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни чиқариш босқичида тўхтаб қолар эди. Ҳатто

<sup>64</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон: миллий иқтисод, иқтисод, сўнгсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996. Б. 282-283.

етақчи тармоқларда ҳам технологик асбоб-ускуналар аллақачон эскирган, ишдан чиққан ва янгилашга мухтож эди. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта, кўп ҳолларда эса, тузатиб бўлмайдиган даражада зарар етказилган<sup>65</sup>. Хуллас, мазкур бузилишларни тезлик билан бартараф этиш йирик сармояларни, замонавий техника ва технологияларни, тегишли кадрлар тайёрлашни талаб қилади.

Бутун республикада бўлгани каби Фарғона водийси шаҳарларида ҳам бозор муносабатларига ўтиш «Ўзбек модели» асосида амалга оширишга киришилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда муस्ताқил Ўзбекистон биринчи ғалда хал этиши зарур бўлган вазифалар ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди. Бу вазифалар, биринчидан, эски тоталитар режимнинг режали иқтисодини синдириш ва бозор муносабатларига ўтишни собитқадамлик билан давом эттириш; иккинчидан, миллий иқтисодиётни барпо этиш, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди.

Ислохотлар қуйдаги асосий йўналишларда борди:

1. Мулкий ислохотлар;
2. Институцион ислохотлар;
3. Аграр ислохотлар;
4. Ташқи иқтисодий фаолият ислохотлари;
5. Ижтимоий ислохотлар.

Бу йўналишларга ислохотларнинг барча босқичларида амал қилинди, лекин улар ҳар бир босқичда турли даражада амалга оширилди.

Характерли томони шундаки, Ўзбекистонда туб иқтисодий ислохотлар орқали бозор муносабатларини шакллантириш учун энг аввало унинг стратегик мақсадлари белгилаб олинди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- Ўзбекистон халқлари турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт шaroитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб бoрyвчи иқтисодий тизимни барпо этиш;

- Республикада кўп укладли иқтисодиётни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан химоя қилинишини таъминлаш;

- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлат йўли билан аралашмаслик;

- иқтисодиётда чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бoриш; - кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш.

«Бозорга ўтиш муқаррар, — деб таъкидлаган эди И.А.Каримов. — Бу давр айни, объектив реалиқдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги кадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир»<sup>66</sup>.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бозор иқтисодиётига икки йўл билан биринчиси революцион йўл билан, яъни жадал усулда, иккинчиси эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Ўзбекистоннинг иқтисодий дастурида бозор иқтисодиётига ўтишда биринчи йўл эмас, балки иккинчи — собитқадамлик ва изчиллик билан, босқичма-босқич ҳаракат қилиш йўли асос қилиб олинди. Бунинг моҳияти шундаки, бир босқични тугатиб, зарур шарт-шaroитларни яратиб бўлгандан кейингина ривожланишнинг янги босқичига ўтилади.

Умуман олганда, ҳар қандай ўтказилган иқтисодий ислохотларни устувор йўналишлари, хал этилган вазифалар микёси ва эришилган натижаларга қараб даврлаштириш мумкин. Шу мезонларга таънайдиган бўлсак, 1990 йилларда Ўзбекистонда ўтиш даври ислохотлари уч босқичда олиб бoрилганини кузатиш мумкин:

<sup>65</sup> Ўша жойда. Б. 283.

<sup>66</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий иқтисод, иқтисод, сўёсат, мафкура. Т. 1. Т. 1996. Б. 63.

Биринчи босқич — 1991 йил 1 сентябрдан 1994 йил ўртасига қадар; иккинчи босқич — 1994 йил ўрталаридан 1997 йил ўрталарига қадар; учинчи босқич — 1997 йил ўрталаридан кейинги давр.

Ислохотларнинг биринчи босқичи бозор муносабатларига ўтишнинг илк қадамлари билан характерланади. Бу босқичда 2 та муҳим масалани бирданга ҳал этишга тўғри келди:

- маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодийётни барқарорлаштириш;
- республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Маъмур босқичда айtilган муаммоларни ечиш мақсадида ислохотларнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинди:

- Ислохотларнинг қонуний базасини яратиб уни мустаҳкамлаш;
- Янги мулкчилик шаклига ўтишни дадил бошлаш;
- Иқтисодий-молиявий барқарорликка эришиш.

Бу босқичда институционал, мулккий ва аграр ислохотлар бошланди, қонунлар устуворлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Шу сабабли, энг аввало, ислохотлар учун ҳуқуқий негиз яратилди. Янги қабул қилинган қонунлар бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий янгиланишга хизмат қилишни, Ўзбекистоннинг миллий шароитини, ўзига хос хусусиятларини инобатга олишни, қонунлар соҳасидаги жаҳон тажрибасини Ўзбекистон шароитига ижодий сингдиришни тақозо этар эди. Ислохотларнинг биринчи босқичида ҳуқуқий асосларни яратишда Ўзбекистонга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича янги механизм вужудга келтирилди. Бу механизм ўз ичига 5 омилни олар эди:

- қонунлар концепциясини пухта ишлаб чиқиш;
- қонунларни мутахассислар, олимлар, давлат хизматчилари, халқ депутатлари иштирокида ишлаб чиқиш ва мамлакат ичида қўл боскичли экспертизадан ўтказиш;
- қонунларни обрўли халқаро юридик ташкилотлар ва ҳуқуқшуносларнинг экспертизасидан ўтказиш;

- қабул қилинган қонунларни давлат ва кенг жамоатчилик иштирокида изчиллик билан амалга ошириш;

- уларни амалий тадбиқ қилиш жараёнида зарурий тузатишларни киритиб бориш.

Аввало, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»<sup>67</sup>, «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»<sup>69</sup>, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»<sup>70</sup> ги ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, булар асосида марказий ва маҳаллий бошқарув органлари тизими вужудга келтирилди. Шундан сўнггина янги иқтисодий муносабатларни йўлга қўювчи қонунлар, ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Бу қонунлар ўз умрини яшаб бўлган эски совет иқтисодий муносабатларини ва сиёсий тизимини ҳуқуқий йўл билан янги иқтисодий муносабатлар ва сиёсий тизим билан алмаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Биринчи босқичда жами 26 та қонунлар қабул қилинди. Булар орасида мулкчилик, тадбиркорлик, хорижий инвестициялар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, банклар тўғрисидаги қонунлар бозор тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди, унга ўтишнинг чора-тадбирларини белгилади. Бу босқичда қонунлардан ташқари, ислохотларни изчил боришини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 82 та фармони ҳам қабул қилинди. Қабул қилинган қонун ва фармонлар, шунингдек, ислохотлар легитимлигини таъминлади.

Институционал ўзгаришлар қонунчиликдан ташқари бошқариш тизимига ҳам тааллуқли бўлди. Маъмурий-бўйруқбозлик бошқаруви ўрнига демократик бозор бошқарув тизими қарор топа бошлади. Илгариги давлат план қўмитаси ўрнига Давлат прогнозлаш ва

<sup>67</sup> У.Р. Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1991. № 11. Б. 14-15.

<sup>68</sup> Ушша жойда. 1993. № 5. Б. 12-21.

<sup>69</sup> Ушша жойда. 1993. № 9. Б. 11-22.

<sup>70</sup> Ушша жойда. Б. 23-29.

статистика кўмитаси ташкил этилди. Давлат нарх кўмитаси тугатилиб, нархларни тартибга солиш функцияси Молия вазирлигига юклатилди. Унинг қошида Антимонопол. нарх-наво бошқармаси ташкил килинди. Собик давлат таъминоти кўмитаси ўрнига «Узконтракторг» ташкил этилиб, сўнгра у Республика ултуржи ва биржа савдоси акционер уюшмасига айлантирилди<sup>71</sup>.

Мулкый ислохотларни бошқариб туриш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг мол-мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитаси тузилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни қайта куриш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Божхона кўмитаси тузилди. Солиқ идоралари молия вазирлиги таркибидан чиқарилиб, Давлат солиқ кўмитаси тузилди. Собик Давлат банки ўрнига Марказий банк тузилди. Хуллас, институционал ўзгаришлар давомида макроиқтисодий даражада янгича бошқаришни таъминловчи тизим барпо этилди. Икки погонали банк тизими вужудга келтирилди. Биринчи поғона — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Иккинчи поғона — давлат акционер, акционер-тижорат, хусусий ва қўшма банклар. Биринчи ва иккинчи поғона банклар бўлимлар ва филиаллари водийнинг вилоят марказлари — Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларида ҳам ташкил этилди. 1994 йил бошларида Ўзбекистонда жами 23 та тижорат банки мавжуд бўлиб, улар ихтиёридаги устав фонди амалда 425 миллион сўмни ва улар берган кредитлар деярли 3 миллиард сўмни ташкил этди.

«Иқтисодийёт барқарор амал қилиб турган тақдирдагина, — деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, — бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин»<sup>72</sup>. Шунинг учун ҳам, энг аввало, иқтисодийetni бошқаришда эски маъмурий буйруқбозлик тизимининг салбий оқибатларига, шунингдек, 1980-йилларнинг охирларида юзага келган тангликка барҳам бериш ва иқтисодийetni барқарорлаштириш

<sup>71</sup> Тюрников В. Шатуламов Р. Независимая Республика Узбекистан. Памятные события и даты (1991-1996). Т. 1997. С. 20-21.

<sup>72</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995. Б. 20.

биринчи боскичда хал килиниши зарур бўлган муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий дастурининг ушбу стратегик вазифаси иқтисодийёт таркибини қайта куриш, яъни республикадаги мавжуд корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш уларга эркин фаолият кўрсатиши учун имкон яратилдан иборатдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18-21 ноябрда бўлган VIII сессиясида қабул килинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»<sup>73</sup> ва «Ижара тўғрисида»<sup>74</sup> ги қонунлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қонунлар асосида корхоналар мустақил фаолият кўрсатиши, корхоналарни хиссадорлик жамиятларига айлантириш, корхоналар қошида ижара коллективлари ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар.

Корхоналар эндиликда илгариги вазирликлар ўрнига тармок концернлари, кооперациялари ва уюшмаларига бирлашдилар, уларга ўз-ўзини бошқаришга руҳсат берилди. Мустақиллик муносабати билан корхоналар давлат тазййғидан озод бўлди. Аммо бошқариш тизгинини бирданига давлатдан бошқаларга бериш мумкин эмас эди, чунки иқтисод мураккаб ахволга тушиб қолиши мумкин эди. Гап шундаки, янги бошқарув тизими, яъни унинг янги иқтисодий, бозор усуллари шаклланмай туриб, маъмурий усуллари бутунлай тугатиш бошқарувни издан чиқариши мумкин эди. Бу ишда «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма, бошпанасиз қоласан!» деган халқ ўғитига амал килинди.

Республика саноатининг ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш учун биринчи навбатда қуйидагиларни хал килиш вазифаси қўйилди:

биринчидан, кишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал ресурсларини чуқурроқ қайта ишлаш, уларни тайёр махсулот даражасига етказиш;

иккинчидан, ақлий салоҳият негизида юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтириш;

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т. 1992. № 1. Б. 64-71.

<sup>74</sup> Ушбу жойда. Б. 72-80.

учинчидан, корхоналарнинг илгор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишини таъминлаш, минерал ресурсларни комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантириш.

Бу иқтисодий дастурни амалга ошириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири маҳсулот етказиб беришда мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси зарур бўлган маҳсулотларни эркин (келишилган) нархларда харид қилиш билан алмаштирилди. Шу билан бирга, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган солиқ таъминот ташкилотлари ҳам тугатилди. Улар ўрнида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1991 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида Биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида»<sup>75</sup> ги фармони асосида товарлар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди. 1991 йилда Республикада биринчи бўлиб «Республика кўчмас фонд биржаси», «Товар хомашё биржаси», республика «Меҳнат биржаси», «Тошкент товар-фонд биржаси» тузилди ва дастлабки кимовли савдосини ўтказди. Шу йилнинг ўзида Фаргона, Наманган ва Андижонда ҳам товар-фонд биржалари ташкил этилди. Натигада, 1992 йил охирига келиб 30 дан ортик шундай биржалар иш олиб борди. Бу амалий ишлар корхоналарни эркин ҳаракат қилиш учун, солиқ йттифоқ давридаги иқтисодий алоқалар узилиб, танглик ҳолат ҳукм сураётган бир пайтда муҳим аҳамият касб этди. Корхоналарнинг ўзини-ўзи тиклаши ва бозор талабдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш эвазига корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга имкон яратилди.

Фаргона водийси шаҳарларида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар икки йўл: биринчиси мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта куrollантириш ҳисобига, иккинчиси янги корхоналар қуриш йўли билан амалга оширилди. Янги корхоналар барпо этиш, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш, халқимиз учун зарур бўлган кўллаб истеъмол моллари ишлаб чиқариш эвазига

бажарилди. «Халқ истеъмол моллари, - деб таъкидлаган эди Ислон Каримов, - энг аввало ички истеъмол бозорини тўлдириш..., ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартириш..., пулнинг кадрсизланишини қамайтириш, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш..., пирэвард натижада, кўшимча иш жойлари демакдир»<sup>76</sup>.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, иқтисодиётдаги трансформацион жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, Фаргона водийси шаҳарлари учун алоҳида аҳамиятга эга эди. Чунки йиллар давомида бир тамонлама ривожланиш натижасида водий завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилган тайёр халқ истеъмол моллари салмоғи умумий маҳсулот ҳажмига ҳисбатан жуда оз бўлиб, аҳоли талабини мутлақо қондирмас эди. Аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари асосан Йттифоқнинг бошқа республикаларидан келтирилар эди. Масалан, совет даврида Андижон шаҳри аҳолисининг уларга бўлган эҳтиёжларининг фақат 15 % вилоят имкониятлари эвазига, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари имкониятлари ҳисобига эса фақат 25 % қондирилар эди. Қолган 60 % эса Россия, Украина, Белоруссия, Болтиққўйи ва бошқа республикалар ҳисобига қондирилар эди<sup>77</sup>.

Шу билан бирга, мустақилликнинг дастлабки йиллари мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари, шаҳарлари каби Фаргона водийси шаҳарлари учун, унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун ўта мураккаб давр бўлди. Йттифоқнинг парчаланиб кетиши, йиллар давомида шаклланган иқтисодий блоқларнинг деярли узилишига олиб келди. Моддий техника инъиноти, ўзаро банк ҳисоб-китобларининг мураккаблашгани шаҳар халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлди. Алоқалар узилиши натижасида водий шаҳарларидаги бир қатор корхоналар қисқартирилган ҳолда, айримлари эса бутунлай ишламай қўйди, ишчи ва хизматчилар мажбурий таътилга чиқарилиб, улар ишсизлар сафига қўшилди.

<sup>75</sup> Каримов И. А. Янгила фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. Т. 1997. Б. 94-95

<sup>76</sup> Андижон шаҳар ҳокимлиги жорий архиви (Бундан кейин - АШХ ЖА). Халқ депутатлари Андижон шаҳар йиллиги XXI чакриқ XVI сессиясининг материаллари. 1994 йил 30 октябрь. Б. 3.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси. Қонун ва фармонлар. Т. 1992. Б. 178

Масалан, мустақилликнинг биринчи йилларида биргина Андижон шаҳридаги 15 та корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш хажмини камайтириб юборди. Булар орасида Машинасозлик, «Ирмаш», «Коммунар», «Нитрон», тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси, мебель фабрикаси каби корхоналар бор бўлиб, буларда хомашё етишмаслиги натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб, 1992 йилда ишчилар ва хизматчилар мажбурий таътилга чиқарилди.<sup>78</sup> Бундай ҳолатни Фарғона, Наманган вилоят шаҳарларидаги барча корхоналарда кўриш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилида юзага келган бу аҳвол натижасида, биринчидан, аҳоли орасида ишсизликнинг ортиб боришига, иккинчидан, халқ истеъмоли молларининг тақчиллигига, магазин пештахталарининг бўшаб қолишига, учинчидан эса, харид қилинадиган зарур истеъмоли молларининг йўқлиги пулнинг қадрсизланиб боришига олиб келди. Бу салбий хусусиятлар, айниқса, Фарғона водийсида, хусусан, унинг шаҳарларида республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан анча жиддийроқ тус олди.

Ислохотлар жараёнида янги иқтисодий муносабатлар томон қўйилган жиддий кадам нархларни лебераллаштириш бўлди. Чунки эркин нархларга амал қилиш бозор иқтисодиётининг муҳим шартидир. Бу тadbир ҳам миллий ислохотлар стратегиясида белгиланган аста-секин, босқичма-босқич ўтказиш қоида­сига таянди. 1992 йилдан эътиборан техникавий товарлар ва айрим истеъмоли товарларнинг келишилган (эркин) нархларига ўтилди, аммо энг зарур истеъмоли молларига дотацияланган нархлар сақланса-да, уларда сотиладиган товарлар рўйхати қисқартирилиб борилди.

Саноат корхоналарига эркин фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб берилиши ва нархларнинг либераллаштирилиши корхоналар тақдирини уларнинг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг ташаббускорлиги, тadbиркорлиги ва ишбилармонлигига боғлиқ қилиб қўйди.

Фарғона водийси шаҳарларида жойлашган корхоналар республика саноатининг қарийб барча тармоқларини ўзида

муҳассамлаштирган бўлиб, улар фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, машинасозлик, электротехника, нефт ва газ, кимё, тўқимачилик, қурилиш индустрияси, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат, консерва ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.<sup>79</sup> 1990-йилда бундай корхоналарнинг Андижон вилояти шаҳарларида 169 таси,<sup>80</sup> Фарғона вилояти шаҳарларида 727 таси,<sup>81</sup> Наманган вилояти шаҳарларида 102 таси<sup>82</sup> мавжуд эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бу корхоналарга мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзини-ўзи бошқаришда, маблағ ва хомашё билан таъминлашда, давлат буюртмасини бажаргандан сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотларни корхона ихтиёрига қолдириш борасида эркинлик берилди. Бир қатор корхоналар берилган бу имкониятлардан унумли фойдаланилиши натижасида нафақат танглик ҳолатидан чиқди, шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам эришди. Масалан, Бобур номили Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси 1990 йилга келиб танг аҳволга тушиб қолган эди. Бирлашма вужудга келган тангликни эскирган машиналар ва асбоб-ускуналарни янгилаш, ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига хал қилди. 1991–1992 йилларда давлатдан олинган 45 миллион рубл кредитни янги техникалар сотиб олишга ва уларни ўрнатишга сарфланди. Бирлашманинг йигирувчи фабрикасида 180 та тараши дастгоҳи, 100 та «ППМ» йигирув дастгоҳи, бўяш ва пардозлашда оқартирувчи «ЛЖО» машиналари, тук ишлаб чиқарувчи Тайван линияси, пардозловчи «Ремеш Каландар» машиналари ўрнатилиб, ишга туширилди.<sup>83</sup>

Бирлашма раҳбарларининг тadbиркорлиги натижасида бир ойда ишлаб чиқариладиган калава ип 425–465 тоннадан 1000 тоннага, хом сурп 1200–1400 минг погон метрдан 3000 минг погон метрга, тайёр

<sup>78</sup> Федеральная газета М., 1992 август. № 9-10. С. 6-7.

<sup>79</sup> АШХ ЖА. Андижон вилоят иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. 1990–1993 йиллар. Статистик тўплам. 1994. Б. 55.

<sup>80</sup> Фарғона вилояти ҳокимлиги жорий архиви (Бундан кейин – ФВХ ЖА). Фарғона вилояти паспорти. 1996. Б. 17.

<sup>81</sup> Наманган вилояти ҳокимлиги жорий архиви (Бундан кейин – НВХ ЖА). Наманган вилояти паспорти. 1996. Б. 2.

<sup>82</sup> АШХ ЖА. Шаҳар фаоллари йиғилишининг материаллари. 1992 йил 17 июль. Б. 9.

газлама 5 миллион погон метрдан 12-15 миллион погон метрга етди. Бунинг натижасида бирлашма 1991 йилда 0,028 миллиард рубл, 1992 йилда 1,12 миллиард рубл, 1993 йилда 12,5 миллиард рубл, 1994 йилнинг биринчи чорагида 12,6 миллиард сўм-купон хисобида фойда олди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет эл валюталарига сотиш эвазига бирлашма 200 минг АҚШ долларига эга бўлди.

1993 йилда Андижон механика корхонаси жамоаси ҳам республика хомашёси хисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ўтиб, бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Корхона қошида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ижара коллективи ташкил қилинди. Корхона ишчи хизматчиларининг ишбилармонликлари ва тадбиркорликлари натижасида 60 дан ортиқ турдаги халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.<sup>84</sup>

Умуман олганда, Андижон шаҳридаги 46 та саноат корхоналаридан 43 тасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш амалга оширилди. Бошқа тармоқларга қарашли 12 ташкилот ҳам аҳоли учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқара бошлади. Шаҳар бўйича жами 744 хилдаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, уларнинг 581 таси ноозик-овкат маҳсулотлари эди.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда шаҳар корхоналари иш фаолиятида камчиликларга ҳам кузатилди. Шаҳардаги 11 та саноат корхонасида 1992-1993 йилларда режадаги 28 хил янги халқ истеъмол моллари ўрнига 19 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, холос. Масалан, пойфзал бирлашмасида моддий-техника ва хомашё масалари ҳал бўлмагани учун 1994 йилнинг II чорагидан бошлаб ишчи-хизматчиларнинг 60 %ига ўз хисобидан таътил берилди. Натигада, савдо шахобчаларида нисбаган арзон нархлардаги маҳаллий пойфзаллар, айниқса, болалар пойфзаллари камёб молларга айланиб қолди.<sup>85</sup>

Иқтисодий алоқалар издан чиққан, четдан тайёр маҳсулот келтиришнинг қиймати тобора ошиб бораётган бир пайтда изланишлар ва имконият кидириш асосида ишлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб борди. Жумладан, хомашё такчиллигини хисобга олган

<sup>84</sup> АШХЖА Шаҳар Кенгаши XXI чакирлик XVI сессияси материаллари 1994 йил 30 октябрь, Б. 12.

<sup>85</sup> Ушба манаба, Б. 8-9.

«Наманган шойи газламалари» бирлашмасида газламанинг янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Вискоза ва лавсан хомашёси такчиллигини хисобга олган ҳолда лавсан ва пахта толаси аралашмасидан плашчбоп «Наврўз» деб ном олган янги газлама тўкиш йўлга қўйилди. Натигада, 145 та дастгоҳ ёрдамида ҳар куни 4,5-5 минг метр сифатли газлама ишлаб чиқаришга эришилди.<sup>86</sup>

Шунингдек, бирлашма ихтирочиларининг изланишлари натижасида тикув маҳсулотлари орасига кўйиладиган қотирмалар ҳам шу ернинг ўзига тайёрланадиган бўлди. Аввалги даврда бу маҳсулот тўкув фабрикасида тайёрланиб, пардозлаш цехида кимёвий моддалар шимдирилиб, киришмайдиган ҳолага келтирилгач, Ёшқирдистоннинг чарм комбинатида юбориларди. У ерда сўнгги ишлов берилиб, ёрдамчи материал ҳолатига келтирилганидан сўнг, яна Ўзбекистонга қайтарилар эди. Янги шариотда вақт ва харажатни тақозо этувчи ушбу жараёнга барҳам берилди. Корхонада «Қарач» машинасининг ишга туширилиши натижасида кунига 25 минг погон метр қотирма материаллари ишлаб чиқарила бошланди.<sup>87</sup>

Наманган вилояти саноат корхоналарида тадбиркорликка таянган ҳолда иш олиб борилиши натижасида 1994 йилга келиб 1991 йилга қадар четдан келтирилган 20 га яқин саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.<sup>88</sup>

Лекин шаҳардаги барча корхоналар ҳам бир хилда изланишлар ва тадбиркорлик билан иш олиб бора олмади. Жумладан, Наманган тикувчилик бирлашмаси раҳбариятининг бепарволиги, янги шариот талаби даражасида ишлай олмаслиги, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқармагани сабабли корхона омирларида сотилмай қолган маҳсулотлар кўпая борди ва 1995 йилнинг I апрелига келиб сотилмай қолган тайёр маҳсулотлар ҳажми 40 миллион 500 минг сўмни ташкил қилди. Бу, ўз навбатида, корхонанинг молиявий аҳолини ёмонлаштирди. Корхона жамоаси бундай танг ҳолатдан чиқиш учун дастлаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатига эътиборни қаратди, бозор ва харидор талаблари ўрганиб чиқилди. Натигада,

<sup>86</sup> Наманган ҳақиқати 1993 йил 23 март.

<sup>87</sup> Ўзбекистон овози, 1995 йил 26 январь.

<sup>88</sup> ИИХЖА Вилоят ҳокимиятининг 1995 йил 9 мартдаги маърузаси, Б. 9.

корхонада тайёрланаётган 80 % кийим-кечақларнинг моделлари янгидан яратилди ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Вилоят бўйича бирлашманинг 30 га яқин фирма дўконлари очилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1995 йилнинг августига келиб оморлардаги қолдиқ маҳсулотларнинг ҳажми қисқариб, 10 миллион сўмни ташкил этди.<sup>89</sup>

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам истеъмол моллари ишлаб чиқаришга жиддий эътибор берилди. Бу борада Фарғона шаҳар ҳокимлиги ўзининг иқтисодий ислохотлар дастурини яратди. Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошира бориб, 1992 йилда шаҳар саноат корхоналари томонидан 4,5 миллиард сўмлик, 1993 йилда эса 52 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.<sup>90</sup>

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, бозорни тақчил моллар билан тўлдиришга Фарғона водийсининг кўхна шаҳарларидан бири бўлган Кува шаҳрининг саноат корхоналарида ҳам алоҳида эътибор берилди. Кува республикадаги йirik саноат шаҳарларидан бири бўлиб, хозирги кунда 20 дан ортик корхона фаолият кўрсатган. Шулар орасида Кува дон маҳсулотлари корхонасида 5-6 турдаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Корхона Фарғона вилояти ва кўшни Андижон вилояти аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлашда асосий база ҳисобланган. Корхона биринчи ва иккинчи навли макарон уни тайёрлаш бўйича 1990-йиллар ўрталарига қадар республикада ягона бўлган.

Хусусан, 1992 йилда бу корхонада Италия билан ҳамкорликда кунига 40 тонна макарон тайёрлаш қувватига эга бўлган замонавий цех ишга туширилди. Корхонанинг асосий тегирмон цехи 1996 йилнинг мартида тўла таъмирланди. Бу цехда кунига 250 тонна буғдойни қайта ишлайдиган Швейцария дастгоҳлари ўрнатилди.

<sup>89</sup> Ўша жойда Наманган вилояти фаоллари йигилиш материаллари. 1995 йил 9 август. Б. 19.

<sup>90</sup> ФВХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI сессияси материаллари. 1993 йил 25 декабрь. Фарғона шаҳар ҳокимлиги фаоллари йигилишининг 1-сон қарори. 1993 йил 5 март. Б. 1.

Натижада, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати ва миқдори аввалги даврга қараганда 1,5 бараварга ошди.

Халқ истеъмоли моллари, айниқса, болалар учун товарлар ва бадий хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш, корхоналарни замонавий техника ва илгор технология асосида қайта жиҳозлашни тугаллаш, рақобатбардош ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, енгил ва маҳаллий саноат корхоналари ишини барқарорлаштириш ва уларни молиявий соғломлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йилнинг 27 апрелида махсус қарор қабул қилди. Қарорга асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, айниқса, болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар даромадидан олинадига, солиқ ставкалари амалдагига нисбатан 30 %га камайтирилди, айрим корхоналар эса батамом озод қилинди. Корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан халқ истеъмоли моллари, болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш учун фойдаланиладиган бўлди.<sup>91</sup> Бу тадбир республика корхоналарининг эркин фаолият кўрсатишида ва уларни бозор муносабатларига кириб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида иқтисодда чуқур таркибий силжишлар ҳам юз берди. Илгариги мустамлака характеридаги иқтисод миллий манфаатларни кўзлаб кайтадан қурила бошланди. Ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар давлатнинг фаол иштирокида юз бера бошлади. Уни амалга оширишда давлатнинг инвестиция сўёсати қатга аҳамиятга эга бўлди. Керакли тармоқларга давлатнинг капитал маблағлари юборилди, шунингдек, хорижий мамлакатлар маблағларининг қатга қисми ҳам сафарбар қилинди. Ўзбекистон халқ хўжалигига жойлаштирилган капитал маблағлар 1994 йилда - 14,1 миллиард сўмни, 1995 йилда 88,9 миллиард сўмни, 1996 йилда 176,7 миллиард сўмни ташкил қилди.<sup>92</sup> Бу маблағлар янги корхоналарни қуриб ишга тушириш, эскиларини янги техника билан

<sup>91</sup> Фарғона ҳақиқати. 1996 йил 4 май.

<sup>92</sup> Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки сифатлари. Т. 2000. Б. 52.

кайта жиҳозлашга сарфланди. Бу, айниқса, Фарғона водийси шаҳарларида барпо қилинган «ЎзДЭУ-авто», «ЎзДЭУ-текстиль» каби бир қатор кўшма корхоналар ва ҳиссадорлик жамиятлари тимсолида яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётда хомашё етиштиришдек бир томонлама йўналишга барҳам бериш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотда тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг сифатини жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган даражага кўтаришдек муҳим вазифаларни қўндаланг қўйдик, бу халқ истеъмоли моллари билан бир қаторда ялпи sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, янги технологияларни кенг жорий этиш масалаларини хал этишни тақозо қилар эди. Ишлаб чиқаришда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида Наманганда тиббий техникалардан гинекологик курси, туғруқхоналар бўлимлари учун краватлар, тиббий сўричалар ва жарроҳликда қўлланиладиган мосламалар каби жиҳозлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу тиббий жиҳозлар маҳаллий «Электрокурилишдетал» корхонасида ишлаб чиқарилди. Шунингдек, мазкур корхонада кичик ва катта ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган ўқув парталари, мактаб ошхоналари учун овқатланиш столлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда<sup>93</sup>.

Мустақиллик шароитида бутун мамлакатда бўлганидек, Фарғона водийсида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Қувасойда улкан sanoat корхоналаридан бири «Қварц» номли ҳиссадорлик ойна ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Бу заводнинг ишга туширилиши билан йилга 12 миллион АҚШ доллари миқдоридagi валютани тежашга эришилди. Бу корхонада 10 миллион метр<sup>3</sup> қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, завода фақат қурилиш мажмуалари ва мебель корхоналари учунгина эмас, балки «ЎзДЭУ» автомобиллари ва тракторлар учун ҳам ойналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди<sup>94</sup>.

<sup>93</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 29 ноябрь.

<sup>94</sup> Тўраев М. Тармоқ тараккиёти хавозалар қаноти // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 9. Б. 24; Фарғона хақиқати. 1996 йил 27 август.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мамлакатда кимё мажмуидаги қатор корхоналар қайта ихтисослаштирилиб, уларнинг иқтисодиётида импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Этил озик-овқат спирти ишлаб чиқарувчи Андижон биокимё заводи ва Қўқон спирти ишлаб чиқариш ширлашмаси шулар жумласидандир.

1983-1985 йилларда Қўқон шаҳрида кимё заводи қурилган бўлиб, у аҳоли зич жойлашган ҳудудда, бунинг устига, ичимлик суви минбағга яқин ерда жойлашган эди. Мустақилликка эришилганидан кейин умумий майдони 8,2 гектар бўлган мазкур завод ўрнида Марказий Осиё минтақасида танқи бўлган, озик-овқат, дори-дирмонлар тайёрлаш ва истеъмол учун ниҳоят зарур бўлган этил спирти ишлаб чиқарадиган завод қуриш имконияти вужудга келди. Бундай заводнинг қурилиши агроф-муҳитга зарар етказмайди. Қўқон спирти заводи замонавийлиги, ихчамлиги, ишлаб чиқариш қувватининг юқорилиги, умуман, дунё стандартларига мос келиши жиҳатидан эътиборга лойиқдир. Завод 1995 йилда ишга туширилиб йилга 1 миллион 830 минг декалитр спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, яна заводнинг йилга 915 минг декалитр спирт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккинчи навбатини қуриш ҳам бошлаб юборилди.

Заводнинг биринчи навбатининг ишга туширилиши бир йилда 53 миллион 758 миллион сўмлик товар-маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Корхона йилга ўртача 11 миллиард 315 минг сўм фойда олиб, давлат бюджетига 3 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ туширади. Арпа, жавдар, буғдой, маккажўхори, ок жўхори каби дон маҳсулотларидан олинган чиқиндилар завод учун асосий хомашё ҳисобланади. Ана шу дон чиқиндиларидан завод бир йилда 50 тоннасини қайта ишлаш қувватига эга<sup>95</sup>.

Фарғона водийси иқтисодиётида амалга оширилган бундай илғор таркибий ўзгаришлар стратегик жиҳатдан муҳим мақсадни халқ қилишга имкон берди. Натигада, водий шаҳарлари sanoat ишлаб чиқаришида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилги 34 % дан, 1996

<sup>95</sup> ФНХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши 1-чи қиринк IV сессиясининг №42/IV-1 қарори. 1995 йил 17 декабрь. Б. 10. Фарғона хақиқати. 1995 йил 3 август.

йилда 68,5 % га кўлайди<sup>96</sup>, республикамиз бўйича эса бу нисбат 35 ва 65,5 % ни ташкил этди<sup>97</sup>. Ишлаб чиқаришда бундай натижаларга эришишда Фарғона водийси шаҳарларида тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг кенг ривожланиши сабаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий алоқалар издан чиққан бир вақтда тадбиркорлик, изланиб ишлаш, имконият кидириш яхши самара беради. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>98</sup> ги қабул қилган Қарор ва бошқа бир қатор фармонлари водий шаҳарларида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республика ҳукуматининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаши натижасида, ўз фаолиятини 6 кишидан иборат ширкатдан бошлаган Қўқондаги «Шодлик» фирмаси 1996 йилга келиб шаҳардаги кўзга кўринган корхоналардан бирига айланди. Фаолиятини пойабзал тикишдан бошлаган бу фирманинг бир йиллик товар алмашиш қуввати 1996 йилда 31 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилди ва кўп тармоқли бу фирмада йилга 12-15 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга эришилди. 1995 йилдан бошлаб бу ерда қурилиш-таъмирлаш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бетон заводи, темир-бетон буюмлари тайёрлаш бўлинмалари ҳам ташкил этилди. Уларда бунортма бўйича яхлит пойдевор материаллари, бетон, оҳақли лой қоришмалари ишлаб чиқарила бошланди<sup>99</sup>.

Лекин, республикамизда, шу жумладан, водий шаҳарларида амалга оширилаётган ва тобора чуқурлашиб бораётган ислохотларни тез ва самарали боришига тўғаноқ бўлаётган камчиликлар ҳам кўп эди. Республика Президенти 1996 йил ноябр ойида Наманган вилоятига, сўнгра 1997 йил феврал ойида Фарғона вилоятига таширифта бу вилоятларнинг йил якунларини таҳлил қилар экан, йўл

<sup>96</sup> ЎзР Мақоратқосидёт ва Статистика вазирлигининг жорий архиви. (Бундан кейин – ЎзР МСВ ЖА).  
Статистика Давлат департаменти томонидан 13.05.1998 й. берган № 14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 1.

<sup>97</sup> Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т. 1996. Б. 56.

<sup>98</sup> Отахонов Ф. Х., Эриқаров У. Т. Хусусий тадбиркорлик: саволлар ва жавоблар, норматив ҳужжатлар. Т. 1995. Б. 45-46.

<sup>99</sup> Фарғона ҳақиқати. 1996 йил 28 март.

кўйилган бир қатор камчиликлар ҳақида алоҳида тўхталади. Масалан, кўчлар танлашда йўл кўйилган хатолар натижасида хали ҳам ноқиммандалик кайфиятидан қутилмаган, давлат томонидан исриладиган ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар берилишига умид боғлаб юрган айрим корхона раҳбарларининг ўз ишига масъулиятсизлиги оқибатида бир қатор корхоналар кейинги йилларда ишлаб чиқариш суръатларини сусайтириб юборганлар. Жумладан, 1996 йил ноябрь ойигача Наманган кимё заводи ишлаб чиқариш ҳажмини деярли 60 % га пасайтириб юборган. Айниқса, Ҳаққулбод йиғирув-тўкув хиссдорлик жамияти, Наманган шойи ишлаб чиқариш, «Атлас», «Чуст», «Чевар» хиссдорлик жамиятлари бир неча йилдан буён мунтазам равишда ишлаб чиқариш ҳажмини каймайтириб келаётганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди<sup>100</sup>.

Бундан ташқари, Маргилон «Хенатлас» хиссдорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватини атиги учдан бир қисмидан фойдаланаётгани, Фарғона газ аппарат ишлаб чиқариш бирлашмаси газ плиталари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган тўрт йил мобайнида 9 баробар камайгани қайд этилган<sup>101</sup>.

Умуман олганда, бу каби камчиликлар анъанавий иқтисодий алоқалар издан чиққан ўтиш даврида бутун республикага, шу жумладан, sanoat марказлари бўлган Фарғона водийси шаҳарларига мос хусусиятлар бўлиб, улар иқтисодийetni ривожланишига тўқинлик қилиш билан бирга аҳоли зич яшайдиган водий шаҳарларида ишсизлар сонининг ортиб боришига, шу билан бирга, водийда ижтимоий вазиятнинг кескинлашувиға сабаб бўлган эди.

Айни вақтда тадбиркорлик асосида ишни ташкил этган корхона ни ташкилот жамоалари ўз фаолиятида ижобий натижаларни қўлга киритган. Масалан, Андижон шаҳридаги «Газмол АНД» хиссдорлик жамияти гоят қисқа вақт ичида инкироз ҳолатидан чиқишга эришган. Ўқимачилик моллари билан улгуржи савдо қилишга ихтисослашган «Собик вилоят савдо базаси ўрнида ташкил топган «Газмол АНД» ҳинда «Атторлик» хиссдорлик жамиятлари ҳомийлигида мустақил ҳисоб рақамига эга бўлган «Хасанот» номли кўп тармоқли ширкат

<sup>100</sup> Каримов И. А. Халол яшаш ва халол меҳнат қилиш – бурчимиз // Халқ сўзи. 1996 йил 8 ноябрь.

<sup>101</sup> Каримов И. А. Янгиликка янгилиб чиқаш – тармаккёт тарови // Халқ сўзи. 1997 йил 15 февраль.

ташқил этилди. Унинг зиммасига ишсизларни иш билан таъминлаш, чакана савдо дўконлари очиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хорижий фирма ва компаниялар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш каби масалалар вазифа қилиб қўйилди. Шунингдек, улар «Юлдуз», «Қизил тонг», «Анджон» тикув-ишлаб чиқариш бирлашмалари, турли фабрикалар билан ҳамкорликда маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Корхонада тикилган маҳсулотлар Болгарияга жўнатилиб, эвазига хориждан эҳтиёжбоп маҳсулотлар олинди. Хусусан, Россиядан озиқ-овқат, қурилиш материаллари келтирила бошланди. Туманларда ширкатнинг дўконлари очилди. 1994 йилда уларнинг сони 8 тага етди.<sup>102</sup>

«Ўзбекнефтникайтаишлаш» бирлашмаси республикамиз халқ хўжалигини нефть маҳсулотлари билан таъминлайдиган ягона корхона бўлиб, у Ўзбекистонни нефть маҳсулотлари билан тўла таъминлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ёниги-мойлаш материаллари сотишни тартибга солиш борасидаги кўрсатмасини бажариш юзасидан кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқди ва уни изчил амалга оширди. Натижادا, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида нефть казиб олиш 1992 йилда 1991 йилга нисбатан 14 %, 1993 йилда 1,5 %га камайган бўлса, Ўзбекистонда нефть казиб чиқариш 1992 йилда 16 %га, 1993 йилнинг 1-чорагида эса 9,4 %га ортди.<sup>103</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1995 йилдан бошлаб нефть казиб чиқаришда кескин бурилиш ясалди. Наманганнинг Мингбулок, Бухоронинг Қўдумалоқ конларини тўла қувват билан ишга туширилиши Россия ва бошқа давлатлардан қайта ишлаш учун нефть келтиришдан бутунлай воз кечилди ва Ўзбекистоннинг нефть мустақиллиги таъминланди. Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида илгари бошқа давлатлардан ташиб келтирилдиган 15 хил нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллий нефтдан мураккаб технология асосида ажратиб олинмаган маҳсу

<sup>102</sup> Халқ сўзи. 1994 йил 24 ноябрь.  
<sup>103</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон миллий иқтисоди. Т. 1. Т. 1996. Б. 210; Иқтисод ва ҳисобот 1994, № 3. Б. 18.

ёқилги ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши тадбиркор мутахассисларнинг катта ютуғи бўлди.

Бирлашмада «АТ-5» русумли рангсиз нефть маҳсулоти ишлаб чиқариш қурилмасининг ишга туширилиши маҳсулот турининг кўпайишига ҳисса қўшди. Бундан ташқари, «Ферсол» ва «Ферлита» номли техник мойларни ишлаб чиқариш Марказий Осиёда биринчи марта ўзлаштирилди. Бу мойлар ташқи бозорда илгариги мойлардан сифатининг юқорилиги билан ажралиб турган. Корхонада Япониянинг «Мицуи Энд Ко ЛД» фирмаси билан дизель ёнигисининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилган. Франция ва АҚШнинг қатор фирмалари билан биргаликда жаҳон бозорига юқори сифатли мотор мойлари олиб чиқиш юзасидан ҳамкорлик давом эттирилган.<sup>104</sup>

Лекин бозор муносабатларига ўзлаш даврида ўзаро тўловларни изчил олиб боришда бир қатор муаммо ва зиддиятлар юзата келди. Ўлов интизоми бузилгани, молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширишда қатор чалқашликларга йўл қўйилган, оқибатида Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасининг муддати ўтган жами лебиторлик қарзлари 1997 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 13,3 миллиард сўмни, муддати ўтган кредиторлик қарзлари 11 миллиард сўмни ташқил қилди.<sup>105</sup>

Бирлашмада тўхтовсиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сақлайдиган сифимлар ҳажмининг етишмаслиги натижасида хали тўловлари амалга ошмаган маҳсулотни буюртмачиларга жўнатилаётгани оқибатида бирлашманинг ўзи давлат билан ҳамда унинг фаолиятини таъминлаётган хомашё етказиб берувчи, электр энергияси билан таъминловчи ва бошқа шу каби корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китобларни кечиктириб амалга оширишга йўл қўйилди.

Шунга ўхшаш ҳолатларни «Қувасой консерва» ва Марғилон «Ипақчи» ҳиссадорлик жамиятларида ҳам кўриш мумкин.<sup>106</sup> Ўтиш даврида хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро тўловларни тўғри

<sup>104</sup> Фарғона шаҳар ҳокимлиги жорий архиви (Буёнқалъа кўлини – ФШХ ЖА). Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа мулкисалари бўйича кейинги 3 йил ичида бажарилган ишлар бўйича маълумот. 1995. Б. 1; Фарғона хақиқати. 1996 йил 16 май; Халқ сўзи. 1996 йил 15 июнь; Ўзбекистон овози. 1996 йил 24 сентябрь.  
<sup>105</sup> Халқ сўзи. 1997 йил 19 февраль.  
<sup>106</sup> Халқ сўзи. 1997 йил 19 февраль.

йўлга қўйиш ва тўлов интизомига қатъий риоя этиш, бозор муносабатларининг асосий шартларидан биридир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичида амалга оширилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида ташкил этилган янги хусусий фирма ва бошқа тадбиркорлик тузилмалари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш ишига салмоқли ҳисса кўшсалар-да, айрим корхона, ташкилотлар ўз фаолиятларида жиддий камчиликларга йўл қўйган. Масалан, биргина Наманган шаҳри бўйича 200 дан ортик корхона, ташкилот фаолияти текшириб кўрилганда, уларнинг кўплари даромадларини яширгани, ўз низомига тўла амал қилмаётганлиги аён бўлди. Улар кооператив ва кичик корхоналар ҳам бор бўлиб, ана шу тадбиркорлик тузилмаларидан 17 миллион сўм маблағ ундирилиб, маҳаллий бюджетга ўтказилди. «Ал-Азиз», «Бону», «Мухаммадали», «Садоқат» сингари фирма ва ширкатлар беш-ўн турда хизмат қилишни ваъда қилгани ҳолда фақат савдо-сотиқ билан шуғуллангани маълум бўлди. Шаҳар ҳокимлиги текшириш натижаларини чуқур ўрганиб, улардан айримларининг фаолиятини тўхтатди, баъзиларига жарима солди<sup>107</sup>. Шунингдек, 1993 йилнинг 1 ярмигача Андижон шаҳар худудидида ташкил этилган кичик корхона, хусусий фирма ва ширкатларнинг фақат 30 %га яқини ишлаб чиқариш билан банд бўлган, қолганлари фақат савдо-сотиқ, воситачилик фаолияти билан шуғулланган.<sup>108</sup> Бу каби камчиликлар Наманган ва Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам кузатилди. Бу ерда ташкил қилинган хусусий корхоналарнинг салмоқли қисми давлат солиқларини тўлашда бир қатор ҳатолар йўл қўйиб, айниқса даромадларини яширишга ҳаракат қилган.<sup>109</sup>

Бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида Фарғона водийси шаҳарларида аралаш кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш амалга оширилди, ишлаб чиқаришда структуравий ўзгаришлар килинди, яъни кишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал

<sup>107</sup> Наманган ҳақиқати. 1994 йил 22 июль.

<sup>108</sup> АШХЖА. Андижон шаҳар фаоллари йнгилишининг материаллари. 1993 йил 6 август. Б. 2.

<sup>109</sup> НВХЖА. Халқ депутатлари Наманган вилояти XXI чакirik XIV сессиясининг материаллари. 1994. 17 май. Б. 3. ФВХЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилояти XXI чакirik XIV сессиясининг материаллари. 1994 йил 25 май. Б. 4-5.

ресурсларни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида маълум силжишларга эришилди.

Фарғона водийси шаҳарларида мустақилликнинг дастлабки беш йилида амалга оширилган ислохотлар тахлили шунни кўрсатдики:

- ўтиш даври қийинчиликларига ҳарамай, водий шаҳарларидаги саноат корхоналари салмоқли қисмининг иқтисодий таназзули олди олиниб, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти янги шаклга, янги йўналишга солишга муваффақ бўлинди;

- водий шаҳарлар иқтисодиёти соҳасидаги ислохотлар республика раҳбарияти қабул қилган Фармонлар, қонунлар ва қарорлар асосида белгиланган тартибда босқичма-босқич амалга оширилди;

- шаҳарлар иқтисодиётининг асоси ҳисобланган ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар натижасида бир қатор корхоналар илмий техника тараққиётининг янги ютуқлари асосида қайта жиҳозлангирилди, замонавий технологиялар жорий этилди, янги корхоналар куриб ишга туширилди. Айниқса, республиканинг аҳоли ич жойлашган худуди бўлган Фарғона водийсининг ўрта ва кичик шаҳарларида янги корхоналар барпо этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди;

- водийда янги корхоналарнинг куриб ишга туширилиши, мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш натижасида аҳоли учун кўплаб истеъмол моллари ишлаб чиқариш, уларнинг сифати ва рақобатбордошлигини ошириш имконини берди;

- бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида шунининг қимё ва нефтни қайта ишлаш тармоқларида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида авваллари четдан келтирилган кўплаб нефть маҳсулотларини республикада ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, Ўзбекистон нефть соҳасида мустақилликни қўлга киритди;

- водийдаги иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли бўлишига асосий сабаб республика ҳукуматининг ишбилармонлик ва ишбилармонликнинг кенг ривожланишини қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунинг натижасида дўконларнинг пештахталари турли-туман ва

сифатли маҳсулотлар билан тўла бошлади, умумий овқатланиш, маиший хизмат шахобчаларининг хизмат кўрсатиш сифати кундан-кунга ортиб борди;

- айрим ҳокимликларнинг кадрлар масаласига эътиборсизлиги, айниқса, раҳбар кадрлар танлашда йўл кўйилган хатолар, шунингдек, эскича фикрловчи, боқимандалик кайфиятидан қутилмаган айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг айби билан жиддий хатоларга йўл кўйилиб, бир қатор корхоналарда иқтисодий кийинчилликлар юзага келди, ишчи-хизматчилар ишсиз қолдирилди. Нагжижада, минглаб оилалар моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди;

- бир қатор хусусий корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ўрнига савдо-сотик ва воситачилик фаолияти билан шуғулланди. Уларнинг кўпчилиги давлат солиқларини тўлашда жиддий хатоларга йўл кўйдилар ва жарима тўлашга мажбур бўлди.

Лекин ўтиш даврига хос бўлган бу салбий жараёнлар республикада ва унинг шаҳарларида амалга оширилаётган ислохотларнинг умумий йўналишига, унинг бунёдкорлик тамойилларига жиддий таъсир қилмади. Балки, бош ислохотчи бўлиб майдонга чиққан давлат ислохотларни мўтадил, талофатларсиз боришини таъминлаб, мамлакат раҳбарияти томонидан таъбиқ этилган ислохотлар стратегияси эволюцион йўлга асослангани ва босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги республида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнади.

### 2.3. Мулкчиликнинг турли шакллари ҳамда бозор инфраструктурасининг таркиб топиши

Бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шарти кўп укладли иқтисодиётни, яъни мулкчиликнинг турли шаклларини юзага келтиришдан иборатдир. «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вуҷудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»<sup>110</sup>, – деб таъкидлаган эди И.А.Каримов. Бу масала режали иқтисодиётга асосланган социалистик тизимдан

<sup>110</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Т. 1993. Б. 43.

кейин бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатлар учун доллар масала ҳисобланди. Айнан шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият ва янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида муҳим кадам кўйилди. Социалистик режалаштиришга асосланган марказлаштирилган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришда янги мустақил давлатлар танлаб олган турлича ёндашувлар ва моделлар кўп жиҳатдан айнан мулкчилик масаласини ҳал этиш хусусиятлари билан фарқланади. Масалан, Ўзбекистонда ер аҳолига ижарага берилган бўлса, Қирғизистонда ер кишлок аҳолисига шахсий мулк қилиб берилди. Россия Федерациясида эса 1990-йилларда бу масала ҳали ўз ечимини топмаган эди.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини яратиш, бозор иқтисодиётига ўтиш каби тадбирлар эҳтиёткорлик билан босқичма-босқич амалга оширилди. Ана шу нуқтаи назардан олганда «...иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборатдир»<sup>111</sup>.

Ўрганилган даврда Ўзбекистонда хусусийлаштириш икки босқичда амалга оширилди. Жумладан, биринчи босқич 1992-1993 йилларни ўз ичига олган бўлиб, «кичик хусусийлаштириш» деб номланди; иккинчи босқич 1994 йилдан кейинги даврни қамраб олиб, у «оммавий хусусийлаштириш» деб аталди.

Умумий ислохотларнинг биринчи босқичида (1991 йил 1 сентябрдан 1994 йил ўртасига қадар) мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқли экани конституцион тарзда эътироф этилди. Мулкнинг турли шакллари қарор топиши учун хусусийлаштириш жараёнида тенг ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари ҳам яратилди. Шу билан бирга, янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилаётган, хусусий мулкчиликка ёки чет эл капиталининг иштирокига асосланган корхоналар учун солиқ соҳасида уларнинг фаол ривожланишини рағбатлантирадиган

<sup>111</sup> Уша жойда. Б. 45-46.

имтиёзлар тизимини юзага келтирди. Натижада, илгари давлатга қарашли бўлмаган хусусий секторни — тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб қўйган юридик ва ташкилий тўсиқлар олиб ташланди.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва республика вилоятлари ва шаҳарларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 20 дан ортиқ давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ана шу дастурларга асосан Фарғона водийси шаҳарларида дастлабки «хусусийлаштириш» босқичи амалга оширилди. Дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондиди, савдо, маҳаллий ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини қамраб олди.

Фарғона водийси шаҳарларида хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи «кичик хусусийлаштириш» натижасида 1993 йилга келиб 10835 корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Улардан 4197 корхона хусусий, 1696 корхона жамоа, 4863 корхона хиссадорлик мулкни мақомини олди.<sup>112</sup>

Биргина Андижон вилояти шаҳарларида 1993 йилда 1551 корхона хусусийлаштирилди. Улардан 29 таси саннат корхонаси, 1190 таси савдо, умумий овқатланиш, 331 таси турак жой ва коммунал хўжалиги ҳамда маиший хизмат шаҳобчалари эди.<sup>113</sup>

Умуман, республика бўйича «кичик хусусийлаштириш»нинг амалга оширилиши натижасида 54 минг объект хусусийлаштирилди. Улар негизда 18 мингдан ортиқ оила корхонаси ва 1700 ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ташкил этилди. Уларда акцияларнинг катта қисми корхоналар ходимларига тегишли бўлди.<sup>114</sup> 1993 йил охирига келиб ялпи миллий маҳсулотнинг 35 % иқтисодиётнинг нодавлат секториди ишлаб чиқарилди. Умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 %дан ортиги нодавлат секторига тўғри келди. Илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки

давлат уй-жой фондиди 95 %дан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулкига айланди.<sup>115</sup> Уруш фахрийлари, ўқитувчилар, ижодий зиёлилар квартираларни бепул олдилар.

Биринчи босқич хусусийлаштиришнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда аҳоли учун кучли ижтимоий қафолат яратилди. Бунда фуқароларнинг мулкдан улуш олишда тенг ҳуқуққа эгаллиги қоидага, шунингдек, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий химояланиши қоидага қатъий риоя қилинди.

1994 йилга келиб кичик хусусийлаштириш тугаллангани натижасида муҳим тажрибага эга бўлинди, давлат мулкни бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар ташкил қилинди. Кичик хусусийлаштиришнинг яна бир муҳим якуни мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан бир қаторда таркиб топган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини ихчамлаштириш ҳамда яққа ҳокимликни бартараф қилишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январда қабул қилган «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>116</sup> ва 1994 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»<sup>117</sup> ги Фармонлари ислохотларнинг янги, оммавий босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»<sup>118</sup> ги Фармонида биноан давлат мулкни бошқариш, бозор муносабатларини шакллантириш, ривожлантириш, давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

<sup>112</sup> ЎзР МСВ ЖА. Статистика Давлат департаменти маълумотномаси, 1998 йил 13 май.

<sup>113</sup> Андижон вилояти иқтисодий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари, 1990-1993 йиллар. Стат. тўплам. — Андижон, 1994. Б. 19.

<sup>114</sup> Хусусийлаштириш рақам // Бозор, пул ва кредит, 1998, № 9. Б. 70.

<sup>115</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995. Б. 52-53.

<sup>116</sup> Ўзбекистон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар. Т., 1994. Б. 7-12.

<sup>117</sup> Ушш. жойда. Б. 38-39.

<sup>118</sup> Ушш. жойда. Б. 28-29.

жараёнларини конун йўли билан тартибга солиш, меҳнатни ташкил этиш, мотивациялаш соҳасида янги ижтимоий муносабатларни барпо этиш, давлат ва хусусий тузилмаларни, очик типдаги акционерлик компанияларни, инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Давлат мўлкни бошқариш ва хусусийлаштириш Кўмитаси» ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги «Давлат мўлки фонди» базасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мўлкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси ташкил этилди. Фарғона водийси шаҳарларида ҳам бу Кўмитанинг худудий бошқармалари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартда 171-сонли Қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ оммавий хусусийлаштириш жараёни бошланди.

Бу дастурга кўра биринчи босқичда давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бирлашмаларни ва ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятларини очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантириш кўзда тутилди. Мазлумки, 1994 йилга қадар ўрта ва йирик корхоналар фақат ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилган эди. Бунинг сабаби, мазкур корхоналар акцияларини собиқ Иттифокнинг тобора ўз қадрини йўқотиб бораётган рублига сотилишининг олдини олиш эди.

1994 йил июлида Ўзбекистон ўз миллий валютасига эга бўлгандан сўнг ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятларининг барчаси очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Иккинчи босқичда эса хиссадорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналари акцияларининг тегишли қисмларини меҳнат жамоаларига юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига сотиш кўзда тутилди.

1994 йилда Фарғона водийси шаҳарларида мўлкни давлат тасарруфидан чиқариш ва оммавий хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш бошланди. Жумладан, Андижон шаҳрида қўллаб қорхона, ташкилот, муассасаларнинг давлат

тасарруфидан чиқарилиши натижасида 1994 йилда 159 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, 6 та sanoat қорхонаси, 6 та қурилиш, 6 та транспорт, 40 та савдо, 59 та маиший хизмат, 12 та коммунал хўжалиги, 30 та тиббиёт ташкилоти ва муассасалари хусусийлаштирилди. Хусусийлаштирилган 159 объектнинг 30 таси давлат хиссадорлик жамиятига, 19 таси жамоа мўлкига ва 112 таси хусусий мўлкка айланди. Хусусийлаштириш эвазига вилоят худудий бошқармаси орқали бюджетга 5969,4 минг сўмдан зиёд маблағ туширилди.<sup>119</sup>

1995 йилнинг биринчи ярмига келиб шаҳар халқ хўжалиги таркибида нодавлат секторининг улуғли 1994 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 2,5 баробар кўпайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадларда эса уларнинг хиссалари 2,8 баробарга ошди. Андижон шаҳрининг иқтисодий негизини ташкил қилган биргина sanoat тармоғини олсак, жами 47 та қорхонанинг 29 таси нодавлат қорхоналарга айланди. Уларнинг умумий sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи 1994 йилдаги 3,6 %дан 88,4 %га кўтарилди. 29 та нодавлат қорхонасининг 25 таси хиссадорлик жамиятларидир. Чакана савдода 21 та хиссадорлик жамиятлари ташкил қилинди. 1994 йили давлат савдосининг салмоғи 56,9 %ни ташкил қилган бўлса, 1995 йилнинг ярмига келиб 38,5 %га тушди, аксинча нодавлат товар айирбошлаш салмоғи 41,4 %дан 60 %га кўтарилди.<sup>120</sup> 1995 йил охирига келиб Андижон шаҳрида 64 та хиссадорлик, 98 та жамоа, 2310 та хусусий қорхона, 142 та ширкат фаолият кўрсатди. Нодавлат секторида ишлаётганлар сони 37210 кишини ташкил этди.<sup>121</sup>

1995 йил давомида хусусийлаштириш юзасидан қилинган ишларни тахлили шунч қўрсатдики, эришилган ютуқлар билан бир қатор камчиликлар ҳам борлиги маълум бўлди. Масалан, давлат тасарруфидан чиқарилиб, хиссадорлик жамиятига айлантирилган

<sup>119</sup> АШХ ЖА. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik I сессиясининг материаллари. 1995 йил 6 июль. Б. 15-16.

<sup>120</sup> Ушш жойда. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik II сессиясининг материаллари. 1995 йил 8 июль. Б. 17.

<sup>121</sup> Ушш жойда. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik IV сессиясининг материаллари. 1995 йил 10 декабрь. Б. 7.

корхоналар 64 та бўлса-да, ҳақиқатда эса, улардан фақат 48 таси ўз акцияларини чиқариб сотувга қўйган эди, холос.<sup>122</sup>

Бу борада шахардаги «Газмол-Анд» ҳиссадорлик жамиятининг тажрибаси диққатга сазовордир. Жамият 1993 йилда Андижон шаҳрида биринчилардан бўлиб ҳиссадорлик жамиятига айланган эди. Корхонада қимматбаҳо коғоз – акция чиқариб сотувга қўйилди. Биргина 1993 йилда корхона акциясини сотиб олганлар 16 баробар кўп фойда кўрдилар. Бошқачароқ келиб айтганда, минг сўмлик акция эгаси 16 минг сўм дивиденд олди. Шу боис 1994 йилга келиб «Газмол-Анд»нинг акцияларига харидорлар сони орта бошлади. Бунинг натижасида 1994 йилги дивиденд миқдори 400 бараварга кўпайди. 1995 йилда 537 минг дона акция чиқарилди. Бу 5 миллион 842 минг сўмлик қимматбаҳо коғоз демакдир. Шуниси муҳимки, «Газмол-Анд»нинг акцияларига корхонадан ташқарида ҳам қизиқиш кучайиб борди.<sup>123</sup>

Андижондаги автокомбинат ҳиссадорлик жамиятида ҳам акция иккинчи даромад манбаига айланди. Чунки ҳиссадорлик жамиятига ўтилгач, автокорхонада ишчиларида ишга ижодий ёндашиш ҳаракати сезиларли жонланди. Чунки энди улар корхонадаги мавжуд мулкнинг маълум қисмига эга эканини сеза бошлаган эди. Натижада, мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, рационал маршрутларни қўллаш, ёниги-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларини тежаш ҳисобига фойда олиш кўпайди. 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб корхонанинг низом фонди ўн баравардан ортди ва 10 миллион сўмдан ортқ маблағни ташкил этди. 1995 йил натижаларига кўра жамоа аъзолари сотиб олган 51223 дона акция учун 1 миллион 464 минг сўм маблағ ажратилди. Яъни ҳар бир акция учун олинган фойда ҳисобидан 28 сўм 57 тийин дивидент тўланди. Жамоа аъзоларидан А.Кенжабоев қарийб 6 минг сўм, О.Расулов 7,5 минг сўм, А.Хўжамбердиев 9 минг сўм фойда кўрдилар.<sup>124</sup>

Мулкчиликнинг янги шаклини юзага келиши ва унинг афзалликлари «Андижонмебель» ҳиссадорлик жамияти фаолиятида

ҳам яққол кўзга ташланади. 1934 йилда асос солинган Андижон мебель комбинати истиклолнинг илк йилларида ўз фаолиятини тўхтатиб, тарқалиб кетиш хавфи туғилган эди. Фабриканинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиши фабриканинг эгалари – мулкдорларнинг ташаббускорлиги, таъбиркорликлиги туфайли ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига аҳоли талабидан келиб чиқилгани ҳолда замонавий, пишиқ-пухта мебеллар ишлаб чиқариш ҳаракати бошланди. Натижада, қаттиқ ёғочлардан ётоқ мебеллари, 6 турдаги диван, 5 турдаги юмшоқ курси, ошхона мебеллари ва турли ўлчамдаги хонтахталарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.<sup>125</sup> Фабрикада эгалик қилаётган жамса ютуғининг сири шундан иборатки, улар мебелларни маҳаллий маҳсулот бўлган ёнғок, чинор, ўрик каби қаттиқ ёғочлардан тайёрланганлигида эди. Шуниси диққатга сазоворки, цехларда асосан хунармандлар сулоласи фаолият олиб борган. Масалан, Йўлбарс Ўтаганов, Усмонжон Мамағалиев, Алишер Комилов сулоалари шулар жумласидандир.

«Андижонмебель» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари республикамиздаги 40 та мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирокида мебелларнинг энг яхши турлари бўйича ўтказилган танлов-савдосида биринчи ўринни олди. Мебеллар шу жойнинг ўзида харид қилинди ва бундай мебелларни мунтазам етказиб бериш учун савдо тармоқлари билан шартномалар тузилди.<sup>126</sup>

1996 йилга келиб Андижон шаҳрида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги рўйхатидан ўтган ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган кўшма корхоналар сони ҳам тобора кўпайди. Андижон шаҳрида бундай кўшма корхоналардан 30 дан зиёди рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улар ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Бу кўшма корхоналар Австрия, Малайзия, Италия, Польша, Туркия, Россия, Германия, Хитой, Америка, Жанубий Корея сингари мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Жумладан, 1994 йилда «Андижонирмаш» заводи қошида Россиянинг «Гверь» экскаватор заводи билан ҳамкорликда «Узэкс» кўшма

<sup>122</sup> Ўша манба. Б. 8.

<sup>123</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 8 февраль.

<sup>124</sup> Андижоннома. 1996 йил 2 июль.

<sup>125</sup> Андижоннома. 1995 йил 9 июнь, Ўша жойда. 1995 йил 21 май.

<sup>126</sup> Андижоннома. 1995 йил 21 май.

корхонаси ташкил қилинди.<sup>127</sup> Шунингдек, «Бобур» номидаги Андижон ил-газлама ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти ҳам Туркиянинг «Бурсел» фирмаси билан ҳамкорликда «Анконтекс» кўшма корхонасини ташкил қилди. Унинг низоми фонди 4 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, шу даврда илгор корхоналар каторидан ўрин олган эди. Корхонага янги, замонавий япон тикув ва бичув машиналари, бошқа зарур ускуналар келтириб ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 1,8 миллион дона эркаклар кўйлаклари ва 750 миангта кўрпа-ёстиқ жилдлари ишлаб чиқарила бошланди.<sup>128</sup>

Умуман, 1997 йилга келиб шаҳарда хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши ва кўшма корхоналарнинг ташкил қилиниши натижасида кўпшаб корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди, улар мулкчиликнинг нодавлат шаклига, яъни юридик шахс ёки корхона жамоаси мулкига айлантирилди. Натижада Андижон шаҳрида сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг салмоғи 90 %ни ташкил этди.<sup>129</sup> Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, Андижон шаҳри хиссасига вилоятда фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 85 % дан кўпроғи тўғри келади. Қолган шаҳарларда эса бу кўрсаткич 15 % дан камроғини ташкил қилган эди.<sup>130</sup> Лекин кўшма корхоналарни кўпроқ ўрта ва кичик шаҳарларда, шаҳар типидagi посёлкаларда, хомашёга яқин жойларда барпо қилиш зарурлиги тобора кўпроқ сезила бошлади.

Шунинг учун ҳам, 1990 йилларда кўшма корхоналарни барпо этиш учун чет эллик ишбилармонларни ўрта ва кичик шаҳарларга жалб этиш борасида республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимиятлар салмоқли ишлар олиб борилди. Бу вазифани амалга оширишда эришилган ютуқлардан бири Асака шаҳрида икки йил ичида бунёд этилган, Марказий Осиёда биринчи «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасидир.

Маълумки, Асака шаҳрида йилига 60 минг трактор прицеплари ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод куриш бошланган эди. 80-йилларнинг охири – 90-йилларнинг бошларида бу корхона курилиши охирига етказилмагани, аниқ бунортмалар йўқлиги туфайли оғир иктисодий аҳволга тушиб қолди. Корхонага 1992 йилнинг 3 июлида Республика Президенти ҳамкорлигида ташриф буюрган Жанубий Корея ДЭУ компаниясининг бошлиғи, халқаро Нобель мукофоти лауреати Ким У Жун цехлар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, бу корхонани янги технология, ускуналарга мослаб ўзгартириб, автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга келишиб олинди. 1992 йилнинг июль ойида ик.и томон ўртасида Меморандум имзоланди ва 1993 йилнинг март ойида «ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси Кореяда рўйхатдан ўтказилди. 1994 йилнинг октябрь ойида собик трактор прицеплари ишлаб чиқарувчи заводда курилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.<sup>131</sup>

Шу билан бирга, замонавий корхонани бошқара оладиган мутахассислар ва ишчиларни тайёрлаш ҳам эътибордан четда қолмади. Кўшма корхонада ишлашни хоҳловчилар танлов асосида қабул қилиниб, улар Жанубий Кореяга жўнатилди. Улар уч ой давомида у ердаги автомобилсозлик корхоналарида малака ошириб кайтдилар.<sup>132</sup>

Қисқа муддат ичида 1995 йилнинг декабрида курилиш-монтаж ишлари тугалланди. 1996 йилнинг 25 мартида заводнинг биринчи линияси фойдаланишга топширилди ва дастлаб «Дамас» микроавтобуси, 15 июнда «Тико» автомобили ва 25 июлда «Нексия» автомобили ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.<sup>133</sup> ва шу йилнинг ўзида 25 мингдан ортиқ енгил автомобиль ишлаб чиқарилди.<sup>134</sup>

Айни пайтда Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бирига айланди.<sup>135</sup> Бундан фахрланиб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов шундай деган эди:

<sup>127</sup> АШХ ЖА. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чакриқ I сессиясининг материаллари. 1995 йил 6 январь. Б. 12; Ҳаққон. Иктисодийни мувофиқлаштириш ва статистика бўлими. Андижон шаҳри «Факт ва рақамларда». 1996. Б. 2.

<sup>128</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 11 май. Туркестон. 1997 йил 3 май.

<sup>129</sup> АШХ ЖА. Иктисодийни мувофиқлаштириш ва статистика бўлими. Андижон шаҳри «Факт ва рақамларда». 1996. Б. 3.

<sup>130</sup> Зокиров С. Кичик шаҳарларнинг муаммолари // Иктисол ва ҳисобот. 1996. № 12. Б. 68.

<sup>131</sup> Асака шаҳар ҳокимлиги жорий архиви. (Бундан кейин АС ШХ ЖА) Акционерное общество «ЎзДЭУавто». 1996 йил октябрь. С. 4.

<sup>132</sup> Андижоннома. 1996 йил 6 сентябрь.

<sup>133</sup> АС ШХ ЖА. Акционерное общество «ЎзДЭУавто». 1996 йил октябрь. С. 4.

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда иктисоди-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари // Иктисол ва ҳисобот. 1997. № 5. Б. 2.

<sup>135</sup> Туркестон. 1997 йил 3 май.

«Автомобиль заводи курилиши бугуннинг ўзидаёқ ракобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дунё бозорларига чиқиш ва у ерларда муносиб жой эгаллаш имконини беради»<sup>136</sup>.

«ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси уч йил давомида 87 мингдан ортиқ «Нексия», 51 мингдан ортиқ «Тико», 40 мингдан ортиқ «Дамас» автомобиллари ишлаб чиқарди. Шу жумладан, 20 мингдан кўпроқ автомобил экспорт килинди<sup>137</sup>.

«ЎзДЭУ» кўшма корхонасида меҳнат қилаётган Япониянинг мутахассиси Тадаши Шато республикамиз автомобилсозлик саноати тўғрисида ҳақида: «Мен Ўзбекистонда замонавий технология билан жиҳозланган бундай автомобил заводи барпо этилганини тасаввур қилмаган эдим. Кўшма корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир кишининг ҳавасини келтиради. Ишлаб чиқарилаётган автомобилларни ўзимча Япониянинг автомобилларига солиштириб кўрдим. Ўйлайманки, бу ерда тайёрланган автомобиллар жаҳон бозорига ўз ўрнини топади»<sup>138</sup> - деган эди. «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳозирча иккита йирик автомобиль заводи куриб ишга туширилди, - деб хабар қилади етакчи Россия матбуотларидан бири «Финансовые известия». Булар Елабуга (Татаристон) ва Асакадаги (Ўзбекистон) автомобиль заводидир... Кичик литражли «Тико» автомашинаси истикболли, деб топилди. Шубҳасиз, «Тико»нинг асосий харидори Россия, Украина, Қозғистон, шу жумладан, Латвия, Литва ва Эстония давлатлари ҳисобланади», деб изоҳлайди газета<sup>139</sup>.

Мамлакатимиз автомобилсозлигининг қалдирғочи - «ЎзДЭУавто»нинг биринчи линияси ишга тушиши биланоқ қабул қилинган 1996 йилнинг 26 мартдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, кўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган автомобилларни биринчи навбатда фуқароларга нақд пулга сотиш, уларга бу масалада қулайликлар яратиш мақсадида «Асака» банки муассасалари томонидан кредитлар бериш тартиби белгиланди<sup>140</sup>. Фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида Андижон шаҳрида ва

<sup>136</sup> Қаримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. Т. 1997. Б. 84.

<sup>137</sup> Ўзбекистон овози. 1999 йил 30 август.

<sup>138</sup> Андижоннома. 1996 йил 9 июль. Ўша жойда. 1996 йил 19 июль.

<sup>139</sup> Андижоннома. 1996 йил 6 август.

<sup>140</sup> Ўша жойда. 1996 йил 3 апрель.

республикамизнинг бошқа шаҳарларида «Дамас», «Тико» ва «Нексия» русумли машиналар билан савдо қилувчи замонавий интосалонлар фойдаланишга топширилди<sup>141</sup>.

Асака шаҳрида курилган «ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси Андижон вилоятидаги қатор корхоналар фаолиятини жонлантирди. Жумладан, Андижон электр аппаратлари заводи «ЎзДЭУавто»нинг 55 хил буюртмасини бажараётган бўлса, «Ўздонгжулеинт» компаниясида республика автомобил саноати учун лак-бўёқ ишлаб чиқарила бошланди. Бу янги кўшма корхонанинг таъсисчиси «Ўзавтосаноат» ва Кореянинг «Пилжи-Донгжу» компаниясидир. Янги кўшма корхонада йилига 5700 тонна бўёқ тайёрланади. Шундан 3700 тоннаси «ЎзДЭУавто»га, 2000 тоннаси савдога, шунингдек, курилиш учун 2000 тонна бўёқ ишлаб чиқарилади<sup>142</sup>.

Ўзбекистон мустақиллигининг бешинчи йили Асака саноат ишлаб чиқариши учун гўятда муваффақиятли бўлди. 1996 йилда бу ерда «ЎзДЭУавто» билан бир қаторда очик турдаги Асака дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Федериги-Асакамакарон» (ФАМ) Ўзбекистон Италия кўшма корхонаси ҳам ўзининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Бу корхонада бир кеча-кундузда 24 тонна аёло сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур корхонада 50 нафар йигит-қизлар иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги Италия корхоналарида тажриба ўрганиб қайтган ёшлар бўлиб, бу даврда корхона ишлаб чиқариш қувватини икки баравар оширишга, маҳсулот турларини эса 22 тага етказишга эришди<sup>143</sup>.

Умуман олганда, Андижон вилоятида давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш, кўшма корхоналар ташкил қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида 1997 йилга келиб вилоят шаҳарлари саноат ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг салмоғи 95,1%га етди<sup>144</sup>.

<sup>141</sup> Қаранг: Ишони. 1996 йил 9 август. Ферганская правда. 1996 йил 23 октябрь.

<sup>142</sup> Халқ сўзи. 1995 йил 31 октябрь. Андижоннома. 1996 йил 27 август. Ишони. 1996 йил 13 февраль.

<sup>143</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 15 май. Ўша жойда. 1996 йил 24 сентябрь.

<sup>144</sup> У-р МСВ ЖА. Статистика Давлат департаментги томонидан 13.05.1998 й. берган №14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 1.

Фаргона вилояти шаҳарларида ҳам 1994 йилда халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги корхоналарни оммавий хусусийлаштириш жараёни бошланди. Бу тadbир Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга бағишланган Давлат дастури асосида олиб борилди. Шу ўринда вилоятда ишлаб чиқилган ва вилоят ҳокимининг махсус қарори билан қабул қилинган вилоят хусусийлаштириш дастурини ҳам айтиб ўтиш лозимдир.<sup>145</sup> Юқоридаги дастурларга мувофиқ Фаргона шаҳрида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган тadbирлар ишлаб чиқилди. У давлат корхоналарини унинг тасарруфидан чиқариш йўли билан, яъни ҳиссадорлик, жамоа-ширкат ва хусусий корхоналар ташкил қилиш ҳамда қўшма корхоналар тузиш йўли билан амалга оширилди. 1994 йилнинг ўзида шаҳардаги 800 дан ортиқ корхона, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва маҳаллий саноат корхона ва ташкилотларининг барчаси мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилди.<sup>146</sup> Биргина 1995 йилнинг биринчи чорагида шаҳарда 115 га яқин кичик корхона, фирмалар очилди. Таъсис этилган қўшма корхоналар сони 22 тага етди.<sup>147</sup> Шулардан жаҳон андозалари даражасида маҳсулот тайёрлаётган корхоналардан бири Фаргона мебель ижара корхонаси ва Санкт-Петербургдаги мебелсозлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Ферпетромбель» қўшма корхонасидир. Бу корхонада янги намунадаги «Валдай» девор жавонлари ишлаб чиқариш йўлига қўйилди.<sup>148</sup>

1995 йилда Фаргона шаҳрида ҳаммаси бўлиб 17 та хар хил турдаги кичик корхоналар хусусийлаштирилиб, уларнинг солиғиш баҳоси 5,1 миллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, шаҳарда

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Фаргона вилояти бошқармасининг жорий архиви. (Бундан кейин – ЎзР ДМБТК ФВБ Жа) Хусусийлаштириш (1992-1996 йиллар). Б. 2.

<sup>146</sup> ФШХ Жа. Халқ депутатлари Фаргона шаҳар Кенгаши I чакirik II сессиясининг материаллари. 1995 йил 7 июль. Б. 7.

<sup>147</sup> Ўша жойда. Фаргона вилояти феодалари йиғилишининг материаллари. 1995 йил 10 март. Б. 7.

<sup>148</sup> Халқ сўзи. 1994 йил 15 апрель.

ҳиссадорлик жамиятлари сони 58 тага етди, улардан 56 тасининг Низоми рўйхатга олинди.<sup>149</sup>

1995 йил давомида чет эл инвестицияларини жалб қилиш, йирик чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам катор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Фаргона пойфазал фабрикаси Германиянинг «Саламандер» фирмаси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 500 минг жуфт пойфазал етказиб бериш қувватига эга бўлган «Ўсаламан» қўшма корхонасини ташкил этилиб, замон талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.<sup>150</sup>

Корхонанинг Низом фондига германияликлар 500 минг марка миқдорда маблағ ҳамда 2 миллион марка қийматдаги дастгоҳлар билан улуш қўшган бўлса, ҳукуматимиз томонидан қўшма корхона эҳтиёжлари учун 2 миллион 150 минг немис маркази ажратди. Умуман, корхонани ташкил этишга 6,5 миллион немис маркази сарфланди.

Бу корхонани барпо этиш ишлари жадаллик билан, яъни тўрт ой ичида бажарилди. Фаргоналиклар корхона цехларини барпо этишда бутун имкониятларини ишга солдилар. Республика енгил саноат ассоциацияси, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари барча шароитларни яратиб беришди.

Қўшма корхона 1995 йилнинг 7 декабрида ишга туширилиб, 400 киши иш билан таъминланди. Корхонада бир кунда 1500 жуфт, 12 турдаги ва тўрт хил рангдаги пойфазаларни ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Корхонани керакли хомашё билан таъминлашни Германия томони ўз зиммасига олган. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати босқичма-босқич ошириб борилди.<sup>151</sup>

<sup>149</sup> ФШХ Жа. Халқ депутатлари Фаргона шаҳар Кенгашининг 1995 йил 9 январдаги I/1.2-сонли қарорининг йиғилиши ҳақида маълумот. Б. 1.

<sup>150</sup> Ўша жойда. Халқ депутатлари Фаргона шаҳар Кенгаши I чакirik IV сессиясининг материаллари. 1995 йил 27 декабрь. Б. 12.

<sup>151</sup> Қўшма. Халқ сўзи. 1996 йил 1 февраль; Фаргона халқикати. 1996 йил 13 февраль. Ўзбекистон овози. 1996 йил 6 июль.

Фаргона шаҳрида мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида шаҳар корхоналарининг 85% давлат тасарруфидан чиқарилди.<sup>152</sup>

Фаргона шаҳри билан бир қаторда Қўқон шаҳрида ҳам 1995 йилга келиб 37 та корхона хиссадорлик жамиятига айлантирилди. Улардан 17 таси саноат, 7 таси транспорт, 6 таси қурилиш корхона ва ташкилотларидир.<sup>153</sup> Масалан, Қўқондаги «Ўзагрокимсервис» корхонаси 1995 йилнинг бошларида ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилиши қарорига қўра очик хиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу корхона жамоаси ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришлар яшашга олиб келди. Аввало, моддий манфаатдорлик даражаси ортди. 1995 йилнинг биринчи январь ҳолатига қўра корхонанинг Низом фонди 1442,8 минг сўмни ташкил этганлигига асосланиб, 592 та акция, жумладан 37 та имтиёзли, 148 та давлатда сақланадиган, 206 та ишчи ва хизматчилар учун, шунингдек, 201 дона эркин сотувдаги оддий акциялар чиқарилди. Корхона жамоасининг 1995 йил якуни бўйича соф фойдаси қарийб 3,5 миллион сўмни ташкил этди ва ҳар бир хиссадор бир акция ҳисобига 5 минг 640 сўм дивидент олиш имкониятига эга бўлди.<sup>154</sup>

Қўқон шаҳрида иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши, хусусийлаштиришнинг кенг камровли бўлишига эътиборнинг кучайрилиши натижасида 1996 йилда нодавлат секторининг салмоғи саноат товар маҳсулоти ишлаб чиқаришда 91,9%ни, савдо, пуллик хизматда 100%ни ташкил этди.<sup>155</sup>

Марғилон шаҳар ҳокимлигида ҳам саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Шаҳарда 1995 йил январига қадар маҳаллий ва енгил саноатда 8 та, қурилишда 5 та, транспорт ва темир йўлда 5 та, соғлиқни сақлашда 12 та, савдода 206 та, маиший хизматда 47 та, матбуот ва ширкат тайёрлов

<sup>152</sup> ЎЗР МСВ Жа. Статистика Давлат департаменти томонидан 13.05.1998 й. берган №14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 2.

<sup>153</sup> ФВХ Жа. Фаргона вилояти йиғилишининг материаллари. 1995 йил 12 июль. Б. 6.

<sup>154</sup> Фаргона ҳақиқати. 1996 йил 29 октябрь.

<sup>155</sup> Ўша жойда. 3 август.

ушмаларида 81 та ва бошқа тармоқларда 12 та корхона ва муассаса давлат тасарруфидан чиқарилди. Булардан 205 та корхона ва муассаса мулкчиликнинг хусусий, 159 таси жамоа, 12 таси очик хиссадорлик жамияти шаклига ўтказилди.<sup>156</sup>

Умуман олганда, Фарғона вилояти шаҳарларида хусусийлаштирилган корхоналарнинг салмоқли қисми самарали фаолият юрита бошлади. Жумладан, Кува шаҳридаги саноат компанияти 1993 йилнинг январь ойида хусусий корхонага айлантирилди. 128 минг сўмга сотиб олинган бу корхонада 23 киши ишнар эди. 1993-1994 йиллар давомида тadbиркорлик туфайли ишувчилик цехлари кенгайтирилди, янги иш ўринлари яратилди. 1995 йилга келиб бу ерда 400 дан ортик ишчи ўрни яратилди. Корхонада консерва цехи, пахтани қайта ишлаш тармоғи ишга туширилди. Қисқа вақт ичида бу корхона замонавий тўқимачилик фабрикасига айланди.

Умуман, Фарғона вилояти шаҳарларида давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топтириш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. 1997 йил ишнинг қадар вилоят шаҳарларидаги корхоналарнинг 87,4% давлат тасарруфидан чиқарилди. Саноат товар маҳсулоти ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг салмоғи 63,8%ни, савдода 97,7%ни, пулли амалида 50,6%ни ташкил этди.<sup>157</sup>

Наманган вилоятида ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажариш бўйича аниқ «Дастур»лар белгиланди.<sup>158</sup> Наманган шаҳрида хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида, яъни 1994 йилнинг май ойини қадар 950 та корхона, ташкилот давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг хиссадорлик ва жамоа шаклларига айлантирилди. Бу даврга келиб шаҳарда 1000 тага яқин кичик корхона, ширкат, хусусий фирма фаолият кўрсатиб, уларнинг кучи ва

<sup>156</sup> ФВХ Жа. Фарғона вилояти фаоллари йиғилишининг материаллари. 1995 йил 27 январь. Б. 10.

<sup>157</sup> ФВХ Жа. Статистика Давлат департаменти томонидан 13.05.1998 й. берган № 14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 2.

<sup>158</sup> ФВХ Жа. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши XXI чакриқ XV сессиясининг материаллари. 1994 йил 16 декабрь. Б. 7.

имконияти билан шу даврга қадар 18 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва аҳолига хизмат кўрсатилди.<sup>159</sup>

Наманган нотўқимачлик корхонаси вилоятда биринчилардан бўлиб хиссадорлик жамиятига айлантирилиб, ўз акцияларини чиқаришга эришди. Ушбу жамиятда тadbиркорлик, ишлаб чиқаришни оқилona ташкил этиш туфайли бозор иқтисодиёти қийинчиликлари меҳнат жараёнига жиддий таъсир кўрсата олмади. Жамoa ишчи ва хизматчилари учун 1990 йил ўрталарига қадар корхона ҳисобидан бепул тушлик ташкил қилинган. Улар ойлик маошларини, шунингдек, чорак ва йиллик мукофотларини ўз вақтида олган. Корхона ишчи-хизматчилари ўзларини ҳақиқий мулк эгаси сифатида ҳис этишлари натижасида бу ютуқларга эришилди. Бунга мос равишда ишчиларнинг дунёқараши ва малакасини такомиллаштириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

Фабрика шу даврда нафақат республикада, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам ягона корхона бўлган. Корхонада 1996 йилда бир миллион погон метр сунъий мўйна ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотга талаб тобора ошиб бораётгани сабабли келгусида сунъий мўйна ишлаб чиқариш ҳажминини янада кўпайтириш кўзда тутилган.

Корхонада меҳнатга муносабат ўзгаргани, ишчи ва хизматчиларда мулкка эгаллик ҳисси шаклланаётгани туфайли моддий манфаатдорлик ҳам орта бошлади. Жумладан, 1995 йил якунига кўра сотилган акцияларнинг ҳар бир сўмига дивиденд миқдори 200 %ни ташкил этди. Корхона жамoаси ҳаммаси бўлиб 7 миллион сўмга яқин дивидент олган, яъни 1,5 минг нафар ишчи-хизматчи фабрика мулкнинг эгаси сифатида уларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 6000 сўмдан соф фойда олишга эришди. Масалан, 25 йилдан бери шу жамoада меҳнат қилган 2-ишлаб чиқариш цехи тўқувчиси Ҳабибахон Дадабоева ўзи сотиб олган 230 та юз сўмлик акцияга 46 минг сўм фойда олди. Юз сўмлик акцияларнинг нархи 450 сўмга кўтарилганининг боиси шунда. Акцияларни сотиб олаётган жамoа

<sup>159</sup> Ушбу жойда Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чакirik XVI сессиясининг материаллари 1994 йил 17 май Б. 10.

инюллари хиссадор сифатида корхонанинг ҳақиқий эгаларига ийнанди.<sup>160</sup>

Мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг тақдирини халқ килувчи омил мулк шаклини ўзгартиришдан иборат бўлиб, бу мулкни ўннинг ҳақиқий эгасига топшириш демакдир. Мулкдор ўзини асл мулк соҳиби сифатида ҳис қилиши учун етарли даражада шарт-шароитни талаб қилади. Бирок бу масалани ечишда Наманган вилояти шаҳарларининг айрим корхоналарида расмиятчиликка, бирарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйилди. Ўрганилаётган давр мобайнида бир қатор янги ташкил этилган хиссадорлик жамиятлари уч номини ва шаклини ўзгартирганини, лекин аниқ бизнес режаларига эга бўлмаганини, акциядорлар жамиятнинг бошқарувида фнoл иштирок этмаётганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, тadbик ташкилланган даврнинг охириги йилларида Ҳаққулбод йигирув-тикув хиссадорлик жамияти, Чуст «Чевар» хиссадорлик жамияти,<sup>161</sup> Наманган шойи ишлаб чиқариш, «Атлас», «Шоҳи-сўзана» хиссадорлик жамиятларини<sup>162</sup> шулар жумласига киритиш мумкин.

Дастлабки йилларда яхши натижаларга эришган ва 20 мингдан ортиқ киши ишлаб келган бу корхоналарда иш ҳажми ва ишловчиларнинг сони тенг ярмига қисқарди, кишлоқ жойларда олинган филиаллари тўхтаб қолди. Шунингдек, Чортоқ, Косонсой, Чуст ва Ҳаққулбод шаҳарларининг бир қатор хиссадорлик жамиятларида акциялар чиқариш ва сотишга етарли эътибор берилмади. Натижада, юқорида қайд этилган шаҳарларда 1996 жорий йилда акция сотиш режаси 40 %га бажарилган, холос.<sup>163</sup>

Наманган шаҳрида қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 1994 йилнинг май ойига қадар ишкарда 16 та қўшма корхона рўйхагдан ўтказилди.<sup>164</sup> Масалан, «Наманган сайкелз лимитед» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида болалар ва катталар велосипеди ҳамда жисмоний

<sup>160</sup> Халқ сўчи 1996 йил 14 май.

<sup>161</sup> Ушбу жойда 1996 йил 8 ноябрь.

<sup>162</sup> Наманган вилояти 1997 йил 22 февраль. Халқ сўчи 1996 йил 8 ноябрь.

<sup>163</sup> Халқ сўчи 1996 йил 8 ноябрь.

<sup>164</sup> ИИХ ЖА Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чакirik XVI сессиясининг материаллари. 1994 йил 17 май

машқлар учун турли спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу кўшма корхона вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси ва Англиянинг «Галакс» компанияси ҳамкорлигида тузилди. Хорижлик ҳамкорлар Хиндистоннинг «Эвон» компанияси кўмагида велосипед ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материал ва барча эҳтиёт қисмларни етказиб беришни ўз зиммасига олди.<sup>165</sup>

Шунингдек, Наманган шаҳрининг Уйчи тумани ҳудудига туташган мавзеда Ўзбекистон ва Туркия республикалари ҳамкорлигида «Аснамтекстил» ил йигирув фабрикаси ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Ушбу кўшма корхона Германиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унда йилига маҳаллий пахта хомашёсидан 3020 тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Бу корхонада 300 нафардан зиёд йигит-қизлар 4 сменада меҳнат қила бошлади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 65-русумли трикотаж ипларнинг сифати халқаро стандартларга жавоб бергани сабабли бу маҳсулот юз фоиз жаҳон бозорида валютага сотилган. Келусида корхонада ишчи ўринлари сонини 500 тага етказиш ва ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш режалаштирилган.<sup>166</sup>

Наманган шаҳрида совуқ чанқов босди ичимликлари комбинати базасида барпо этилган «Наманган-кока-кола» кўшма корхонаси 1996 йилнинг сентябрида шу ичимликнинг дастлабки туркумини истеъмолчиларга жўнатди. Янги корхонада Германиянинг «Крокес АГ» фирмасида тайёрланган ускуналар ёрдамида кунига тўрт минг шишадан ортиқ ичимлик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу Фаргона водийси аҳолисининг эҳтиёжини қондириш учун етарлидир. Корхона цехларида 200 нафар киши ишлай бошлади. Корхона «Фанта» ва бошқа турдаги чанқов босди ичимликларни ҳам ишлаб чиқара бошлади.<sup>167</sup>

Умуман, Фаргона водийси шаҳарларида давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкчиликнинг турли шаклларини таркиб топтириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида 45,1 мингта

<sup>165</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 21 май

<sup>166</sup> Ушбу жойда 1996 йил 8 июнь.

<sup>167</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 18 сентябрь. Наманган хақиқати. 1997 йил 22 февраль.

корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Бу хусусийлаштириш амалга оширилгунга қадар давлат тасарруфида бўлган корхоналарнинг 86,4 % демакдир. 1997 йилга келиб Фаргона водийси шаҳарларида саноат товар маҳсулоти ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг салмоғи 1995 йилдаги 50,9 %дан 63,8 %га, савдода 93,5 %дан 97,7 %га, пулли хизматда 27,5 %дан 50,6 %га ўсди.<sup>168</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимики, 1992-1996 йилларда бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарур шarti бўлган хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш юзасидан амалга оширилган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб борди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда нодавлат секторининг салмоғи ортиб борди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳар қандай давлатда бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, бозор инфраструктурасини шакллантирмай туриб, ҳар томонлама ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш, мулкдорлар тоифасини шакллантириш ва чет эл сармояларини жалб қилиш мумкин эмас. Бозор ҳўжалигининг асосий таянчи, албатта биржалар, уларнинг филиаллари, бўлимлари, брокерлик идоралари ҳамда агентликларидир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан 11 ой кейинок «Биржалар ва биржа функцияти тўғрисида» ги ЎЗР Қонуни қабул қилинди.<sup>169</sup> Мазкур қонунга асосан, Республика Мол хомашё биржаси ўз фаолиятини бошлади. Биржалар мулк шаклининг такомиллашувида, мулкчиликнинг ривожланишида, мулкдорларнинг шаклланишида ва илббиркорликнинг юзага келишида муҳим омили сифатида хизмат қилиши керак эди.

Шу босидан ҳам, барча ҳудудларда, жумладан, Фаргона водийсида ушбу биржанинг филиаллари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мол хомашё биржасининг Фаргона филиали 1995 йил 6 апрелда Адлия вазирлигида рўйхатидан ўтган

<sup>168</sup> УЗР МСВ ЖА. Статистика Давлат департаменти томонидан 13.05.1998 й. берган № 14-06-02-117 шифрли маълумотмасдан. Б. 2.

<sup>169</sup> УЗР Олий Қонгашининг ахборотномаси. Т. 1992. № 10. Б. 11-18.

бўлиб, унда 105 та брокерлик идоралари қайд қилинган<sup>170</sup>. Филиал таркибида биржа савдоси бўлими, доимий харакатдаги ярмаркаларнинг Маргилон шаҳридаги бўлинмалари мавжуд. Филиалнинг доимий харакатдаги ярмаркасида тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сотишлари ҳамда керакли хомашё ва маҳсулотларни сотиб олишлари мумкин. Филиал ташкил этилгандан то 1997 йилга қадар ўтган вақт мобайнида ўтказилган биржа ва ярмарка савдоларида 609,6 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Мол хомашё биржасининг Андижон филиали томонидан ўтказилган дастлабки савдолар бу борада қатта имкониятлар яратилганини кўрсатиб берди. Биржа фаолияти натижасида 1995 минг сўмлик товар маҳсулотлари четдан келтирилиб, 2 миллион 162 минг сўмлик маҳсулот бартер йўли билан товар айирбошлаш учун четга чиқарилди<sup>172</sup>.

Фарғона водийси бозор инфраструктурасида Республика кўчмас мулк биржасининг 1994 йилда ўз фаолиятини бошлаган Фарғона, Андижон, Наманган филиаллари хусусий ва жамоа мулкларининг юзага келишида алоҳида ўрин тутади. Бу филиаллар водийдаги давлат мулки бўлган объектларни рақобат асосида сотиш йўли билан мазкур ҳудудда кўчмас мулклар бозорини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Бунда, биринчи навбатда, савдо, маиший ва коммунал хизмат, шунингдек, қурилиши тугалланмаган объектларнинг «Кимошди» савдоларини ўтказиш кўзда тутилди.

Фарғона водийси шаҳарларида ташкил этилган Республика Кўчмас мулк биржасининг филиаллари давлат ихтиёридаги кўчмас мулк объектларини ҳамда бошқа мулкларни эркин «Ким-ошди», «Танлов», «Биржа» савдолари орқали сотиш борасида бозорнинг ўзига хос тузилмаларини яратиб, бозор инфраструктурасининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Масалан, Наманган филиали ташкил бўлган 1994 йилнинг ўзидаёқ тўрт марта мулкларнинг

«Кимошди» ва бир марта «Танлов» савдоси ўтказди<sup>173</sup>. Республика Кўчмас мулк биржасининг Андижон филиали томонидан 1995 йилда биргина Андижон шаҳрида 9 марта «Кимошди» савдоси ўтказилиб, улардан 71 та объект сотилиб, 5,5 миллион сўм маблағ туширилди<sup>174</sup>. Фарғона филиали орқали эса сотилган объектлар сони 1614 тага, баҳоси 164 миллион 482 минг сўмга етди. Шунингдек, филиал 1994-1996 йиллар мобайнида 23 та қурилиши тугалланмаган иншоот, 374 та Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзметазабзавогузумсаноат» тизимига қарашли объект, 847 та ер майдонларини сотишга эришди. Тадбиркорлар ушбу биржа орқали 49 та автомобилларга ёқилги кўйиш шаҳобчалари ва 145 та транспорт воситаларини хусусий мулк сифатида сотиб олдилар<sup>175</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда мулкдорлар тоифаси шаклланишида муҳим смил бўлган тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган тизими вужудга келтирилди. Мазкур тизимга биноан, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида тушган деярли барча маблағ иқтисодиётнинг нодавлат кўринишини яратиш ҳамда ривожлантиришга сарфланади. Жумладан, хусусийлаштириш жараёнида тушган умумий маблағнинг 50 % кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди – Бизнес фондга йўналтирилди. Сўнгра бу маблағлар фуқароларнинг шахсий жамғармалари эвазига ташкил қилинган, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганлар учун молиявий кўмакка мухтож бўлган, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорларга ажратилди. Умумий маблағнинг 20 % Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисобига тушиб, ундан бозор талабларига мосланаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини жадаллик билан ўзгартираётган ҳамда сармоёга мухтожлик сезаётган хусусий корхоналарга кредит беришда фойдаланилади. 20 % маблағ муҳандислик иншоотларини қуриш, мактаб, шифоналарини

<sup>170</sup> ШХ ЖА. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чакirik XV сессиясининг материаллари. 1994 йил 16-декабрь. Б. 11.

<sup>171</sup> ШХ ЖА. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik IV сессиясининг материаллари. 1995 йил 10-декабрь. Б. 7.

<sup>172</sup> ШХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши I чакirik II сессиясининг материаллари. 1995 йил 8-ноябрь. Б. 17.

таъмирлаш каби мақсадларга сарфлаш учун ҳокимиятлар ихтиёрида қолдирилди. Қолган 10 % маблағ хусусийлаштириш Давлат дастурини амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва Давлат мулк қўмитаси ҳамда унинг бошқарма ва бўлимлари иш жараёнини компьютерлаштириш учун сарфланди.<sup>176</sup>

Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгиланган бу тадбирлар, асосан, хусусий ва жамоа мулкларининг ривожланиши, мулкдорлар тоифасининг шаклланиши ва жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республика Президентининг 1995 йил 26 июлдаги фармонида асосан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди номи билан очик турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. «Бизнес-фонд»нинг бўлимлари ташкил қилиниб, улар жойларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Масалан, биргина Фарғона вилояти «Бизнес-фонди» орқали ўтган давр мобайнида 179 нафар тадбиркорга 128 миллион 950 минг сўм маблағ ажратилди.<sup>177</sup>

Бозор инфраструктурасида асосий ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилишини таъминлаш, мулкдорлар тоифасининг вужудга келишини жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида 1996 йилда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ўз фаолиятини бошлади. Барча шаҳар ва туманларда уларнинг бўлимлари очилди.<sup>178</sup>

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори аҳолининг кенг қатлами учун мулкка ўз улушига яраша эгаллик қилиш имкониятини яратди, чет эл сармояларини жалб қилди, пул муомаласини бошқариш усулларини такомиллаштирди. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг асосий қонун-қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари

хақида»ги, «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоялаш хақида»ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июндаги «Давлат корхоналарини акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги фармонида белгиланган бўлди. Бундан ташқари, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Қўмитаси вилоят бошқармалари ҳузурида қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими ҳам ташкил этилди.

Айтиш мумкинки, 1990 йиллар ўрталарига келиб мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиши учун зарур бўлган қимматли қоғозлар бозори инфраструктураси яратилди. Унинг маркази Фарғона водийсида ўз филиалларига эга бўлган Республика «Тошкент фонд биржаси»дир. Республика «Тошкент фонд биржаси» ва унинг Фарғона, Наманган, Андижон ҳудудий бўлимлари қимматли қоғозлар бир маромда муомалада бўлишининг зарур шарт-шароитларини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини белгилаш ва уларга доир маълумотларни тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг қасб маҳоратларини юқори даражада сақлаш борасида иш олиб борди. Масалан, биргина Фарғона ҳудудий бўлими томонидан 1995 йилда хиссадорлик жамиятларининг эркин сотишдаги 200 минг 890 донга акцияси 205 млн 469 минг сўмга сотилган.<sup>179</sup>

- ишлаб чиқаришнинг қисқариши, корхоналарнинг ёпилиши ёки ихтисослигининг ўзгариши натижасида иш жойларини йўқотган шахслар;

- ўз ихтиёри билан иш жойидан бўшаб муайян вақт давомида ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда янги иш жойини тополмаган шахслар;

- ишчи кучи бозорига биринчи бор кириб келадиган шахслар – ёшлар, ўхув муассасаларини битирганлар, ишламаган аёллар ва бошқалар;

- узоқ муддатли танаффусдан сўнг ишчи кучи бозорига қайтиб келган шахслар (асосан, бир неча йил бола тарбияси билан машғул бўлган аёллар, озодликдан маҳрум этилганларнинг қамоқ муддати тугаб озодликка чиққан қисми).

Юқорида қайд этилган ҳолатларни комплекс баҳолаганда Ўзбекистонда 1980 йиллар охири ва 1990 йиллар бошларида ишсизликнинг хавfli тури – даврий шакли ҳукм сурганидан далolat беради.

<sup>217</sup> Доклад о человеческом развитии... С. 95.

<sup>218</sup> Ўша жойда С. 35.

<sup>219</sup> Ўша жойда С. 55.

<sup>220</sup> Содинков А. Меҳнат бозори: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. № 8. Б. 9-10.

<sup>221</sup> Ўша жойда.

Меҳнат ресурслари каторидан чиққан ишсизларнинг ижтимоий таркиби ҳам турлича. 1993 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси рўйхатидан ўтган ва ишсиз макomini олган 15123 киши таркибида 47,1 %ни ўрта маълумотлилар ташкил қилади. Бандлик муаммосининг салбий томони шундаки, бу даврда ишсизларнинг 52,8 %ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилган<sup>222</sup>. Меҳнат ресурсларининг банд бўлмаган қисмида ёшларнинг қўллиги, биринчи навбатда, демографик жараёнларнинг бориши билан бевосита боғлиқ бўлса, иккинчидан, иқтисодиётда юзага келган қийинчиликлар натижасида халқ хўжалиги тармоқларига кириб келаётган янги ишчи кучига талабнинг камлигидан ва халқ хўжалигининг ишчи кучини ўзига жалб қилиш қуввати сусайганидан далолат беради. Бундай шaroитда ишсизликнинг келиб чиқиши, унинг ўсиб бориши учун салбий омиллар юзага келиши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашча, ишсизликнинг ўсиши жамият тараққиётига халф солувчи, барқарорликни издан чиқарувчи омилга айланиши мумкин экан. Жумладан, ишсизликнинг 1 %га ўсиши камокларда сақланаётган жиноятчилар сонининг 1 %га ўсишига олиб келиши, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилиш — 4,1 %га, бировнинг жонига суиқасд қилиш — 5,7 %га ва жиноятчиликнинг — 4 %га ортишига олиб келиши мумкин экан<sup>223</sup>.

Экспертларнинг ишсизликни ўсиши криминоген вазиятга салбий таъсири ҳақидаги таҳминини мустақилликнинг илк йилларида водий шаҳарларида кечган жараёнлар тасдиқлади. Масалан, 1992 йилнинг дастлабки 3 ойида 1991 йилнинг шу даврига нисбатан Андижон шаҳрида жиноятчилик 30 %га, айниқса оғир жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 64 %га ўсгани кайд этилди.<sup>224</sup> Ўтиш даврининг дастлабки йилларида жиноятчилик соҳасидаги бундай аҳволни нафақат Фарғона водийси шаҳарлари, балки республика бўйича ҳам кузатиш мумкин эди.

Совет даврининг охириги йилларида аҳолининг кўпайиши, саноат корхоналарининг қурилиши ва бир неча кишлоқларнинг бир-бирига

<sup>222</sup> Раҳимова Н., Шарипова Х. Беэрабонье кто-почему? // Экономика и статистика 1994, № 3, С. 36.  
<sup>223</sup> Раҳимова Н., Шарипова Х. Беэрабонье кто-почему? // Экономика и статистика 1994, № 3, С. 36.  
<sup>224</sup> АШХ Жа. Шаҳар фаоллари йилнинг материаллари 1992, 17 июл, Б. 7.

кўчиб шаҳар макomini берилиши натижасида ташкил қилинган шаҳарлар сони ортди. Аммо уларнинг аксариятида шаҳарга хос бўлган инфратузилма яратилмади. Канализация, марказлаштирилган сув тармоқлари билан таъминлаш ва газлаштириш масалаларига жиддий эътибор берилмади. Натижанда, шаҳар хўжалигига хос параметрлар жиҳатидан водий шаҳарлари нафақат собик Иттифок кўрсаткичидан, балки республика кўрсаткичидан ҳам анча ортда қолган эди. Масалан, 1991 йилда СССР бўйича шаҳарларнинг 93 %и сув тармоқлари билан, 91 %и марказлаштирилган иситиш тармоқлари билан, 90 %и канализация билан, 77 %и газ билан таъминланган эди.<sup>225</sup> Ўзбекистон бўйича шаҳарларнинг 48,5 %и канализация, 56,2 %и марказий иссиқлик таъминоти билан,<sup>226</sup> шунингдек, шаҳарлар уй-жой фондларининг фақат 64,5 %и сув билан ва 76 %и газ билан<sup>227</sup> жиҳозланган эди, холос.

Фарғона водийси шаҳарларида бу кўрсаткичлар янада аянчли аҳволда эди. Масалан, марказлаштирилган сув тармоқлари билан таъминланиш даражаси водий бўйича ўртача 44,8 %га тенг бўлган, шундан тегишли равишда Андижон вилояти шаҳарларида — 33,4 %га, Наманган вилояти шаҳарларида — 36,1 %га, Фарғона вилояти шаҳарларида — 64,9 %га тенг бўлган. Газлаштириш соҳасида ҳам водий шаҳарлари республика шаҳарларининг умумий кўрсаткичидан 10 %га кам бўлган, яъни 66,6 %ни ташкил қилган. Бу нисбат Андижон вилояти шаҳарларида — 64,3 %, Наманганда — 58 % ва Фарғонада — 77,6 %га тенг бўлган.<sup>228</sup> Водий бўйича фақат Фарғона вилояти шаҳарлари юқоридаги хўжалик соҳалари билан таъминланишида республика миз кўрсаткичидан катта фарқ қилмаган. Умуман, мустақилликнинг дастлабки йилларида водий шаҳарларида сув ва газ таъминотида ижобий натижаларга эришилмаган. Марказлаштирилган сув тармоқлари билан таъминланиш даражаси

<sup>225</sup> Гурьев В. И. Основы социальной статистики. Методы, система показателей, анализ. М., 1991. С. 142.

<sup>226</sup> У.Р. МСВ Жа. Статистика Давлат департаментининг «Жамлаштирувчи бўлими» берган маълумотнома. Б. 10.

<sup>227</sup> У.Р. МСВ Жа. Статистика Давлат департаменти томонидан 13.05.1998 й берган. №14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 1.

<sup>228</sup> Ушв жойда.

1993 йилда водий бўйича умумий кўрсаткич — 44,2 %га ва газлаштиришда эса — 67,6 %га тенг бўлган.<sup>229</sup>

Бундан ташқари, водий шаҳарларининг канализация ва иссиқлик билан таъминланиши ҳам республика кўрсаткичларидан анча past бўлган. Масалан, 1991 йилда Фарғона водийси шаҳарлари кварталарининг канализация билан таъминланиш даражаси ўртача — 31,2 %ни, иссиқлик билан таъминланиши — 35 %ни ташкил қилган бўлса, тегишли равишда бу кўрсаткич Андижон вилояти шаҳарларида — 24,7 % ва 22,9 %, Наманганда — 24,6 % ва 29,8 %, Фарғонада эса — 44,2 % ва 52,2 %га тенг бўлган.<sup>230</sup>

1993 йилга келиб водий шаҳарларининг канализация ва марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан таъминланиш даражасида бироз бўлса ҳам ўзгариш кузатилса-да, лекин 1991 йил кўрсаткичидан катта фарқ қилмайди ва тегишли равишда водий шаҳарлари бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар 34,8 %, 37,7 %ни ташкил қилди.

Шаҳар ва шаҳарликлар учун доимо муаммо бўлган, улар ҳаёт даражаси ва моддий аҳолини акс эттирадиган масала уй-жой билан таъминланиш муаммосидир. Бинобарин, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил қилиши ва республикада аҳолисининг ёши ўртача 23,9 га<sup>231</sup> тенг бўлиши ҳамда аҳолининг тез суръатлар билан ўсишини эътиборга олсак, бу масала янада жиддий тус олади. Чунки бу муҳим хусусият, биринчидан, янги ёш оилаларнинг вужудга келишини тезлаштирса, иккинчидан, бу ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш муаммосини ечишда қийинчилик туғдиради. Натигада, шаҳарлардаги хонадонларда бир нечта оилалар истиқомат қилишга мажбур бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир кишига тўғри келадиган уй-жой фонддини қисқартиради. Масалан, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича уй-жой билан ўртача таъминланиш даражаси ҳар бир кишига 12,8 м<sup>2</sup>га тўғри келган бўлса, водий вилояти шаҳарларида бу кўрсаткич: Андижонда 10,3 квадрат метрни, Наманганда 8,3 квадрат метрни ва

<sup>229</sup> Уша жойда.

<sup>230</sup> Уша жойда. Статистика Давлат департаментининг «Жамлаштурувчи» бўлими берган маълумотнома. Б. 10.

<sup>231</sup> Ўзбекистон в шифрах. 1997. Статистический сборник. Т. 1, 1998. С. 13.

Фарғонада 13,6 квадрат метрни ташкил қилган.<sup>232</sup> Давлатнинг иқтисодий имкониятлари қисқарган мустақилликнинг дастлабки 2 йили давомида ҳар бир кишининг уй-жой билан таъминланиш даражасида республикада бўйича +0,8 квадрат метрга ўзгариш кузатилган бўлса, Андижон вилояти шаҳарларида -0,2 квадрат метрга, Фарғонада -0,1 квадрат метрга ва фақат Наманган вилояти шаҳарларида +1,3 квадрат метрга ўзгариш кузатилган. Ваҳоланки, бу даврда Хоразм вилояти шаҳарларида ҳар бир кишига 22,9 квадрат метр уй-жой фонди тўғри келган.<sup>233</sup>

Шунингдек, республика, унинг айрим вилоятлари ва водий регионидagi шаҳарлар ўртасида уй-жой фонди таркиби жиҳатидан ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Масалан, республикада бўйича шаҳар аҳолисининг 18,5 %и бир хонада, 32,3 %и икки хонада ва 49,2 %и уч ва ундан ортқ хонада уйларда истиқомат қилса, водий вилоят шаҳарлари бўйича қуйидаги кўрсаткичларни кўришимиз мумкин: Андижон вилояти шаҳарларида, тегишли равишда 38,2 %, 36,8 %, ва 25 %, Наманганда — 65,1 %, 17,8 % ва 17,1 %, Фарғонада — 22,4 %, 36,6 % ва 41 % ташкил қилган.<sup>234</sup>

Бу рақамлар шундан далolat берадики, Фарғона водийси шаҳарларининг уй-жой фонди таркибида бир ва икки хонада уйлар асосий ўрин эгаллайди, улар уй-жой фонднинг 72,3 %ни ташкил қилади. Республика бўйича эса бу кўрсаткич қарийб 51 %га тенг. Айниқса, Наманган вилояти шаҳарлари уй-жой фонди таркибида бир хонада уйлар асосий ўрин эгаллайди ва 65,1 %ни ташкил қилади. Ваҳоланки, республикада айрим худудларида, хусусан, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилояти шаҳарлари уй-жой фондларида уч ва ундан ортқ хонага эга бўлган кварталлар асосий ўрин эгаллайди ва тегишли равишда 68,5 %, 70,9 % ва 70 %ни ташкил қилади.<sup>235</sup>

Хуллас, юқорида кўрсатиб ўтилган худудлар ўртасидаги хусусиятлар ва тафовутлар, ижтимоий соҳада йўл қўйилган жиддий

<sup>232</sup> 1993 йилда Ушр халқ ҳўжалиги... Б. 174.

<sup>233</sup> 1993 йилда Ушр халқ ҳўжалиги... Б. 175.

<sup>234</sup> Жилишнинг фонд Республика Узбекистан. 1996. Стат. сборник. Т. 1, 1998. С. 26.

<sup>235</sup> Уша жойда.

камчиликлар мустабид тузум даврида шакланган ва ўтиш даврининг таъсирида 1990-йилларда янада зиддиятли тус олган.

Мустабид тузум ўзининг ҳукмронлик қилган даврида мамлакат миқёсида нуксонларга тўла, бир томонлама, бузилган иқтисодий-ижтимоий механизм шаклланишига олиб келди. Натигада, аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва товар-пул муносабатларини йўлга қўйишда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Баланс ҳисоб-китобларга кўра, 1989 йилда аҳолининг пул жамғармалари ўсиш суръати маҳсулотлар сотиб олиш ва хизмат учун тўлов харажатларидан 1,4 маротаба кўп бўлган.<sup>236</sup> Ваҳоланки, давлат нархларни тартибга солиш тизгинини ўз кўлида ушлаб туришга уринса ҳам, вужудга келган етишмовчилик (дефицит) натижасида инфляция жараёни кучая борди. Масалан, 1991 йил апрел ойидаги нарх-наволар 1990 йил шу даврдаги нархлардан ўртача 1,95 марта юқори бўлгани кузатилди.<sup>237</sup>

Ўзбекистон Республикасида хом ашёга йўналтирилган бир ёклама, мажрух иқтисодиёт шаклланиши натижасида унинг таркибида тайёр маҳсулотнинг улуши камлигига ва истеъмол молларининг асосан четдан олиб келишга ихтисослашди. Масалан, 1980-йилларнинг ўрталарига келганда Ўзбекистонга четдан олиб келинган маҳсулотларнинг 50%и истеъмол моллари бўлган.<sup>238</sup>

1980-йиллар охириларидаги кучли иқтисодий-ижтимоий инқироз натижасида фуқароларнинг моддий аҳоли тобора ёмонлашиб борди. Айниқса, иқтисодий имкониятлари чекланган Ўзбекистон шароитида ижтимоий муаммолар юзага чиқа бошлади. Тўғрироғи, аҳоли учун энг зарур бўлган истеъмол моллари таъминотида қийинчиликлар вужудга келди. 1990 йилда ЎзССР Статистика давлат қўмитаси томонидан республикада ижтимоий-маданий соҳалардаги қайта қуриш ҳақида аҳоли фикри тўғрисида социологик тадқиқот ўтказилиб, унинг натижалари республикада озик-овқат ва саноат маҳсулотлари таъминоти ёмонлашганидан ва нарх-навоининг ўсиб бораётганидан далолат берарди.

<sup>236</sup> Гурьев В. И. Основы социальной статистики. С. 112.

<sup>237</sup> Уш а жойда. С. 117.

<sup>238</sup> Бобонова Д. Ўзбекистонда иқтисодий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар миқолида). Т. 1, 1999. Б. 89.

Масалан, республика бўйича умумий сўровдан ўтказилганларнинг 64% озик-овқат маҳсулотлари ва 62,8% саноат маҳсулотлари таъминоти ёмонлашди ва ёмонлашиб бормоқда, деб жавоб беришган. Фаргона водийси бўйича бу кўрсаткичлар янада юқорироқ, тегишли равишда Андижон вилоятида сўралганларнинг 86,6% ва 91,3%, Фаргона вилоятида 66,8% ва 68,7%, Наманганда 75,2% ва 74,8% озик-овқат ва саноат маҳсулотлари таъминоти ёмонлашди ва ёмонлашиб бормоқда, деб жавоб берганлар.<sup>239</sup> Бундан шу нарсга маълум бўладики, истиқлол арафасида товар дефицити, айниқса, истеъмол моллари дефицити юзага келган. Одатда товар дефицити истеъмол маҳсулотларига ўхтовсиз талабни кучайтиради ва аҳоли ўз эҳтиёжларидан бир неча бор ортиқ ҳажмда озик-овқат ва саноат маҳсулотларини сотиб олади. Натигада, аксарият истеъмол маҳсулотлари «қизил империя»нинг охириги йилларида магазин пештахталаридан йўқолиб кетди, савдо дўконлари бўшаб қолди. Истеъмол маҳсулотларининг дефицити, яъни уларга бўлган умумий талабнинг умумий тақлифдан ошқиб кетиши пул бирлиги харид қувватининг тушиб кетишига – инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бу ҳолатни Ислом Каримов шундай таърифлаган эди: «...илгариги бир томонлама қарорларга кўра қабул қилинган қайта қуриш тажрибаси барбод бўлгани экибатида Иттифокнинг барча собиқ республикалари узоқ иқтисодий инқирозга учради. Ёлпасига пулнинг қадрсизланиши, турмушнинг қимматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистонни оғир аҳволга солиб қўйди»<sup>240</sup>.

Дарҳақиқат, мустақиллик арафасидаги оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол, истиқлолга эришилганидан сўнг бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврининг дастлабки йилларида ижтимоий соҳага, аҳолининг яшаш даражасига салбий таъсир кўрсатди, шунингдек, аҳолининг даромадлари, маиший турмуш даражаси пасайиб, зиддиятли аҳволнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бинобарин,

<sup>239</sup> Социально-культурная сфера (Бюро социологических исследований) / Мнение населения об актуальных проблемах. Т. 1990. С. 26-39.

<sup>240</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон миллий иқтисод, иқтисод, сўбат. мафкура. Т. 1. Т., 1996. Б. 61-62.

СССРнинг парчаланиши натижасида анъанвий алоқаларнинг узилиши товар ва пул муносабатида номутаносиблик ва тартибсизликни келтириб чикарди. Пулнинг истеъмол маҳсулотлари билан қоплаш даражаси энг куйи нуқтага етди. Айниқса, 1992-1994 йилларда инфляция жараёни энг юқори нуқтага етди, яъни 1992 йилда 900 %, 1993 йилда 880 % ва 1994 йилда 1280 %ни ташкил қилди.<sup>241</sup>

Йиллик ўртача кўрсаткичда эса бу рақамлар янада ошганини кузатиш мумкин. Масалан, 1993 йилда инфляция даражаси ўртача 534 % га, 1994 йилда эса 1522,5 % га тенг бўлди.<sup>242</sup> Ижтимоий-иқтисодий ҳолатни кескинлаштирувчи инфляцияни бу даражада тез суръатлар билан ўсишининг объектив ва субъектив сабаблари ҳам мавжуд. Ўзбекистоннинг ўта оғир иқтисодий аҳволда мустақилликка эришгани объектив сабаб ҳисобланса, республика бу даврда ўз миллий валютасига эга эмаслигини субъектив сабаб сифатида эътироф этиш мумкин.

Миллий модель концепциясида инобага олинган, кучли макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган амалий ишлар – миллий валютанинг 1994 йил 1 июлдан жорий этилиши натижасида ўсиб бораётган инфляция жиловланиб, унинг даражаси 1995 йил охирига келиб 1994 йилга нисбатан қарийб 11 марта, 1996 йил охирига келиб эса 20 мартага қамайтиришга эришилди.

Инфляция жараёнидаги салбий ўзгаришларни нарх-навоининг ўсиши орқали ҳам кузатиш мумкин. Андижон вилояти ва шаҳарларида давлат савдоси орқали аҳолига сотилган молларнинг ўртача йиллик баҳосида 1991 ва 1993 йиллар ўртасида қатта фарқларни кўриш мумкин. Масалан, аҳоли учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан (йиллик ўртача нархлари) мол гўшти 1991 йилдаги 7,50 рубльдан 1993 йилда 632 сўм-купонга етди; 1-навли ун (1 кг) 0,28 рубльдан 37,50 сўм-купонга; картошка (1 кг) 1,80 рубльдан 173 сўм-купонга; тухум (10 дона) 2,55 рубльдан 528 сўм-

купонга етди ва х.к.<sup>243</sup> Шунга ўхшаш ҳолатни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин.

Иқтисодий таназзулнинг кучайиши, инфляциянинг авж олиши ва нарх-навоининг ошириб бориши натижасида аҳоли даромадлари қарийб икки мартага қискарди. Айниқса, қатъий белгиланган асосда иш хақи олаётган аҳоли қатламларининг иқтисодий имкониятлари чегараланди. Улар пул даромадларининг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфлашга мажбур бўлдилар. Масалан, 1992 йил 1 чорагида оилалар бюджетини ўрганадиган бўлсак, ишчи ва хизматчилар оилаларида пул даромадларидан фойдаланиш таркибида республика бўйича ўргача олиб қараганда, даромадларнинг деярли ярми, яъни 48 % озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфланганини кўриш мумкин.<sup>244</sup>

Бу ҳолат бойдйда қуйидагича бўлди. Андижон вилоятида истиқомат қиладиган ишчи ва хизматчилар оилалари даромадларидан 50,4 %ни, шунингдек, Фарғона вилояти ишчи ва хизматчилар оилалари даромадларидан 45,1 %ни озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфлаган.<sup>245</sup> Юқорида кўрсатилган пул даромадларини сарфлаш инфляция эндигина кучайиб келаётган давр ҳисобидан олинган эди. Агар инфляцияон жараёнлар юқори палласига чиққан даврни олиб кўрадиган бўлсак, ишчи ва хизматчиларнинг иш хақи озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун ҳам етмайдиган даражага тушганини кузатиш мумкин.

Ижтимоий соҳадаги ҳолатнинг мураккаблашишига қисман экологик муаммолар ҳам таъсир қилди. Чунки совет даврида ишлаб чиқаришни ривожлантириш агроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан ҳамоханг олиб борилмади, экологик мувозанатнинг тикланишини таъминлайдиган воситаларни барпо қилишга етарли эътибор қилинмади. Шунингдек, режалаштириш ва бошқаришнинг юқори даражада марказлашгани ҳам мамлакатнинг чекка ҳудудларидан бири

<sup>241</sup> Андижон вилояти иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари 1990-1993 йиллар стат. тўрқани. Андижон, 1994. Б. 35.

<sup>242</sup> Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон миллий статистика агентлигининг маълумоти. 1998 йил 1 апрелдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган. Т., 1998. Б. 13.

<sup>243</sup> Ўша жойда.

хисобланган Фарғона водийси вилоятларида экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Аҳолиси ўта зичлиги ва табиий тез ўсиши билан ажралиб турадиган Фарғона водийси шаҳарларида sanoat корхоналарининг жойлаштирилиши, айниқса, атроф-мухитни ифлослантирувчи кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш ва рангли металллар sanoatининг мавжудлиги, водий шаҳарларида экологик муаммонинг жиддий тус олишига сабаб бўлди. Бу аҳвол, айниқса, сув манбаларининг экологик ҳолатини ёмонлашишига олиб келди. Масалан, 1993-1995 йиллар кўрсаткичларининг далолат беришича, республикада 30% дан ортик ифлосланган сувлар тозаланмасдан сув манбаларига ташланган. Бунда sanoatнинг хиссаси 90% га яқинини ташкил қилган бўлса, бунда кимё sanoati корхоналари хиссаси 86% га тенг бўлган.<sup>246</sup> Бунинг сабаби, кимё корхоналарида тозалаш иншоотлари тўла қувват билан ишламаганлиги ёки тозалаш иншоотлари бутунлай ўрнатилмаганлигида эди. Ушбу ҳолат Фарғона водийси шаҳарларида жойлашган корхоналарига ҳам хос бўлган.

Шу каби қамчиликлар шаҳар инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган кичик шаҳарлар мисолида ҳам кузатилган. Масалан, ишлаб чиқариш объектларини тозалаш иншоотлари билан таъминланиш даражаси Андижон вилоятининг Охунбобоев ва Кўрғонтепа шаҳарларида 8% ни, Қорасувда эса атиги 4% ни ташкил қилган эди.<sup>247</sup>

Айрим шаҳарларда эса мавжуд тозалаш иншоотларидан унумли фойдаланилмаган. Масалан, Хонобод шаҳар тозалаш иншооти бир кунда 2,5 минг куб сувни тозалаш қувватига эга бўлган ҳолда, келаётган сув ҳажми 7-8 минг кубометрни ташкил қилади. Айни вақтда шу шаҳарда жойлашган «Андижонкабель»га қарашли иншоот заводи 7 минг куб сув тозалаш қувватига эга бўлиб, у фақат 20% қувват билан ишлаган эди, холос.<sup>248</sup>

<sup>246</sup> Абдуллаев А. Экологические проблемы водопользования // Экономика и статистика. 1997 № 2. С. 43.  
<sup>247</sup> Зокиров С. Кичик шаҳарларнинг муаммолари. (Андижон вилояти мисолида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 12. Б. 68.  
<sup>248</sup> Ушбу ҳолат.

Юқоридаги ҳолат водийнинг бошқа шаҳарларига ҳам хос бўлган. Шаҳарларда жойлашган sanoat корхоналарининг аксарияти ўта кичиклиги билан атроф-мухитни тинимсиз ифлослантирган. Водий вилоятлари орасида асосан sanoat корхоналари жамланган Фарғона вилояти бу масалада салмоқли ўринга эга бўлган. Масалан, Фарғона вилоятидаги муҳим стационар манбалардан 1992 йили 277,8 минг тонна ва 1993 йили 182,3 минг тонна зарарли чиқиндилар чиқарилган бўлса, шу йилларда Андижон вилоятидаги стационар манбалардан тегишли равишда — 19,7 ва 12,3 минг тонна, Наманганда — 16,0 ва 25,7 минг тонна зарарли моддалар чиқарилган.<sup>249</sup>

Атроф-мухитни ифлослантиришда асосан йirik шаҳарлар, унда жойлашган йirik sanoat корхоналари ўз “нуфузи” билан ажралиб турган. Хусусан, водийнинг бешта йirik шаҳридан асосан 4 таси, яъни Фарғона, Андижон, Кўкон ва Наманган шаҳарларидаги корхоналар катта миқдорда атмосферага зарарли моддалар чиқаришда “етақчилик” қилган. Масалан, 1993 йилда Фарғона шаҳри 84,5 минг тонна, Андижон 10,3 минг тонна, Наманган 6,3 минг тонна ва Кўкон шаҳри 5,1 минг тонна зарарли чиқиндилар билан ҳаво ҳавзасини ифлослантирган эди.<sup>250</sup> Айниқса, Наманган шаҳридаги 3-пахта тозалаш корхонаси, ёғ-экстракция, кимё корхоналари, шаҳар атрофида жойлашган асфальт ва арзик цехларидан чиққан чиқиндилар вилоят атмосфера ҳавзасини ифлослантириш билан бирга аҳоли пунктларида жиддий экологик муаммоларни ҳам юзага келтирган.<sup>251</sup>

Атмосферага чиқарилаётган чиқиндиларнинг асосий қисми тозаланмаганининг сабаби водий шаҳарларидаги sanoat корхоналари ишлаб чиқариш фондларининг деярли ярми эскирган ва замон талабига жавоб бермаган. Тозалаш иншоотларининг аҳоли эса бундан ҳам аянчли бўлган. Натижада, ҳавога соғлиқ учун ўта зарарли хисобланган сульфид ангидриди, азот оксиди, карбон оксиди, углеводород ва бошқа шу каби зарарли газсимон ва суюқ ҳолдаги

<sup>249</sup> 1993 йилда Ушбу ҳолат нўжаллиги... Б. 285-286.

<sup>250</sup> Доклад о человеческом развитии... С. 113.

<sup>251</sup> Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 12. Б. 66.

моддалар чиқарилган. Шаҳарлардаги аксарият корхоналар совет даврида қурилиб, шаҳарнинг ўзида (айрим ҳолларда марказида) жойлаштирилиши уларда экологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлди. Турли хил касалликлар билан хасталаниш кўпайди ва шаҳарларда ўлим кўрсаткичининг кишлоққа нисбатан юқори бўлишини таъминлади.

Касалликка чалинган кишилар орасида овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон ва қон-томир системаси органлари хасталиги билан касалланганлар асосий ўрин эгаллайди.<sup>252</sup> Саноати ривожланган ҳудудларда, асосан шаҳарларда онкологик касалликлар билан хасталаниш ўсиб борди.<sup>253</sup>

Шундай қилиб, мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида Фарғона водийси шаҳарларидаги ижтимоий аҳволнинг таҳлили шундан далolat берадики, собиқ Иттифок даврида бир ёқлама иқтисодий ва ижтимоий сиёсат амалга оширилгани оқибатида ҳамда бозор муносабатларига ўтишнинг илк даври – 1980 йиллар охири 1990 йиллар бошида Ўзбекистонда, айниқса, аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси ҳудудида ўта кескин ижтимоий вазият юзага келди. Айни вақтда, водий шаҳарларининг ўзига хос демографик ва миграцион жараёнлари хусусияти эътиборга олинмаслиги натижасида бандлик муаммоси ҳам ўткир тус олди. СССРнинг парчаланиши билан йиллар давомида шаклланган анъанавий иқтисодий алоқаларнинг узиллиши натижасида шаҳарларидаги саноат корхоналарининг салмоқли қисми фаолиятини тўхтатди ёки чеклади. Натижада, иш жойлари қисқариб борди, шаҳар корхона ва ташкилотларида фаолият олиб борган ишчи-хизматчилар ишсизлар сафига кўшилди. Аҳолининг даромадлари қисқариши, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг танқислигининг авж олиши, пул қадрсизланиши ва инфляция кучайиши иқтисодий инқироз атоматларининг мантикий давоми бўлди. Юзага келган носоглом экологик вазият эса мавжуд ижтимоий вазиятни янада мураккаблаштирди.

<sup>252</sup> Доклад о человеческом развитии... С. 21.

<sup>253</sup> Уша жойда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ижтимоий соҳада юзага келган мураккаб аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли – Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари хусусиятларини инобатга олган миллий ислохотлар стратегиясининг узвий қисми бўлган фаол ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиб, уни амалиётга қорий этиш эди. Яъни халқ хўжалигидаги ислохотларни аҳолини ижтимоий жиҳатдан химоялаш билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш керак эди.

### 3.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида шаҳарлар аҳолисини ижтимоий химоялаш

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган фуқаролик жамиятга илк кадам қўя бошлаган Ўзбекистон Республикаси учун ижтимоий соҳа устувор йўналиш деб қаралди. Чунки совет давридан қолган мерос, оғир демографик вазият, ўтиш даврининг дастлабки йилларидаги кийинчиликлар ва аҳоли ҳаёт даражасининг кескин пасайиб кетиши, туб ислохотлар даврида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор берилишини талаб қилар эди.

Шунинг учун ҳам, мавжуд иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг кам даромадли қисми ва муҳтож оилаларни кучли ижтимоий химоялашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати ўтиш даври зиддиятлари ва муаммоларини тўғри баҳолаган ҳолда, республикамызининг иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб, аҳоли ҳаёт даражасининг кескин пасайишини олдини олиш мақсадида, уни ижтимоий химоялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқди<sup>254</sup> ва босқичма-босқич амалга ошириб борди:

**Биринчи босқич** 1991-1994 йилларни қамраб олган бўлиб, унда собиқ тузумдан мерос бўлган ижтимоий тизим бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилиб, дастлабки йилларидаги ижтимоий соҳадаги муаммо ва кийинчиликларни юмшатишга, уларни хал

<sup>254</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т. 1996. Б. 47-48.

этишга қолдир бўлган мутлақо янги ижтимоий тизимга асос солинди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани сари ижтимоий тизим ҳам такомиллашиб борди ҳамда аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган харажатлар ва ўз муддатини ўтаб бўлган ижтимоий химоя чоралари мувофиқлаштирилди ёки бартараф қилиб борилди.

Бундан асосий мақсад нархларни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадлари ва биринчи навбатда зарур истеъмол маҳсулотларини истеъмол қилиш пасайиб кетишининг олдини олиш эди.

**Иккинчи босқич** 1995 йилдан бошланди. Бунда оммавий ижтимоий химоя тизимидан бутунлай ўзгача, мақсадли ва манзилли характерга эга бўлган химоя тизимига ўтиш амалга оширила борди. Бу даврда иқтисодий ўсиш бошланиши билан аҳолининг янги эркин бозор иқтисодиётига кўникма ҳосил қилиши ва унда бевосита иштирок этиши кузатилди. Аҳолининг яхши яшashi учун шарт-шароитлар яратилиши ва барқарорлашиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятларига айланиб борди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки давридан республика ҳукумати ва президенти томонидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 1991-1996 йиллар давомида аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган республика Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва Президент Фармонлари қабул қилинди. Масалан, Президентнинг аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган: иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва кўл фарзандли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги бир қатор Фармонлари қабул қилинди.

1992-1996 йиллар мобайнида фақатгина иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни оширишга қаратилган 10 дан ортиқ Президент Фармонлари ва 5 та республика ҳукумати қарори қабул қилинди<sup>255</sup>. Масалан, 1992-1994 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди, уларнинг миқдорлари бу даврда тегишли равишда 428 баравар ва 1230 баравар кўпайтирилди<sup>256</sup>.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф ставкасини жорий этиш тўғрисида»<sup>257</sup> қарорининг ҳаётга жорий қилиниши ҳамда давлат томонидан белгиланган иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдоридан олик олинмаслигининг жорий қилиниши, аҳолини ижтимоий химоялашда муҳим аҳамият касб этди. Умуман, қабул қилинган бу юридик ҳужжатлар ўтиш даврининг энг оқибат саналган дастлабки йилларида мамлакат Президенти ва ҳукумати кучли ижтимоий сиёсат юришганидан далолат беради.

Шунингдек, Республика Президентининг 1991 йил 29 декабрда «Фркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий химоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»<sup>258</sup> Фармонининг қабул қилиниши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нарх-навонинг эркинлаштирилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий химоя қилиш, уни энг керакли маҳсулотлар билан таъминлаш ва зарур эҳтиёж моллари нархларини давлат томонидан белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, 1992-1994 йилларда нон ва ун маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шakar, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун давлат дотациялари қисман сақлаб турилди.

Шу нарса эътиборга лойиқки, республика халқ хўжалиги асосан хомашё этиштиришга мўлжаллангани ва аксарият маҳсулотлар четдан келтирилишига қарамасдан аҳолига истеъмол моллари арзон нархда сотилди. Ҳужжатли манбаларнинг далолат беришича, 1992 йилда республикада ишлаб чиқарилган 100 миң тонна, четдан келтирилган 350 миң тонна гўштнинг хар бир килоси аҳолига 400 сўмдан сотилди. Ваҳоланки, унинг ҳақиқий харид нархи 750 сўмни ташкил этган эди. Бундан ташқари, олиб келинган шакарнинг хар бир килоси 315 сўмдан тушгани ҳолда, 200 сўмга, бугдойнинг хар бир килоси 105 сўм бўлгани ҳолда 1 кг ун 30 сўмга ва 1 кг чой 650 сўмга олиниб, аҳолига 250 сўмга сотилди<sup>259</sup>. Ўртадаги тафовут давлат

<sup>257</sup> ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 1992 йил декабрь, Т., 1992. Б. 49-52.

<sup>258</sup> ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси, Т., 1992. № 2. Б. 89-90.

<sup>259</sup> Наманган вилояти фаоллари йиғилиши // Наманган ҳақиқати, 1993 йил 12 авг. ст.

томонидан қолланиб борилди ва бу аҳолига ижтимоий жиҳатдан катта ёрдам бўлди. Аҳоли даромадлари кескин кискарган даврда республика ҳукумати томонидан ана шундай чоралар қўлланилмаганда, ижтимоий аҳволнинг кескинлашишига, айниқса, ижтимоий муаммолар ҳал этилмаган Фарғона водийси ва унинг шаҳарларида зиддиятли ҳолат вужудга келиши табиий эди.

Шунинг учун водий шаҳарларида ҳам меъёрлаштирилган озик-овқат ва саноат маҳсулотлари аҳолига савдо ташкилотлари томонидан арзон нархда етказиб бериб турилди. Масалан, Андижон шаҳар савдо ташкилотлари томонидан 1993 йилнинг дастлабки 3 ойида 300 миллион сўмдан ортиқ озик-овқат маҳсулотлари олиб келиб, аҳолига сотилди<sup>260</sup>.

Аммо Ўзбекистон Республикаси бу даврда ўз валютасига эга эмаслиги, 1961-1992 йилларда чиқарилган рублнинг муомалада бўлгани, айрим озик-овқат ва саноат маҳсулотларига ўзининг таннархига қараганда арзон нарх белгилангани учун уларни республикадан ташқарига олиб чиқиш кетиш авж ола бошлади ва мамлакатимизда аҳолини асосий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келди.

Шунинг учун бундай камчиликларга барҳам бериш мақсадида 1991 йил 16 ноябрда «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолини турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони<sup>261</sup> шунингдек, 1993 йил 12 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги<sup>262</sup>, 1993 йил 22 ноябрда «Республика истеъмол бозорини химоя қилиш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги<sup>263</sup> ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Бундан ташқари, истеъмол молларини сотиб олиш учун мўлжалланган «бир марталик ва кўп марталик» купонларнинг муомалага киритилиши ички бозорни химоя қилиб, барча зарур озик-

овқат маҳсулотлари ва кундалик харид молларини савдо тармоғига чиқариб туришни таъминлади ҳамда уларни истеъмол қилиш ҳажмларини кескин камайтирмаслик имконини берди.

Лекин айрим маҳаллий ҳокимият органларининг бу ишга масъулиятсизлик билан қараши, савдо ташкилотлари ва савдо ходимлари томонидан меъёрлаштирилган истеъмол маҳсулотларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши натижасида аҳолига истеъмол маҳсулотлари етказиб беришда катор қийинчиликларга дуч келинди. Масалан, 1992 йилда Наманган шаҳрида аҳолига таллонлар орқали тарқатишга мўлжалланган озик-овқат маҳсулотлари, айниқса, республикамиз ташқарисидан харид қилинадиган ёғ, чой, шакар каби маҳсулотлар тақсмотида йўл қўйилган камчиликлар сабабли аҳолига баъзида уч-тўрт ой давомида бундай маҳсулотларни етиб бормаган<sup>264</sup>. Бошқа маълумотларга қараганда, Андижон вилоятида аҳолига тарқатиладиган меъёрлаштирилган озик-овқат маҳсулотларининг камида 10 %и чайқовчилар қўлига ўтиб кетгани<sup>265</sup>, Қирғизистон чегарасидан четга олиб чиқиб кетилаётган 500 тонна ун қайтарилгани<sup>266</sup> каби ҳолатлар ҳам кузатилган. Бундай ҳолат республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ҳам қайд этилган.

Юзага келган “нохуш амалиёт”га ислохотларнинг иккинчи босқичида барҳам берилди. Чунки 1995 йилдан бошлаб озик-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечилди ва эркин нархларга ўтилди. Бунда ислохотларнинг биринчи босқичида тўпаланган тажриба ва кейинги босқичга ўтиш учун шарт шароит яратилиши муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий соҳада ислохотларнинг иккинчи босқичи ЎзР Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони<sup>267</sup> билан бошланди. Фармонга асосан 1994 йил 1 октябрдан аҳолини давлат томонидан ижтимоий

<sup>260</sup> АШХ ЖА. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши XXIV сессиясининг №127 қарори. Андижон, 1993 йил июль. Б. 4-5.

<sup>261</sup> ЎзР Олий Кенгашнинг ахборотномаси, Т., 1991, № 1, Б. 13.

<sup>262</sup> ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 1993 йил ноябрь. Т., 1993, Б. 24-27.

<sup>263</sup> Ўша жойда. Б. 43-49.

<sup>264</sup> НВХ ЖА. Халқ депутатлари XXI чакirik XII сессиясининг материаллари, 1992 йил 28 декабрь. Б. 6.

<sup>265</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар фаоллари йиғилишининг материаллари, 1993 йил 28 январь. Б. 2.

<sup>266</sup> Ўша жойда.

<sup>267</sup> ЎзР Олий Кенгашнинг ахборотномаси, Т., 1994, № 8-9, Б. 10-12.

химоялашнинг бутунлай янги — кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди.

Унинг янгилиги яна шундаки, кам таъминланган оилаларга давлат томонидан бериладиган моддий ёрдам, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланган маҳалла кўмиталари орқали амалга ошириш кўзда тутилди. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш маҳалла йиғинларига юқлатилди. Бу вазифа ижтимоий адолат ва инсонпарварлик қондалари асосда олиб борилишига асос бўлди. Бериладиган моддий ёрдамнинг ҳажми энг кам иш ҳақининг бир яримдан уч бараваригача миқдорда килиб белгиланди. Натижанда, 1994 йилнинг IV чорагидаёқ Фаргона шаҳри фуқаролар йиғинлари томонидан кам таъминланган оилаларга 1 миллион 862 минг 985 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди<sup>268</sup>.

Шунингдек, ЎЗР Президентининг 1995 йил 20 ноябрда «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони аҳолининг заиф қатламига моддий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда 1996 йилнинг I январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар кўпайтирилиб, бу нафақалар болаларнинг сонига қараб, қуйидаги миқдорда белгиланди: бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 30%; икки болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 60%; уч болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 80%; тўрт болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 100%; беш ва ундан кўп бўлган болали оилаларга — энг кам иш ҳақининг 120%.

Бу Фармоннинг жорий қилиниши натижасида 1996 йили республикаимизнинг 15% оилалари давлат томонидан белгиланган моддий ёрдам туридан фойдаланди<sup>269</sup>. Президентнинг ушбу Фармони болалар, ёш оилалар моддий таъминотини яхшилашга қаратилган изчил ижтимоий сиёсатнинг узвий давоми бўлди.

Умуман, ушбу фармонларнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат тизимидаги мавқеини

инда мустаҳкамлаб, жамиятимизни демократиялаш жараёнини жалдлаштирди ва аҳолини ижтимоий химоялаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли, янада самарали фойдаланишга эришиш имкониятини яратди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси учун энг оғир саналган муस्ताқилликнинг дастлабки йиллари аҳолини ўтиш даврида ижтимоий химоялашга қаратилган норматив ҳужжатлар етарлича қабул қилиниб, амалда тадбиқ этилди. Улар республикаимизда, шу жумладан, ижтимоий соҳаси энг оғир ҳисобланган Фаргона водийси шаҳарларида туб ислохотлар даврини кучли ижтимоий сиқкинишларсиз ўтишини таъминлади.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб, кенгайиб боргани сари халқ ҳўжалигида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади ва у, албатта, биринчи навбатда, ижтимоий соҳада ўз аксини топди. Давлатнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлари мустаҳкамланиб, барқарор иқтисодий ўсиш таъминланганидан сўнг мамлакат раҳбари томонидан халқ фаровонлигини оширишга қара-илган яна бир муҳим ҳўжжат, яъни 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сўгуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони<sup>270</sup> қабул қилинди. Бу фармон билан аҳолининг йўқотилган жамғармаларини индексация қилиб тўлашни давлат ўз зиммасига олди. 1992 йил январига қадар жамғарма банкига қўйилган миллионлаб фуқароларнинг маблағлари қайта кўриб чиқилди ва қадри 4000 мартага кўпайтирилиб,<sup>271</sup> шаҳар ва туман банк бўлимлари томонидан аҳолига берилди. Масалан, халқ банки Андижон шаҳар бўлимининг 244/080 шохобчасида 1996 йилнинг дастлабки тўрт ярим ой давомида 1000 га яқин омонат дафтarchалари индексация қилиниб, тегишли пул жамғармалари аҳолига қайтарилди<sup>272</sup>.

Умуман олганда, республика бўйича 5 миллиондан ортик омонатчилар ўз пулларини қайтариб олди. Демак, давлатимизнинг халқчил сиёсати амалда яна бир бор ўз ифодасини топди ва

<sup>270</sup> Фарғона ҳақиқати. 1996. 18 июль.

<sup>271</sup> Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан... С. 68.

<sup>272</sup> Андижоннова. 1996. 2 июль.

<sup>268</sup> ФШХ Жа. 1994 йил 29 июлдаги шаҳар фойдалари йиғилиши қарорининг бажарилши тўғрисидаги маълумот.

<sup>269</sup> Б. И. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан... С. 62.

республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тизими янада мустаҳкамланди.

Аҳолининг кам даромадли табақаларига, ногиронлар, нафақахўрлар, кўп болали оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш Фаргона водийси шахарлари ҳокимликлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Масалан, 1996 йил 1 январда Андижон шаҳрида 312,3 минг киши истиқомат қилиб, шундан 40150 нафари нафақахўр ва 9000 га яқини ишламаётган кўп болали аёллар бўлиб, уларга 1995 йилнинг ҳар ойида 23 миллион сўмга яқин миқдорда пенсия ва нафақа тўланди.<sup>273</sup> Фаргона шахар ижтимоий таъминот бўлимида 1995 йилга келиб 26 минг 187 нафар нафақахўр ҳисобга олинди.<sup>274</sup> Бўлим томонидан биргина 1992 йил давомида нафақалар миқдори беш марта қайта кўриб чиқилди. Наманган шаҳрида эса 370 мингга яқин аҳоли яшаб, улардан 45810 нафари ижтимоий таъминот бўлимига қарашли бўлиб, улардан 24960 нафари нафақахўрлар, 20950 нафари бошқа турдаги нафақа олувчилар эди.<sup>275</sup> Шаҳар ҳокимлигининг ёрдами билан биргина 1995 йил давомида моддий ёрдамга мухтож нафақахўрлардан 15 нафарининг уйлари таъмирланди. 22 нафарига телефон алоқалари ўрнатиб берилди. 19 нафари уй қуриш учун ер майдонлари билан таъминланди, 43 нафарига эса сихатгоҳларда даволашни учун йўланмалар берилди. 270 кишига 286 минг 100 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.<sup>276</sup>

Шунингдек, ЎзР Президенти Фармонига асосан Фаргона шаҳрида 496 нафар нафақахўр учун кўшимча имтиёзлар белгиланди. Улар квартира хақи, коммунал тўловлардан озод этилдилар, доридармонларни бепул олиш, шахар транспортларида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлишди.<sup>277</sup>

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифаси фақат давлат зиммасига тушибди, бу масала билан иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа нодавлат мулк-сасалари ҳам шуғулланди. Корхона ва ташкилотлар ўз иқтисодий ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишда турли ижтимоий ҳимоя усулларини қўллади.

Жумладан, Андижон шаҳридаги бир қатор корхона, ташкилот, мулк-сасалар меҳнат жамоаларида ишлаб пенсияга чиққан нафақахўрлардан мунтазам хабар олиб туриши йўлга қўйилди. Ўзини 1995 йилнинг биринчи ярмида бу макссадларга 270 минг сўм миқдорда сарфланди.<sup>278</sup> Шаҳардаги ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти 30 нафар ёлғиз қарияни оталиққа олиб, уларга амалий ёрдам бериб келди.<sup>279</sup> «Семурғ» трикотаж ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида 1992 йилнинг август ойидан бошлаб барча ишчи-ходимларга бепул тушлик овқат ташкил этилди. Ишчиларнинг кўнчилиги аёллар бўлгани учун 6 соатли иш куни жорий этилди. Корхонага қарашли 3 та болалар боғчасида корхона ишчи-хизматчиларнинг 755 нафар фарзандлари бепул тарбияланди. Бундан ташқари, корхона ишчи-хизматчиларига бепул транспорт хизмати йўлга қўйилди. 1995 йил Наврўз байрамида корхона ишчиларидан икки нафар ёшларнинг никоҳ тўйлари бўлиб, барча тўй қаражатлари корхона ҳисобидан қопланди. Шу йили биринчи синфга бораётган боғча тарбияланувчиларига корхона номидан юз минг сўмлик портфель ва мактаб анжомлари совға қилинди.<sup>280</sup> Корхонада 80 нафар ногирон ва нафақахўрга бепул акция берилди. Шунингдек, 13 йил ва ундан ортиқ муддат корхонада меҳнат қилганлар бепул акция олиш ҳуқуқига эга бўлди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича бундай чора-тадбирлар «Чинор», «Хумо» ҳиссадорлик жамиятлари, «Электроаппарат» заводи сингари қатор корхона ва ташкилотларда ҳам амалга оширилди.<sup>281</sup>

<sup>273</sup> Андижон вилояти паспорти. Андижон, 1996. Б. 11; АШХ ЖА. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik V сессиясининг материаллари. 1996 йил 27 июль. Б. 9-10.

<sup>274</sup> ФВХ ЖА. Фаргона шаҳрида фан, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш йўналишларида олиб бориладиган ишлар ҳусусида маълумотнома (1991-1994 й). Б. 7.

<sup>275</sup> АШХ ЖА. Умумий бўлими маълумотномаси. Б. 1-2.

<sup>276</sup> Ўша жойда.

<sup>277</sup> ФВХ ЖА. Фаргона шаҳрида фан, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш йўналишларида олиб бориладиган ишлар ҳусусида маълумотнома (1991-1994 й). Б. 7.

<sup>278</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik II сессиясининг материаллари. 1995 йил 8 июль. Б. 9.

<sup>279</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар Кенгаши I чакirik II сессиясининг материаллари. 1995 йил 8 июль. Б. 45.

<sup>280</sup> Ўша жойда. Б. 10-11.

<sup>281</sup> Ўша жойда. Б. 11.

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида 1993 йилда жами бир миллиард рубль маблағ тежалиб, улар асосан ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланди. Натижада, 250 дан зиёд оила янги уйли бўлди, яқка тартибда уй қураётганларга 18 миллион рубль имтиёзли қарз берилди.<sup>282</sup>

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган муҳтож табақалари – ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий химоялашга Фарғона водийси шаҳарларида алоҳида эътибор берилди. Масалан, Андижон шаҳри қорхона, ташкилотлари томонидан ктор йиллар давомида Наврўз байрами, Ғалаба байрами, Қурбон ва Рамазон хайитлари, Мустақиллик байрамларида фахрийлар, ногиронлар, муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар, афгончиларни йўқланди, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Чуст шаҳрида 1993 йили 264 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 92 нафар боқувчисини йўқотганлар, 92 нафар ёлғизлар, 84 нафар Чернобиль ҳалокати қатнашчилари истиқомат қилган бўлиб, уларни ижтимоий химоялашга 5 миллион 875 минг рубль сарфланди. Шу йили шаҳар ҳокимлиги ва қорхоналар томонидан 24 нафар оиланинг уйи газлаштирилди, 5 та уй таъмирланди, икки оила янги уйга кўчиб ўтди. Қисқа вақт ичида ногирон Миразамов Алижонга умумий қиймати 600 минг рубль сарфланиб, янги уй қуриб берилди.<sup>283</sup>

Қувасой шаҳрида ҳам шаҳар хогин-қизлар кўмитаси ва шаҳар «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ташаббуси билан 1 июнь – халқаро болалар куни етим болалар, шунингдек, ижтимоий кам таъминланган оилалар фарзандларининг хайрия тўйи ўтказилди. Бу тадбирда ўз улушлари билан шаҳар ҳокимлиги, қорхона, ташкилот, хўжалик, муассасалар ҳам қатнашди. Халқ банкининг шаҳар бўлими томонидан тўйболаларнинг барчаси мақсадли омонат дафтарчалари билан таъминланди.<sup>284</sup>

<sup>282</sup> Халқ сўзи. 1994 йил 3 январь.

<sup>283</sup> НВХ ЖА. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чакirik XIV сессиясининг материаллари. 1993 йил 25 декабрь. Б. 15.

<sup>284</sup> Фарғона хақиқати. 1996 йил 4 июнь.

Аҳолининг ижтимоий таъминотида пенсия ва нафақалар асосий ўринни эгаллайди, лекин бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар ижтимоий соҳага ҳам таъсир кўрсатди. Масалан, Андижон шаҳридаги айрим қорхона ва ташкилотларнинг пенсия жамғармасига ажратилган маблағларни ўз вақтида ўтказмагани туфайли 1993 йил июль ойигача шаҳар бўйича 8 мингдан ортиқ пенсионер, жами 140 миллион рубль миқдордаги нафақаларини ўз вақтида олмади.<sup>285</sup> Шаҳардаги айрим қорхона ва ташкилотларнинг пенсия жамғармасига ажратилган маблағларни ўз вақтида ўтказмагани натижасида 60 дан ортиқ жамоа шаҳар пенсия жамғармасидан 190 миллион рублга яқин қарз бўлиб қолди.<sup>286</sup>

Бундан ташқари, Марғилондаги «Хонатлас» хиссадорлик жамиятининг молиявий ахvoli ёмонлашгани натижасида иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик, фойдадан 2 сизгача тўланадиган нафақаларни бермаслик ва бошқа шу каби нуқсонлар кузатилди.<sup>287</sup> Шунингдек, Наманган вилоятида, шу жумладан, шаҳарларида ҳам ижтимоий таъминот соҳасида йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар натижасида 1997 йилга келиб Наманган шаҳрида тўлаш муддаги ўтган иш ҳақи фақат бюджет ташкилотларидан 56 миллион 469 минг сўмни ташкил этган. 1996 йил октябрь ойи учун нафақалардан ҳам 6 миллион 560 минг сўм қарз борлиги қайд этилган.<sup>288</sup>

Албатта, юқорида зикр этилган камчиликлар давлат газнасиға нақд пул тушумининг ёмонлашгани, қорхона ва ташкилотларнинг молиявий шароити оғирлашгани сабабли ижтимоий суғурта жамғармасига маблағ ўтказишнинг суствлиги ва бошқа шу каби қатор муаммолар билан боғлиқ эди.

Фарғона водийсининг ижтимоий соҳасида ўз ечимини қутаётган муҳим муаммолардан яна бири ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш масаласидир. Бинобарин, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш жойларини яратиш аҳолини ижтимоий химоялашнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун 1992 йил

<sup>285</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги Президент Фармонларини бажарилишини назорат қилиш ишчи комиссиясининг йиғилиш баёни. 1993 йил 12 июль. Б. 2.

<sup>286</sup> Ула жойба.

<sup>287</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти фасллари йиғилишининг материаллари. 1996 йил 22 апрель. Б. 13.

<sup>288</sup> Наманган хақиқати. 1997 йил 22 февраль.

13 январда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ЎЗР Қонуни қабул қилинди<sup>289</sup> ва амалиётга киритилди. Ушбу ҳужжат республикада ишсизликнинг салбий таъсирининг олдини олиш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида фуқороларнинг иш ўринларига эга бўлишларини ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрда қабул қилган «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини<sup>290</sup> ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўтиш даврининг илк йилларида ҳукумат қонучи ва қарорларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун жойларда яъни туман, шаҳар ва вилоятлар ҳамда республика бўйича 2010 йилгача даврга мўлжалланган аҳоли бандлигини таъминловчи дастур ишлаб чиқилган эди<sup>291</sup>. Кўрилаган тадбирлар ва турли манбалар ҳисобидан иқтисодиётнинг нодавлат секторида ҳар йили (1990 йиллар ўрталаридан бошлаб) 200 мингга яқин иш ўринлари ташкил қилина бошланди<sup>292</sup>.

Мустақиллик йилларида ташкил этилган бандлик хизмати, яъни меҳнат биржалари ишсизлик муаммосини қисман ҳал этишда муҳим роль ўйнади. Республиканинг туман ва шаҳарларида 1991 йилдан бошлаб 1996 йилгача 210 дан зиёд меҳнат биржаларининг кенг тармоқли тизими ташкил этилди. Меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олиш, уларни янги касбга йўллаш ва ўқитиш, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш, иш излаётган фуқароларни ҳақ тўланадиган вақтинча жамоат ишлари билан таъминлаш каби мураккаб ишларни бажариб келди<sup>293</sup>.

Агар меҳнат биржаси томонидан рўйхатга олинган илсизлар 10 кун давомида ишга жойлаштирилмаган бўлса, улар ишсиз хисобланиб, рўйхатга олинган кундан ярим йилгача уларга комиссия томонидан нафақа белгиланди. Нафақалар эса қуйидаги миқдорда белгиланди: биринчи бор иш кидираётганларга энг кам иш ҳақининг — 75 %, бир йилдан ортиқ вақт давомида иш кидираётганларга энг

<sup>289</sup> ЎЗР Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1992. №4. Б. 10-23.

<sup>290</sup> ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1992 йил декабрь. Т., 1992. Б. 86-88.

<sup>291</sup> Акрамов Э. А., Таиров А. Э. Экономические реформы Республики Узбекистан... Б. 63.

<sup>292</sup> Тухтаев Н. Узбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т., 1998. Б. 167.

<sup>293</sup> Ушба жойда.

кам иш ҳақининг — 100 %; меҳнат қилишдаги танаффус бир йилдан кам бўлса, бир ойлик ўртача иш ҳақининг — 50 %; камокларда ўз мавқаларини ўтаб келганлар учун энг кам иш ҳақининг — 100 %; харбий хизматдан қайтганлар учун энг кам иш ҳақининг — 100 %; касби билан боғлиқ ишсизлар учун энг кам иш ҳақининг — 75 %<sup>294</sup>.

Тадқиқ этилган даврнинг дастлабки йилларидан водий шаҳарлари ҳокимликлари, меҳнат биржалари билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қарата бошлади. Масалан, Фарғона шаҳрида 1993 йилда 3460 киши ишга жойлаштирилди. Бу миқдор иш кидириб мурожаат этганларнинг 85 % ини ташкил қилиб, 60 кишига ишсизлик нафақаси белгиланди<sup>295</sup>.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш, жумладан, уларни иш билан таъминлашга қаратилган чоралар кўрилди. Шу мақсадда «Хонатлас» хиссадорлик жамоаси, «Ёдгорлик» фабрикаси, ёғочни қайта ишлаш заводи, «Нодир» хусусий фирмалари базасида 300 дан зиёд ишчи ўринлари яратилди. 1993 йили «Ёдгорлик» фабрикасида 150 нафар аёл уй меҳнатига жалб этилган бўлиб, улар 2 миллион 200 минг рубллик кийимлар тайёрлаб, аҳоли истеъмолига чиқарди. «Хонатлас» хиссадорлик жамоасига қарашли «Келачи» участкаси, «Қизил косиб» маҳалласида тикувчилик цехи ишга туширилди. 50 дан зиёд маҳалла аёллари иш билан таъминланди<sup>296</sup>.

Андижон шаҳрида ҳокимлиги ўз худудий ваколати доирасида «Аҳолини иш билан таъминлаш» дастурини қабул қилди. Ушбу дастур асосида 1996 йилда «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилди. Мазкур тадбирда шаҳардаги барча йирик саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, маиший хизмат, тиббиёт ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, жами 100 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Нагизада, ўн ой давомида меҳнат ярмаркалари орқали 9309 киши, иш излаб меҳнат биржасига мурожаат қилганлардан 1324 киши ишга жойлаштирилди, 235 киши ҳақ тўланадиган вақтинчалик жамоат ишларига жалб

<sup>294</sup> Қаринг Акрамов Э. А., Таиров А. Э. Экономические реформы Республики Узбекистан... Б. 63.

<sup>295</sup> ФШХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг №124/13-XXI Қарори. 1993 йил 23 декабрь. Б. 3.

<sup>296</sup> ФШХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг №124/13-XXI Қарори. 1993 йил 23 декабрь. Б. 3.

қилинди. 1750 ўринли янги иш жойлари барпо этилди. 608 кишига эса ишсизлик мақоми берилди ва 140 кишига касб хунар ўргатилди.<sup>297</sup>

Шаҳарда ишсиз аёлларни ишга жойлаштиришда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, мақсадли кичик корхоналар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Шаҳардаги «Намуна», «Маданият», «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинларида тикувчилик, савдо-ишлаб чиқариш, зардўзлик корхоналари ташкил этилиб, хар бирида 30-35 нафардан аёл ишга жалб этилди. «Хумо» ишлаб чиқариш жамияти томонидан шаҳарнинг Боғишамол даҳасида 400 ўринли фабрика қуриб ишга туширилди.<sup>298</sup>

Амалга оширилган бу тadbирлар водий шаҳарлари аҳолисининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишда ижобий натижаларга олиб келди.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан таъминлашда бир қатор муаммо ва зиддиятларга дуч келинди. Хусусан, водийнинг демографик хусусиятини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши «ортиқча ишчи кучларининг ва норасмий ишсизликнинг ўсишига олиб келди»<sup>299</sup>. Масалан, меҳнат ресурслари йилига 2-2,5 % га ўсаётган Анджион шаҳрида ишсизлик йил сайин ортиб бораётгани кайд этилган<sup>300</sup>. Маълумки, республиканинг бошқа ҳудудларига қараганда Фарғона водийсида кишлоқ аҳолиси салмоғи шаҳар аҳолисига нисбатан кўпроқ бўлиб, кишлоқда меҳнат ресурсларининг ортиқча бўлишига, кишлоқдан шаҳарларга ортиқча ишчи кучи келиб, мардикорлар бозори пайдо бўлишига сабабчи бўла бошлади ва шаҳарларда ишсизлик муаммосини янада мураккаблаштирди.

Оила қуришда маҳаллий аҳолига хос бўлган хусусият, яъни эрта оила қуриш урф бўлгани ушбу муаммони янада кескинлаштиришига сабаб бўлиб борди. Биринчи бор иш истаб келаётган ёшларнинг 3/1 қисми оилали эканлиги<sup>301</sup> бу фикрнинг яққол исботидир. Бу эса, ўз

<sup>297</sup> Аддиконнома. 1996 йил 22 ноябрь.

<sup>298</sup> Ушга жойла. 1996 йил 11 октябрь.

<sup>299</sup> Тухшев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти... Б. 167.

<sup>300</sup> Аддиконнома. 1996 йил 22 ноябрь.  
<sup>301</sup> Доклад о человеческом развитии... С. 55.

наибатида, уларнинг зиммасига оила боқиш билан боғлиқ қўшимча мижбуриятларни юклайди.

Ишсизлик кўрсаткичининг юқори бўлишига таъсир қилувчи яна бир муҳим омил таркибий ишсизликнинг, яъни ишсизлар бўла туриб, иш иш ўринлари мавжудлигидир. Масалан, 1994 йил бошида иш иш ўринлари корхона ва ташкилотларида 2 мингга яқин бўш иш ўринлари борлиги кайд этилган.<sup>302</sup> Бундай ҳолатнинг вужудга келишига, бир томондан, ишчи кучига бўлган талабда маълумоти ва малакаси билан боғлиқ номуаносиблик сабаб бўлган бўлса, бошқа томондан айтиш мумкинки, корхона ва ташкилотлар томонидан берилётган иш ҳақининг камлиги, иқтисодий кийинчиликлар ва нарх-наво ошган даврда уй-рўзгор, оила боқиш учун берилаётган маошнинг етарли эмаслиги бўш иш ўринларининг вужудга келишига асосий сабаблардан биридир.

Бундан ташқари, ишсизликнинг ўсишига, иш ўринларини яратишда салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган кичик ва ўрта бизнеснинг етарли даражада ривожланмагани ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиёти шундан далолат берадики, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётдаги ўзгаришларга, ўзаро рақобатга, асосан кичик ва ўрта тadbиркорлик бардош бера олади ҳамда улар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Лекин бу даврда жойлардаги бюрократик аппарат, дунёқараш ўзгармаган ва боқимандалик кайфиятида юрган айрим раҳбарлар, шунингдек, турли текширувчи ва назорат қилувчи ташкилотлар тadbиркорликнинг кенг қулоч ёзишига тўсқинлик қила бошлади. Нагизада, тadbиркорлар ишлаб чиқариш ўрнига кўпроқ савдо-сотик ишлари билан шуғулланмоқда ёки тазйик натижасида уларнинг айримлари ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Бундай вазият олиб борилаётган ислохотлар мазмунига путур етказиб, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга тўсқинлик қилган.

<sup>302</sup> ФВХ ЖА. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши XXI чакорик XIV сессиясининг материаллари. 1994 йил 25 май. Б. 11.

Аmmo бандлик муаммоси билан бирга, давлат рўйхатидан ўтмаган, норасмий меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш республикада, шу жумладан, Фаргона водийсида кенг ёйилган. Улар шуғулланаётган ана шу меҳнат фаолияти (савдо-сотик, маиший хизмат, хунармандчилик, томорқа орқали топилган даромад, вақтинча ёлланish ва бошқалар) қонун томонидан таъқиқланмаган бўлса-да, фуқароларнинг ушбу меҳнат фаолиятини тегишли муттасадди ташкилотлар томонидан рўйхатга олиш тўғри йўлга қўйилмаган. Оқибатда, фуқароларнинг бу норасмий фаолиятдан олинган даромаддан давлат хазинасига солиқ тушириш ҳам тўғри йўлга қўйилмаган. Масалан, 1997 йил июнь-июль ойларида савдо-сотик ва пулли хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган 82 мингта жисмоний шахслар ўртасида республика бўйича ўтказилган сўровлар натижаси кўйидагича кўриниш ҳосил қилди: сўралганларнинг 30 % дан ортиги республика солиқ кўмиталари рўйхатидан ўтмаган. Айрим ҳудудларда бу кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан анча юқори (Хоразм вилояти — 40,4 %; Тошкент шаҳри — 38,8 %; Фаргона вилояти — 37,9 %) <sup>303</sup>.

Банк соҳасидаги муомаладан ташқарида бўлган пул массасини ўрганиш орқали чиқарилган экспертлар ҳулосасига кўра, ҳисобга олинмаган аҳоли бандлиги Ўзбекистонда 2,3 миллион кишини <sup>304</sup> ташкил қилиши мумкин экан, яъни бу рақам республика аҳолисининг қарийб 10 % ига тенг бўлади. Агар юқоридаги рақамлардан келиб чиққан ҳолда рўйхатдан ўтмаган бандлик тизими ривожланганини ҳисобга олиб, тахлил қилинса, Фаргона водийсида бу кўрсаткич ўртача 700 минг кишига тенг бўлиши шаҳарларида эса рўйхатдан ўтмаган бандлик деярли 200 минг кишини қамраб олиши мумкин <sup>305</sup>. Бундай фаолият натижасида аҳолининг ўртача даромодлари расмий кўрсаткичдан 1,6 мартагача юқори бўлиши ва аҳоли бандлиги меҳнат ёшидаги аҳолининг 90 % дан ошishi мумкин <sup>306</sup>.

Умуман олганда, давлаг рўйхатидан ўтмаган аҳоли бандлиги республикада иқтисодиётга, унинг ғазнасига фойда келтирмаса-да,

ишсизлик муаммосини юмшатишга ва аҳолининг бир қатор қатламларига асосий ҳаёт эҳтиёжларини қондира оладиган даражада даромад топишга ёрдам берган.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, 1990 йилларда Фаргона водийси ва унинг шаҳарларида бандлик муаммоси даврий ишсизлик шаклига эга бўлиб, зиддиятга тус олди.

Ижтимоий соҳанинг муҳим таркибий қисми бўлган аҳолининг маиший турмуш даражасини ошириш масаласи республика ҳукумати, Фаргона водийси шаҳарлари ҳокимликлари, қорхона ва ташкилотлар эътиборидан четда қолмади. Мустақилликка эришгач, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ишлари жонланди.

1990–1996 йиллар давомида Президентнинг 1990 йил 28 июлдаги «Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги Фармонини бажара бориб Қувасой, Кўкон, Маргилон, Фаргона, Андижон каби бир қатор шаҳарларида қатта ишлар амалга оширилди. Масалан, Фаргона шаҳрига 1990 йилда қўшилган Бешбола, Ёрмозор ва Оқариқ қишлоқларида газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш учун шаҳар ҳокимлиги шаҳар қорхоналари маблағларини шу мақсадга йўналтирди. Натижада, Фаргона шаҳрининг ана шу қисмини газлаштириш даражаси 1991–1992 йилларда 97 % га, ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 96 % га етказилди <sup>307</sup>.

1993–1994 йилларда шаҳарда 36,6 км янги газ қувури тортилиб, 1315 та хонадон газлаштирилди. Фаргона аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун Пақани-Тоғон сув иншоотидан шаҳарга сув келтириш ишлари олиб борилди. Қорхоналар маблағи ҳисобига бу сув йўлининг биринчи навбати ўтказилиб, фойдаланишга топширилди. 14 та сув қудуғи ишга туширилиб, аҳолининг 97 % ичимлик суви билан таъминланди <sup>308</sup>. 1995 йилга келиб шаҳар аҳолисининг 95 %и табиий газ билан, 99,0 %и ичимлик суви билан таъминланди <sup>309</sup>.

<sup>303</sup> Доклад о человеческом развитии... С. 56.

<sup>304</sup> Ушга жойда.

<sup>305</sup> Муаллифнинг ҳисоб-нигобларидан келиб чиққан рақамлар.

<sup>306</sup> Доклад о человеческом развитии... С. 56.

<sup>307</sup> ФВХ ЖА. Фаргона вилояти фаоллари йиғилишининг материаллари. 1995 йил 27 январь. Б. 6.

<sup>308</sup> ФШХ ЖА. Фаргона шаҳар ҳокимлигида 1993 йил 12 август куни ўтказилган шаҳар фаоллари йиғилишида қабул қилинган қарорнинг бажарилиши тўғрисида маълумот. Б. 1–2.

<sup>309</sup> ФВХ ЖА. Фаргона вилояти фаоллари йиғилишининг материаллари. 1995 йил 27 январь. Б. 8–9.

Қувасой шахрида ҳам бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. Агар шахарнинг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 1990 йилда 73,6 %ни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб бу миқдор 88,0 %ни, газлаштириш даражаси эса 91,1 %ни ташкил этди.<sup>310</sup>

Андижон шахар аҳолисини йиллар давомида қийнаб келган ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш мақсадида Андижон шахар ижроия комитети томонидан 1991 йил 21 июнда «Андижон шахарини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш ҳақида» қарор қабул қилинди.<sup>311</sup> Қарорга биноан шахарга ичимлик сувини «Кампиробод» сув омборидан «Хонобод-Андижон» сув тармоғи орқали келтириш мўлжалланди.<sup>312</sup>

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида «Хонобод-Андижон» сув тармоғининг биринчи навбати 1994 йилга келиб қуриб битказилди. Унинг ишга туширилиши шахар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини деярли ҳал қилди. «Хонобод-Андижон» сув тармоғи иккинчи навбатининг қурилиши натижасида Асака шахрида ҳам ичимлик суви муаммоси ўз ечимини топди. Асака шахрига бўлган 15,3 км масофага қисқа фурсат 5 ой ичида қувурлар ётқизилди. Асакага ҳар кеча-кундузда 45 минг куб метр ичимлик суви келиши таъминланди.<sup>313</sup>

Шу билан бирга, 1995 йилда Андижон шахрида 1440 метр янги газ тармоғи қурилди, 871 та хонадон газлаштирилди. Турли даҳа ва маҳаллаларда газнинг бир метрда келишига эришиш мақсадида 12 та газ тақсимлагичлар ўрнатилди.<sup>314</sup>

Умуман, Фарғона водийси шахарларида аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида 1997 йилга келиб шахарлар уй-жойларини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 1991 йилдаги 44,8 % дан

67,1 % га етди, табиий газ билан таъминланиш даражаси 66,6 %дан 181 %га етди.<sup>315</sup>

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш республикамизнинг ижтимоий соҳадаги муҳим йўналиши ҳисобланади. Одамларнинг соғлигини муҳофаза қилишнинг асосий шартини тиббий хизмат сифатини яхшилашдан иборат.

Мустақиллик йилларида аҳолига сифатли ва талаб даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Фарғона водийси шахарлари доқимликлари, соғлиқни сақлаш ташкилот ва муассасалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида биринчи навбатда даволаш профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Водий шахарларининг барчасида бир қатор тиббийёт муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Фарғона шахрида 189 ўринли чақалоқлар уйи, 500 қабул кучига эга бўлган поликлиника, 400 қабул кучига эга бўлган стоматология поликлиникаси, 240 қабул кучига эга бўлган сил диспансери, 255 ўринли болалар шифохонаси, 280 беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган болалар тиш касалликлари поликлиникаси қурилди ва фаолиятини бошлади.<sup>316</sup>

Кўкон шахрида замонавий, айна вақтда, водийда ягона бўлган, 200 ўринли касалхона, бир кунда 250 беморни қабул қила оладиган, барча зарур иншоотлар ва анжом-ускуналар билан жиҳозланган поликлиника фойдаланишга топширилди.<sup>317</sup>

Андижон шахрида 600 та беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган 5-поликлиника биноси, кунига 250 та беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган шахар тиш даволаш поликлиникаси, қуввати 300 кишилик 1 ва 2-ўсмирлар поликлиникаси, 2-катталар поликлиникаси фойдаланишга топширилди.<sup>318</sup>

<sup>310</sup> Уша жойда. Билоят, шахар ва туманларни газлаштириш бўйича маълумот  
<sup>311</sup> АШХ ЖА. Халқ депутатлари Андижон шахар Кенгаши XXI чакорик XIV сессиясининг материаллари. 1993 йил 24 июль. Б. 5.

<sup>312</sup> Уша жойда. Б. 10.

<sup>313</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 18 июль.

<sup>314</sup> АШХ ЖА. Андижон шахар феолилари ййигилишининг материаллари. 1995 йил 17 февраль. Б. 10.

<sup>315</sup> Ушр МСВ ЖА. Статистика Давлат департаментги томонидан 27.07.1998 й. берган №14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 1.

<sup>316</sup> ФШХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона шахар Кенгашининг №124/13-XXI қарори. 1993 йил 23 декабрь. Халқ депутатлари Фарғона шахар Кенгаши I чакорик I сессиясининг материаллари. 1995 йил 9 январь. Б. 6.

<sup>317</sup> Фарғона хақиқати. 1995 йил 22 декабрь. Уша жойда. 1996 йил 13 июль.

<sup>318</sup> АШХ ЖА. Андижон шахар соғлиқни сақлаш бўлими. 1996 йил маълумотномаси Б. 1.

Наманган шаҳрида эса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш маркази, кўп профили болалар шифохонаси, юрак хасталикларини даволаш маркази, 120 ўринли ўсма касалликлари шифохонаси, юкумли касалликлар шифохонаси, Наманган газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли санаторий-профилакторийнинг иккинчи навбати, шаҳар «Тез ёрдам» шифохонаси қошида вилоятда биринчи 25 ўринли кўкрак жарроҳлиги, 60 ўринли ички касалликларни даволаш бўлимлари ва бошқа даволаш масканлари қурилди<sup>319</sup>. Бундан ташқари, шаҳарда янги урология маркази ишга тушди, яъни Намангандаги «Электротерм» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида фаолият кўрсатаётган бир қатор ички касалликларни, жумладан, буйрак хасталигига чалинган кишиларни даволашга ихтисослаштирилган шифохона урология марказига айлантирилди<sup>320</sup>.

Янги қуриб фойдаланишга топширилган муассасаларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари, дори-дармон билан таъминлаш борасида ҳам қатта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Фарғона вилояти ҳокимлиги раҳбарлигида дастлабки йилларда саннат корхоналари маҳсулотлари, пахта толаси ва бошқа хомашё маҳсулотларини Ҳамдўстлик давлатлари билан айирбошлаш хисобига 1 миллиард 336 минг сўм-купонли замонавий стоматологик, физиотерапевтик, рентген-диагностик, нафас аппаратлари каби 388 хил асбоб ускуналар, шунингдек, хорижий мамлакатлардан 316 минг АҚШ долларига тиббий жиҳозлар олиб келинди. 1994 йилда айирбошлаш хисобига яна 10784 минг сўмлик дори-дармонлар олиб келиниб, беморларни даволашга сарфланди<sup>321</sup>.

1995 йилда «Тибтехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти бозор иқтисодиётига ўтиш ва давлат тасаруфидан чиқариш асосида ташкил этилди ва «Тибтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссдорлик мақомини олди. Йил давомида бу бирлашма томонидан 14 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар

<sup>319</sup> Наманган ҳақиқати. 1993 йил 22 июль. Халқ сўзи. 1994 йил 29 январь. Наманган ҳақиқати. 1993 йил 10 июль.  
<sup>320</sup> Ишонч. 1996 йил 13 февраль.

<sup>321</sup> ФВХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши XXI сессиясининг материаллари. 1994 йил 29 октябрь. Б. 9.

келтирилди. Шундан 6 миллион сўмга «КЭС» тизими бўйича битта наркоз аппарати, битта реанимацион комплекс, 1 та кювез, 2 та сунъий нафас аппарати келтирилиб, даволаш муассасаларига тарқатилди. Бундан ташқари, Фарғона шаҳридаги болалар стоматология поликлиникасига Волгограддаги тиббий асбоб-ускуналар заводидан 20 та стоматологик кресло келтирилди<sup>322</sup>.

Наманган шаҳрида янги ишга туширилган Электр тармоқлари корхонасининг 60 ўринли шифохонаси 10 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди<sup>323</sup>. Андижондаги кардиология маркази ҳам Германия, АҚШ, Япония, Швециядан келтирилган замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди<sup>324</sup>.

Янги, замонавий соғлиқни сақлаш муассасаларининг қурилиши, уларнинг моддий техника базасининг сақлаш мустаҳкамланиши натижасида Фарғона водийси шаҳарлари тиббий муассасалари сони ортиб борди ва 1996 йилга келиб биргина Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 1600 ўринли 9 та шифохона, 360 ўринли болалар шифохоналари, 8431 та беморни қабул қилиш кувватига эга бўлган 19 та амбулатория ва поликлиникалар, шу жумладан, 1 та сил касалликлари диспансери, 1 та тез тиббий ёрдам станцияси аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. Бу муассасаларда 959 та врач ҳар 10 минг аҳоли сонига 30,6 та (вилоят кўрсаткичи 31,2), 1837 та ўрта тиббиёт ходими (ҳар 10 минг аҳоли сонига 58,8 та, вилоят кўрсаткичи 107,1) аҳоли соғлигини муҳофаза қилишда фаолият кўрсатди<sup>325</sup>.

Шаҳарда аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида маҳаллаларда тиббий пунктлар ташкил қилиниб, ҳар бир поликлиника ўз ҳудудида кўчма тиббий кўрик ўтказиб, аниқланган беморлар тиббий назоратга олинди<sup>326</sup>.

Шаҳар ҳокимлиги тиббий муассасалари ва ходимларининг аҳоли соғлигини сақлаш борасидаги ишларини янада яхшилаш мақсадида шаҳардаги барча қурилиш ташкилотлари, саноат, савдо ва бошқа

<sup>322</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан кейинги 5 йилда амалга оширилган иқтисодий ишлар ҳақида маълумот. 1996. Б. 4.

<sup>323</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 19 июль.

<sup>324</sup> Народноє слово. 1996 йил 15 июнь.

<sup>325</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими. 1996 йил маълумотномаси. Б. 1.

<sup>326</sup> Ушба жойда. Андижон аҳолисига 1994 йилда тиббий хизмат кўрсатиш туғрисида: ахборот. Б. 1.

ишлаб чиқариш корхоналари даволаш-профилактика муассасаларига бириктирди. Уларга ҳокимлик қарори билан амалий ва моддий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Лекин бозор муносабатларига ўтиш даврида медицина соҳасини ислох қилишда йўл қўйилган хатолар ва тажрибасизлик шифохоналарнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Шулар қаторида Фарғона водийси шаҳарларидаги шифохоналар ҳам бўлиб, бир қатор шифохоналарда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида жиддий камчиликларга, яъни беморлар учун зарур шaroитнинг яратилмагани, дори-дармонларнинг етишмаслиги, медицина ходимларининг эътиборсизлигига йўл қўйилди. Булар эса аҳолининг ҳақли равишда норозилигига сабаб бўлди.

Мустақилликнинг илк йилларидан республикада она ва бола саломатлигининг муҳофаза қилинишига катта эътибор берила бошланди. Республика ҳукуматининг бу сиёсатини ҳаёта тadbик этиш борасида жойларда махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Ана шу дастурга бинoан Андижон шаҳрида оналар ва болаларга 3 та туғруқ уйлари, 3 та аёллар маслахатхонаси, ип-газлама ишлаб чиқариш комбинати қошидаги 40 ўринли гинекология бўлими, 30 ўринли аёлларнинг экстрагенитал хасталиклари бўлими, 2 та болалар шифохоналари, 9 та болалар поликлиникалари хизмат қилмоқда. Она ва болага кўрсатилган тиббий хизмат сифатининг ортиб борганлиги сабабли болалар ўртасида умумий касалланиш кўрсаткичи хар 1000 аҳолига 1993 йилда 658,1; 1994 йилда 391,7; 1995 йилда 363,2 ва 1996 йилда 383,0 тани ташқил қилди, яъни болалар ўртасида касалланиш қисман бўлса-да қисқаришига эришилди. 1 ёшгача болалар ўлими ҳолати 1994 йилдаги 31,6 тадан 1996 йилда 27,0 тагача камайди. Оналар ўлими кўрсаткичи шаҳарда 1995 йилдаги 71,3 тадан 1996 йилда 23,2 тагача камайди<sup>327</sup>.

Туғиш ёшидаги аёллар соғлигини сақлаш сифатини яхшилаш мақсадида шаҳардаги 12 та поликлиника қошида аёллар учун қундузги шифохоналар очилди. 1996 йилда уларда 1286 аёлга тиббий ёрдам кўрсатилди<sup>328</sup>.

1994 йилда Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан «Соғлом авлод учун» дастури тасдиқланди. Бу дастур шаҳар аҳолиси учун алоҳида наҳияга эга эди. Чунки шаҳар аҳолисининг 114100 нафарини ёки 51 %ни аёллар ташқил қилади. Шу жумладан, туғиш ёшидаги аёллар сони 47000, 14 ёшгача бўлган болалар сони 70 миңдан зиёддир. Умуман олганда, шаҳар аҳолисининг 83,3 %ни аёллар ва 14 ёшгача бўлган болалар ташқил этади. 1996 йилга келиб шаҳарда оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишлар қилинди. Масалан, шаҳар шифохоналаридаги ихтисослаштирилган умумий ўринлардан 810 таси фақат оналар ва болаларга хизмат қилишга молаштирилган бўлиб, улар шифохоналардаги ўринларнинг 46 %ни ташқил этади. Бундан ташқари, поликлиника ва амбулаторияларда 550 нафар беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган 3 та аёллар маслахатхоналари, 1750 беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган болалар поликлиникаси, 370 ўринли санаторий типидagi 4 та боғча ва 125 ўринли болалар уйи оналар ва болаларга хизмат кўрсатмоқда<sup>329</sup>.

Шаҳарда «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширилиши натижасида шаҳар ҳаётида биринчи мартаба аниқланган касаллик бўйича касалланиш 1992 йилдаги 758 (хар 1000 аҳоли сонига) дан 1995 йилда 682 тагача камайди. Диспансер назорати остида турган касал болалар сони 1992 йилдаги 187,8 дан 1995 йилда 167,5 тага камайди.

Болалар саломатлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган бир ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим ҳолати 1992 йилда 41,4 ни (1000 та туғилган чақалоқлар сонига), 1995 йилда 26,2 ни ташқил қилди. Оналар ўлими кўрсаткичи эса 1992 йилдаги 64,5 дан 1995 йилда 22,2 тага (1000 та тирик туғилган чақалоқлар сонига) камайди.<sup>330</sup> Оналар ва болаларга малакали ва сифатли тиббий хизмат

<sup>327</sup> ФШХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши I чакирик V сессиясининг материаллари. 1996 йил 28 июнь. Б. 2-3.

<sup>328</sup> Ушга жойда. Шаҳар соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 1995 йил учун маълумоти. Б. 7.

кўрсатиш бўйича водийнинг Наманган ва Қувасой шаҳарларида ҳам сезиларли натижаларга эришилди.<sup>331</sup>

Баъзи ижобий натижалар билан бир қаторда Фарғона водийси соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида бир қанча нуқсон ва камчиликлар ҳам кузатилди.

Биринчидан, водий шаҳарларида мавжуд касалхона ва поликлиникаларнинг салмоқли қисми жойлашлаган бинолари талабга жавоб бермас эди. Жумладан, Андижон шаҳрида мавжуд 9 та шифохонанинг ҳаммаси, 19 та поликлиникадан фақат 10 таси мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, бу 52 %ни ташкил қилади. Ёки Фарғона шаҳридаги мавжуд 7 та шифохонадан 4 таси қисман мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, бу 57 %ни ташкил этган. 18 та поликлиникадан 9 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, бу 50 %ни ташкил қилган.<sup>332</sup> Қолганлари эса касалхона ва поликлиника учун мослашмаган биноларда жойлашган.

Иккинчидан, водий шаҳарларида тиббиёт муассасаларини ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминлаш республика кўрсаткичидан паст даражада қолган.<sup>333</sup>

Учинчидан, водий шаҳарлари тиббиёт муассасаларида хомилалар аёлларга яратилган шарт-шароитлар, аёллар соғлигини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада бўлмаган. Масалан, Андижон вилоят туғруқхонасида бир кишига 8-10 м<sup>2</sup> жой тўғри келгани холда бу кўрсаткич шаҳардаги 3 та туғруқхонада 5 м<sup>2</sup>ни ташкил этган. Шаҳар бўйича туғиш ёшидаги аёлларнинг 60 %дан кўпроғи турли хил касалликларга, чалингани ва уларнинг 80 %и туғруқ олдида даволаниши лозимлиги ҳисобга олинса, бу масала янада чуқурлашади.<sup>334</sup>

Фарғона шаҳрида 50 минг туғиш ёшидаги аёллардан 50 %дан ортиғи турли ички касалликларга чалинган. Асосан аёлларнинг 20 %

камқонлик, 10 % юрак ва кон-томир касалликлари, 20 % ошқозон-ичак касалликлари билан хасталанган.<sup>335</sup>

Тўртинчидан, Фарғона водийси шаҳарларида агроф-мухитга чиқарилаётган, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли чиқиндилар миқдори юқорилигича қолган эди. Натижада, аҳоли ўртасида сил, кон айланиш, суяк, мускул системаси, буйрак, тери ва сарик касалликлари тобора кўпайиб борган.<sup>336</sup>

Кўрсатиб ўтилган бу камчиликларга қарамасдан, умуман, мустақилликнинг дастлабки беш йилида Фарғона водийси шаҳарларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маиший турмуш, соғлиқни сақлаш соҳаларида салмоқли натижаларга эришилди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоялашга, нафақахўрлар, фахрийларга имтиёзлар бериш, уларнинг яшаш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизимида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам аҳолига яқин турувчи маҳалла кенгаши томонидан бериладиган бўлди. Бу масалада шаҳарларда жойлашган қорхона ва ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

1991-1996 йилларда кам даромадли аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан бир қаторда ижтимоий соҳанинг асосий таркибий қисмини ташкил этувчи аҳолининг маиший турмуш даражасини ошириш, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини оширишга ҳам катта эътибор берилди.

### 3.3. Ўтиш даврида таълим, кадрлар тайёрлаш тизимидаги дастлабки ислохотлар ва уларнинг натижалари

Муस्ताқил Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларининг ечими таълим-тарбия жараёни, жумладан, кадрлар сиёсати билан ўзаро чамбарчасдир. Мамлакатимизнинг бугунги таракқиёти фуқароларимизда юртимизнинг иқтисодий ва маънавий

<sup>331</sup> ФШХ ЖА. Шаҳар соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича маълумот. Б. 7.

<sup>332</sup> Ўша жойда. Б. 8. АШХ ЖА. Андижон шаҳар ҳолатининг «Андижон шаҳрини экологик жиҳатдан соғломлаштиришнинг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги» Қарори. Б. 1.

<sup>333</sup> Қаранг: ФВХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI қақриқ XIV сессиясининг материаллари. 1994 йил 25 май. Б. 17-18; НШХ ЖА. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя қилуш бўлимининг 1995 йилда олиб борган ишлари юзасидан ахборот. Б. 3-13.

<sup>334</sup> Ўша жойда. Б. 6.

<sup>335</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида ахборот. Б. 3.

ривожни учун онгли равишда фаол иштирок этишга ундовчи билим, ижтимоий ва маънавий сифатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бошқача айтганда, бу тараққиёт давлатимиз ва миллатимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг интеллектуал, маънавий имкониятларининг юксак даражада юзага чиқишини, ривожини таъминловчи таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ярага олишимиз билан боғлиқ.

Истиқболнинг илк йилларидан мамлакат таълим тизимида мавжуд ҳолатнинг таҳлили шундан далолат берар эдики, кадрлар тайёрлаш жараёни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Чунончи, XX асрнинг сўнги йилларидан тобора авж олаётган глобаллашув жараёни ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон каби ёш давлатлар олдига жиддий муаммоларни қўйди. Ушбу муаммолар, биринчи навбатда, мамлакат интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши, яъни кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзгариши билан боғлиқ эди. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «таълим ислохоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жаmiят барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга ... аён бўлсинки, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартариш мумкин эмас»<sup>337</sup>.

Шунинг учун ҳам, республика раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб таълим соҳасига, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва энг муҳими, таълим тизимини ислоҳ қилишда энг мақбул, шароитимизга мос келадиган йўлни танлашимиз кун тартибидagi долзарб вазифалардан бири эди. Бунда таълим соҳасидаги мавжуд ҳолатни, эришилган даражани нафақат сақлаб қолиш, балки ўтиш даврида уни модернизациялаш бош вазифалардан бири ҳисобланар эди. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий

ривожланишнинг «ўзбек модели» туб ислохотлар жараёнида 1990-йилларнинг ўрталаридан мамлакат иқтисодиётида инкироздан чиқиш ва барқарор ривожланишга замин яратди. Натижада, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида, жумладан, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислохотлар жараёни чуқурлашди.

Шундай қилиб, таълим соҳасида Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошланган ислохотчилик жараёни, мутахассислар фикрига қараганда, халқаро миқёсда ва мамлакатимизда тўпланган таъриба таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг учта муқобил йўналиши мавжудлигидан далолат берарди. Биринчи йўналиш «мобилизациялашган йўналиш» деб аталиб, ёриб ўтиш стратегиясини назарда тутарди. Бу йўналиш таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлса-да, уни мамлакатдаги ички сисёий вазиятдан келиб чиқиб қўллаш қўтилган нагижани бермаслиги равшан эди. Чунки жаmiят бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида таълим ислохоти жараёнини жадаллаштиришга, моддий эҳтиёжлардан ташқари маънавий эҳтиёжлар учун ҳам маблағ ажратишдек қўшимча қийинчиликларни енгилга тайёр эмас эди. Бинобарин, таълим тизимининг фақат муҳим элементлари сақлаб қолинишини таъминлаб берувчи иккинчи, яъни «минимал» йўналишни танлаш ҳам жаmiят ривожига таҳдид солиши табиий эди. Қўллаб мамлакатларда синовдан ўтган ушбу стратегия таълим соҳасида миллий даражада тежаш сиёсатини қўллашни назарда тутарди. Шунингдек, бу йўналиш ижтимоий ривожланиш муаммоларининг ечимини топишда муддатини кечиктириш сиёсатини илгари сўриб, ўз олдига, биринчи навбатда, янги шароитга мослашишни инobatга олган, модернизациядан воз кечган консерватив йўналиш ҳисобланади. Демақ, бу йўналиш вақт ўтиши билан иқтисодий, ҳатто ижтимоий ҳаракатларнинг кўпайиши ва охир-оқибатда, мамлакат ҳаётида янги ларзаларнинг юзага келиши хавфини туғдирарди<sup>338</sup>.

Шунинг учун мустақил ривожланишнинг дастлабки босқичида таълим соҳасининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга,

<sup>337</sup> Каримов И. А. Биз келаётганимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. Т. 1. 1999. Б. 161.

<sup>338</sup> Курбанов Ш. Стратегия прорыва // Народное слово. 2000 год. 27 январь.

шунингдек, нафақат эришилган даражани сақлаб қолиш, балки уни модернизациялаш имкониятини яратиб беришга қаратилган, эҳтиёж ва талабларни қондира оладиган энг мақбул йўналиш танланди. Шундай қилиб, таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон йўли келишув йўналиши эмас, балки ривожланиш ва ўсиш, мувозанатни сақлашнинг янги йўллари қидириш имконини берувчи йўналиш сифатида эътироф этилди ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш сиёсатини босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.<sup>339</sup>

Умуман, ҳозирги давргача таълим соҳасида ўтказилган ислохотни иккита йirik босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич 1992 йил ўрталаридан 1997 йил ўрталаригача давом этди. Иккинчи босқич 1997 йил ўрталаридан бошланди.

**Биринчи босқич** 1992 йил ўрталаридан 1997 йил ўрталаригача давом этди. Бу босқичда таълим тизимидаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолган ҳолда, миллий таълим-тарбия тизимига асос солинди. Мухими шундаки, бу давр ичида таълим соҳасида янгиланиш жараёни кузатилиб кейинги босқич учун шарт-шароитлар яратилди. Бу борада қилинган дастлабки ишлар сирасига янги турдаги таълим муассасаларининг ташкил қилиниши, ёшларни чет элларда ўқишининг йўлга қўйилганлигини, лотин имлосига асосланган янги алифбони жорий этилганини, буюк кадриятларимиз ва маънавиятимиз асосида янги дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилганини, тест усули жорий этилганини ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Иккинчи босқич** 1997 йил ўрталаридан бошланди. Бу даврда таълим соҳасида бошланган ислохот олдинги давр таълим тизимидан ва ўша даврда ўтказилган ислохотлардан тубдан фарқ қилиб, тўлланган тажриба асосида мутлақо янги, ягона, узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Таълим соҳасидаги бу янгиланиш асосан, совет давридан қолган мафкуралашган таълим-тарбия сарқитларидан қутилишга, унинг миллий заминини мустақкамлашга, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, унинг моддий-техника

соҳасини замон талабларига мослаштиришга, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юқори малакали Миллий кадрлар тайёрлаш тизимига асос солишга қаратилди. Бу ислохотнинг муҳим жиҳати шундаки, кадрлар тайёрлашнинг мактабгача тарбиядан тортиб то мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малақасини оширишни ўз ичига қамраб олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини нужудга келтириш вазифасини кўйди.

Тадқиқотнинг хронологик даври 1991-1995 йилларни ўз ичига қамраб олганини ҳисобга олиб, эътиборни асосан таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичини ўрганишга қаратилди.

1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ЎЗР Қонун<sup>340</sup> таълим соҳасидаги ислохотнинг биринчи босқичини бошлаб берди. Унда миллий ет умуминсоний кадриятлар, халқимизнинг тарихий тажрибаси, фан соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, жамиятнинг истиқболдаги ривож ҳисобга олинган. Ушбу ҳужжат республикамизда миллий таълим тизимининг вужудга келишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур Қонун «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1993 йил 7 майдаги Қонунда янада такомиллаштирилди. Ушбу Қонунда «Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади»<sup>341</sup>, деб алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосан республикамизда умумий таълим уч, яъни бошланғич (I-IV синфлар), таянч (V-IX синфлар) ва ўрта (X-XI(XII) синфлар) босқичдан иборат бўлиб, бошланғич, таянч ва ўрта мактаб, гимназия ва лицейларда амалга оширилиши кўзда тутилди.<sup>342</sup>

Мустақиллик йилларида қабул қилинган янги қонун асосида мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизимини яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар бошлаб юборилди. У мактабгача тарбия,

<sup>339</sup> ЎЗР Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т. 1992. № 9. Б. 45-58.

<sup>341</sup> Ўша жойда. Т. 1993. № 6. Б. 175-176.

<sup>342</sup> Ўша жойда.

умумтаълим мактабидан ташқари таълим, хунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълим, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш тармоқларини ўзинига олди.

Умуман, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар икки йўналишда олиб борилди: биринчиси мавжуд умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасидан тортиб, таълим-тарбия ишларини, ўқув режалари ва услубларини янги тизимга солиш ва замон талаби асосида қайта қуриш бўлса, иккинчиси бутунлай янги турдаги таълим муассасаларини (лицей ва гимназияларни) ташкил қилишдан иборат бўлди.

Биринчи йўналиш бўйича республика, вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари томонидан бутунлай янги йўналишда мактабгача, бошланғич, таянч ва ўрта мактаблар учун ўқув режалари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, ўқитиш воситалари, айниқса, ўқитиш услубини қайта кўриб чиқиш ва замон талаби даражасида такомиллаштириш ишларини амалга оширишга киришилди.

Дастлаб асосий эътибор мактабгача тарбия тизимида туб ўзгаришлар қилишга қаратилди. «Мактабгача тарбия концепцияси», «Соғлом авлод учун» дастури, «Олти ёшли болаларни саводга ўргатиш концепцияси ва дастури» мактабгача тарбия муассасалари ишини янги йўналишга солишда муҳим омили бўлди.

Мактабгача тарбия тизимидаги ислохотлар Фарғона шаҳридаги 71 та доимий харақатдаги болалар боғчаларида тарбияланаётган 12374 нафар болани,<sup>343</sup> Наманган шаҳридаги 69 та болалар боғчасидаги 10500 нафар болани,<sup>344</sup> Андижон шаҳридаги 73 та болалар боғчасидаги 14 мингдан ортқ болаларни камраб олган эди.<sup>345</sup> Бу тарбия муассасаларининг асосий вазифалари болаларни мактабга ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг шахсий қобилиятларини шакллантиришдан иборат бўлди. Бу борада Наманган шаҳридаги 6, 15, 17, 65, 66-сонли болалар боғчаларида амалга оширилган ишлар диккатга сазовордир. Масалан, 1994-95

<sup>343</sup> ФШХ ЖА, Фарғона шаҳар ҳокимлигининг халқ таълими бўлимининг маълумотномаси, 1995, Б. 1.  
<sup>344</sup> НШХ ЖА, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995-1996 ўқув йилида амалга оширилган ишлари ҳисоботи, Б. 1.  
<sup>345</sup> АШХ ЖА, Андижон шаҳар фаоллари йиллигининг материаллари, 1995 йил 13 декабрь, Б. 1.

ўқув йилида 17-боғча қошидаги мусика йўналишига эга бўлган мактаб-боғчанинг биринчи синфига 24 та ўқувчи қабул қилинди. 1995-96 ўқув йилида эса 66-боғча қошида инглиз тилига мослаштирилган мактаб-боғча синфи ташкил қилиниб, унга боғча-мактаб низомига асосан болалар қабул қилинди.<sup>346</sup>

Боғча-мактабларнинг ташкил қилиниши муносабати билан боғчаларнинг барча мудиралари, тарбиячилари, мусика тарбиячилари учун мактабгача тарбия услубхонасида семинарлар, секцион ишлар, учрашувлар ва илғор тажрибаларни оммалаштириш ишлари амалга оширилди. Масалан, 30-болалар боғчасида мудиралар учун «Болаларни саводга ўргатиш» мавзусида, 43-болалар боғчасида «Ўйин фаолияти» мавзусида, 2-болалар боғчасида «Жисмоний тарбия ишлари» мавзусида йиғилишлар ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилди.<sup>347</sup> Бундан ташқари, услуб бирлашмаларида, боғчаларда миллий дастур талабларининг бажарилиши, ноанъанавий ва ўйин тарзида машғулотларни ташкил этиш усуллари ҳақида тажриба алмашилди. 32-болалар боғчасида «Болаларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш» мавзусида ўтказилган анжуман муҳим аҳамиятга эга бўлди.<sup>348</sup>

Умуман, Таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида Ўзбекистонда янги типдаги мактабгача тарбия муассасалари вужудга келди. «Хонадон боғчаси», «Мактаб боғчаси» шулар жумласидандир. 1997 йилда мамлакатда фаолият кўрсатаётган турли хилдаги мактабгача тарбия муассасаларида 1 миллиондан ортқ болаларга 110 минга яқин мураббийлар тарбия бердилар. Уларда кичкинтойлар саводини чиқаришга, уларга хорижий тилларни, миллий хунармандчилик сирларини, компьютер илмини ўргатишга, миллий қадриятларга асосланган тарбия беришга асосий эътибор берилди.

Таълим ҳақидаги Қонун асосида бошланган ислохотлар бутун республикада бўлганидек, Фарғона водийси шаҳарларидаги барча умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим

<sup>346</sup> НШХ ЖА, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йилда амалга оширилган ишлари ҳисоботи, Б. 7.  
<sup>347</sup> НШХ ЖА, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йилда амалга оширилган ишлари ҳисоботи, Б. 7.  
<sup>348</sup> Ушв жойида, Б. 8.

муассасаларини ҳам камраб олди. Дастлабки даврда халқ таълими муассасалари олдида энг кийин ва мураккаб вазифа — дарсликлар масаласи турар эди. Чунки янги ўқув дастурлари ва дарсликларини ишлаб чиқиш таълим сифатини тубдан яхшилашда асосий мезон бўлиши табиий эди.

Маълумки, мустабид тузум даврида мактаб дарсликлари, айниқса, тарих, адабиёт, ўзбек тили ва бошқа гуманитар соҳадаги дарсликлар ва қўлланмалар ўта сиёсийлаштирилган ва сохталаштирилган бўлиб, уларни мустақиллик талаби даражасида қайтадан ёзиш, улар учун ажратилган дарс соатларини кўриб чиқиш зарур эди. Жумладан, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши (1989 йил октябрь) натижасида халқ таълими мактабларида ўзбек тилини ўқитишга бўлган муносабат ўзгариб, мустақиллик талаби даражасида дастлабки янги дарслик ва ўқув режаси нашр этилди. 1994 йилда ЎзР Фа Тарих институти олимлари томонидан умумтаълим мактабларининг 5, 6, 7, 8, 9-синфлари учун «Ўзбекистон тарихи» дарслик ва қўлланмалари нашр қилинди.

Лекин халқ таълими мактаблари учун ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тайёрланган дастлабки дарсликлар ҳали совет тузуми ғояларидан ҳолос бўлмагани, бир қатор масалаларда эса эскича ёндашув, эскича талқин сезилиб турарди, мураккаб илмий тилда ёзилгани сабабли уларни ўзлаштириш ўқувчиларда қийинчилик туғдирган эди.

Шу муносабат билан таълим соҳасидаги ислохотларнинг дастлабки йилларида халқ таълимининг республика, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари қошида услубхоналар фаолиятини жонланштириш ва такомиллаштириш масаласига катта эътибор берилди. Чунки ислохотлар таълим муассасаларига таълим-тарбия соҳаларида услубий жиҳатдан ёрдам беришни тақозо қилар эди. Таълим бўлимларининг услубхоналари томонидан турли фан соҳалари бўйича мактабларда амалий семинарлар ўтказиш йўли билан ёрдам кўрсатдилар. Амалий семинар ўтказишга мактабларнинг илғор, тажрибали ўқитувчилари жалб қилинди. Масалан, Наманган шаҳар халқ таълими услубхонаси 1995 йилда 25 та фан шўъбаси аъзолари

иштирокида шаҳардаги 32 та мактабда ҳаракатдаги семинар ўтказилиб, уларда дарс беришда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, айрим мураккаб мавзуларни ўтиш тажрибалари, шунингдек, фан янгиликлари оммалаштирилди<sup>349</sup>. Шу йилнинг ўзида шаҳар халқ таълими услубхонаси томонидан 17 та дарс ишланмалари, услубий тавсияномалар ишлаб чиқилиб, мактабларга етказилди<sup>350</sup>.

Шунингдек, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимида ҳам ижодкор, изланувчан ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш ишлари кенг йўлга қўйилди. 1993 йилда шаҳар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг 20 га яқин дастур ва дарсликлари нашрга таёрланди.<sup>351</sup> Шаҳар халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган услубхона эса ўз фаолиятини ўқитувчиларнинг услубий тайёрларини яхшилашга, ўқув жараёнини такомиллаштиришга қаратди. Шу мақсадда 1994-95 йиллар давомида семинарлар, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ва кўргазмалар куруллар кўриклари ўтказилиб келинди<sup>352</sup>.

1995 йилда Наманган шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган кўргазмалар куруллар кўрик танловида 25, 37, 41-мактаб ўқитувчиларидан М.Холиқов, Н.Кўчқоров, Р.Нуриддинов эски ўзбек ёзуви фани бўйича танловда иштирок этган. М.Холиқов эса Республика кўрик танловида қатнашиб, унинг танловга тақдим этган кўргазмалар курули оммавий нусхада нашр этишга тавсия этилди.<sup>353</sup> Умуман, ўқув жараёнида кўргазмалар куруллардан кенг фойдаланиш ва уларни янада такомиллаштириш, биринчидан, берилаётган билимни яхши ўзлаштиришда муҳим омил бўлса, иккинчидан, таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарали бўлишида ёрдам беради.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида водий шаҳарларидаги барча мактабларда компьютер саводхонлиги, яъни мактабларда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари

<sup>349</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар ҳокимлигининг фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш бўлимининг 1995 йил фаолияти юзасидан ахбороти. Б. 5.

<sup>350</sup> Уш а жойда.

<sup>351</sup> ФШХ ЖА. Фарғона шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий соҳалар бўйича маълумоти (1991-1996 йиллар). Б. 1.

<sup>352</sup> ФШХ ЖА. Фарғона шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий соҳалар бўйича маълумоти (1991-1996 йиллар).

<sup>353</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар ҳокимлигининг фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш бўлимининг 1995 йил фаолияти юзасидан ахбороти. Б. 5.

фанини ўқитиш жорий қилинди. Бунинг учун Фарғона водий шаҳарларидаги кўпчилик мактаблар компьютерлар бил таъминланди. Масалан, 1995 йилда Андижон шаҳридаги мавжуд та мактабнинг 17 тасида компьютер хоналари ташкил этилган. Биргина Наманган шаҳар мактабларида 34 та турли марказда компьютерлар ишлатилмоқда. Шу билан бирга, шаҳардаги 4-ўқ ишлаб чиқариш комбинатида компьютер билан таъминланган мактаблар учун «Компьютер маркази» ташкил этилиб, унда мактабларнинг график асосида фойдаланиши йўлга қўйилди.<sup>355</sup>

Ўқув жараёнида компьютерни қўллаш натижасида республика телерадиокомпанияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлиги ўтказилган иқтидорли ёшларни танлаш «Компьютер — шиф телевизияон кўрик танловида Наманган шаҳридаги 7 ва мактабларнинг ўқувчиларидан ташкил топган «Винчестер командаси вилоят ва республика танловида ғолиб чиққан эди»<sup>356</sup>

Шунингдек, мустақиллик муносабати билан республика жаътаълими мактабларида хорижий тилларни ўрганишни яхшилаш қатга эътибор берилди. Водий шаҳарларидаги ҳар бир мактаб малакали чет тили ўқитувчилари билан таъминланиши билан қаторда тил ўрганишнинг бошқа воситалари ҳам қўлланила бошла. Масалан, Наманган шаҳрида 1995 йилда «Тил ўргатиш» маркази ташкил этилди. Марказга хорижий тилларга қизиққан иқтидор ёшлар танлов асосида инглиз, немис, француз тилларини ўрган бўйича олинди, уларга сабоқ берилди.<sup>357</sup> Шунини алоҳида таъкидла жоизки, таълим ҳақидаги Қонунга биноан таълим муассасаларини ўқув режалари, таълим шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш эркинлик берилгани муҳим янгиллик эди. Уларда иқтисод алифба иқтисодий билим асослари, инсон ҳуқуқлари, маънавият ва маъри асослари каби фанлар ўқитиладиган бўлди. Бозор иқтисодига ў шароитида болалар онига тадбиркорлик ва ишбилармонлик синдириш мақсадида 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб водий

<sup>355</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар фойдаланишнинг материаллари. 1995 йил 13 декабрь. Б. 1.

<sup>356</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар ҳокимлигининг фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва иқтисодий ҳалол қилиш бўлимининг 1995 йил фойдаги танловдан ахбороти. Б. 6.

<sup>357</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг маълумотномаси. 1995. Б. 5. Ўша жойда. Б. 2.

Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Асака, Қува ва бошқа бир инча шаҳар мактабларида банк ходимлари тайёрловчи синфлар инчил қилиниб, унга умумтаълим мактабларининг 9-синфини интирган ёшларни танлов асосида қабул қилиш йўлга қўйилди.

Умумий ўрта таълимни ислох қилиш натижасида мамлакатда инчим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар ва синфлар тармоғи инчоиланиб борди. Масалан, Фарғона шаҳридаги 9, 13, 22, 26-сонли мактабларининг бошланғич синфларида,<sup>358</sup> Андижон шаҳридаги мактабларнинг 6 тасида жадаллаштирилган дастур асосида ўқитиш инчил қилинди.<sup>359</sup> Умуман, республика бўйича 1991 йилда турли синфлар чуқур ўрганиладиган мактаблар сони 799 тани ташкил қилган бўлса, уларнинг сони 1997 йил бошларида келиб 10 баробарга яқин ордиди. Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимининг янада инчиллашувида ёрдам берди.

Ёшларда ахлоқий баркамолликни тарбиялаш мақсадида Фарғона синфлар ҳокимлиги томонидан «Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини инчиллаштириш концепцияси» ишлаб чиқилди.<sup>360</sup> Концепцияга асосан маҳалла қўмиталари боғча, мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар билан ҳамкорликда ёшлар тарбиясига эътибор қилиндилар. Водий шаҳарларидаги мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда, ўқув юртлиларида маҳсу «Одбоннома» мураси ўқитиш жорий этилди. Наманган шаҳрида 1995 йилда ўқитилган илмий анжуман ўқувчи ёшларни ахлоқ-одобга ўргатиш мақсадида «Одбоннома» дарсларининг ўтилиши муҳим аҳамиятга эга қилини, айниқса, тарбияси қийин ўқувчиларнинг ога-оналари билан унинг алоқалар ўрнатишда яхши натижалар бераётгани алоҳида инчиллашди.<sup>361</sup>

1994 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инча ёзувига асосланган Ўзбек алифбосини муҳокама қилиб инчуқилди. Шунга асосан ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 16 инчиди «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш

НШХ ЖА. Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг маълумотномаси. 1995. Б. 1.

НШХ ЖА. Андижон шаҳар халқ таълими бўлимининг маълумотномаси. 1996. Б. 1.

НШХ ЖА. Фарғона шаҳар ҳокимлиги халқ таълим бўлимининг маълумотномаси. 1994-95 йиллар. Б. 3. Ўша жойда.

тўғрисида» Қонун<sup>362</sup> қабул қилди. Ушбу қонунни ҳаётга тадбиқ этиш борасида Фарғона водийси шаҳарларида қисқа вақт ичида самарали ишлар қилинди. 1994-1995 йиллар давомида водий шаҳарларида марказий ва вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошида ташкил этилган қайта тайёрлов курсларида мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, бошланғич синф ва она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ўқитилди. Биргина Фарғона вилоятида ана шу даврда 5728 нафар бошланғич, 1558 нафар мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, 4028 нафар ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари қайта тайёрловдан ўтдилар. Бу умумий педагог ходимларнинг 80 %ни ташкил қилган эди<sup>363</sup>. Натихада, пухта тайёргарликдан сўнг 1996-97 ўқув йилидан бошлаб 1-синфларда ўқиш лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида олиб борилди.

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг дастлабки муҳим натижаларидан бири ўқитувчилар билимини синида анъанавий усуллар билан бир қаторда тест синовларидан ўтказиш тизими кенгрок қўллана бошлади. Имтиҳонларни тест синови асосида компьютер орқали ўтказиш республика Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 6 апрелдаги қарори асосида<sup>364</sup> барча вилоят, шаҳар, туманларнинг дастлаб бир қатор мактабларида ўтказилди. Масалан, Фарғона шаҳрида дастлабки тест синовлари шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли 1, 6, 10, 27-сонли мактабларида ҳамда умумтехника лицейида ўтказилди.<sup>364</sup> Наманган шаҳридаги 5, 31, 37-сонли ўрта мактабларда ва 1995-96 ўқув йилининг битирув имтиҳонлари (ёзма имтиҳондан ташқари) тест асосида компьютерда топирилди<sup>366</sup>. Мактабларда имтиҳонларни тест синови асосида компьютер орқали ўтказиш, биринчи галдаёқ, ўзининг афзал эканини кўрсатди.

<sup>362</sup> Ў.Р. Олий Қонуннинг ахборотномаси. Т. 1993. № 9. Б. 61-63.

<sup>363</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг 1996-97 ўқув йилига тайёргарлик кўриш борасидаги маълумотномаси Б. 4-5.

<sup>364</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг 1994-95 ўқув йилида амалга оширган ишлари ҳақида маълумотнома. Б. 1.

<sup>365</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг 1994-95 ўқув йилида амалга оширган ишлари ҳақида маълумотнома. Б. 1.

<sup>366</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995-96 ўқув йили учун ҳисоботи Б. 3.

Ўқувчиларнинг билим савиясини аниқлашда ўзининг яхши самарасини бераётган фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадалар ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олимпиадаларни минтакавий ва республика миқёсида ўтказиш мустақиллик йилларида одат тусига кирди. Шуниси аҳамқатлики, олимпиада ғолиблари ихтисослиги мос келадиган олий ўқув юртларига тест имтиҳонларисиз қабул қилинадиган бўлди. Масалан, 1994-95 ўқув йилида Фарғона шаҳридаги 24-мактаб ўқувчиси Виктория Дворяшина, Маргилон шаҳридаги иқтидорли болалар мактаби ўқувчиси Муқаддас Эргашева республика олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади ва олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинди<sup>367</sup>. Шунингдек, Андижон шаҳар мактабларининг 11 синф ўқувчилари 1996 йил март ойида ўтказилган Республика фан олимпиадаларида қатнашиб, улардақ фахрли ўрин олган 4 нафари синов имтиҳонларисиз олий ўқув юртларида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритдилар<sup>368</sup>. Республика халқ таълими мактабларда ўқитиш ва синов жараёнларида олимпиада каби усулни қўлланиши ўқувчи ёшларни изланувчан бўлиш, уларнинг билим савиясини оширишда ва айниқса, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга келажакда тўғри йўлни танлашларида ёрдам берди.

Лекин бу ютуқлар ҳали дастлабки қадамлар бўлиб, муаммолар, камчиликлар эса талайгина эди. Жумладан, Андижон шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли 46 мактабдан 16 та мактаб бинноси талабга жавоб бермас эди. Шаҳардаги 19 та умумтаълим мактаблари 1-сменада, 29 та мактаб эса икки сменада ишлашга мажбур бўлди. Бир қатор мактаб ва боғчаларнинг моддий-техника базаси ночорлигича қолган. Энг муҳим муаммолардан яна бири, шаҳар мактабларида табиий ва гуманитар фанлар бўйича 1000 дан орტიқ ўқитувчиларнинг етишмаслиги эди<sup>369</sup>. Наманган шаҳар халқ таълими мактабларида инглиз, немис, она тили, адабиёт, тарих, ҳуқук,

<sup>367</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг 1994-95 ўқув йили учун маълумотномаси. Б. 1.

<sup>368</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар халқ таълими бўлимининг 1996 йил учун маълумотга. Б. 3.

<sup>369</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар фаоллари йиғинидаги материаллари. 1995 йил 13 декабрь. Б. 1-2.

жисмоний тарбия фанлари ўқувчилари етишмаслиги сабабли 1995 йилнинг I чорагида 273 соатдан ортик дарс ўтилмаган<sup>370</sup>.

Фаргона шаҳар халқ таълими мактабларида кадрлар қўнимсизлиги мавжуд бўлиб, 1992-1994 йиллар давомида шаҳар халқ таълими бўлимида 3 марта мудир янгиланди. Шунингдек, мактабларда ҳам турли сабаблар билан раҳбарлар алмашиб турган. Масалан, 1992 йилда 9 та, 1993 йилда 7 та, 1994 йилнинг биринчи ярмида 7 та мактаб директорлари алмаштирилган. Педагог ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳам талайгина камчиликлар кузатилди<sup>371</sup>.

Дарҳақиқат, бу камчиликлар ислохотнинг умумий жараёнини тўхтата олмади. Чунки ислохотларнинг дастлабки bosқичида қисман бўлса-да, халқ таълими соҳасида жонланиш кўзга ташланди. Аввалги тузум давридаги бир хиллик ва сиёсий андозалардан озод қилинди, ўқиш жараёнида турли ноанъанавий усуллар қўллашга имкон яратилди. Таълимга демократия, эркинлик, инсонпарварлик, миллий қадриятлар каби янги ноанъанавий тамойиллар кириб келиши кузатилди. Таълим тизимидаги ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири янги турдаги муассасаларни, яъни лицей ва гимназияларни ташкил қилиш бўлди. Таълим тўғрисидаги Қонунда таъкидланганидек, янги турдаги таълим муассасалари келажакдаги асосий таълим масканлари бўлиб қолади. Чунки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрни, йўли билан танилиб бораётган Ўзбекистон тараққиётини янги турдаги таълим муассасаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Қонунга биноан 1992 йили Шаҳрихон шаҳрида ташкил қилинган 2-сонли кимё-биология фанларига ихтисослаштирилган лицей Фаргона водийсидаги янги ўқув масканларининг тўнгичи эди<sup>372</sup>. 1992-1996 йиллар давомида Андижон вилояти шаҳарларида иқтидорли ёшлар учун 25 та лицей ва 21 та гимназия очилди. Уларда дастлабки даврда 7085 нафар иқтидорли ўқувчилар танлов асосида

сиралаб олиниб, тахсил олдилар.<sup>373</sup> 1992-1993 ўқув йилининг ўзида Фаргона шаҳрида иқтидорли болалар учун умумтехника ва математика ихтисосликлари бўйича 2 та лицей ташкил этилди. Шунингдек, шаҳар ҳокимлигининг қарори билан шаҳардаги 27-умумтаълим мактаби тиббиёт ихтисослигига мослаштирилган лицейга айлантирилди. 1996 йилда вилоятда жами 26 та гимназия ва лицейлар иқтидорли ўқувчиларга таълим берди<sup>374</sup>.

Наманган шаҳрида эса физика-математика ихтисослиги бўйича лицей, мактабгача тарбия техникумида очилган қизлар лицейи ва гимназия фаолият кўрсатди. Алоҳида ва махсус фан йўналишлари бўйича лицейлар билан бир қаторда водий шаҳарларидаги умумтаълим мактаблари қошида ҳам лицей синфлар ташкил қилинди. Бундай синф-лицейлар Наманган шаҳридаги мавжуд 44 та мактабларнинг 12 тасида<sup>375</sup>, Фаргона шаҳридаги мавжуд 37 умумтаълим мактабларининг 4 тасида фаолият кўрсатди<sup>376</sup>.

Лицей ва гимназиялар замонавий биноларга жойлаштирилди, улар компютер, ҳисоблаш машиналари, лингафон, видеомагнитофон, телевизор каби техника ва кўрғазмалар куруллар билан таъминланди. Ўқув режасидаги тажрибаларни ўтказиш учун етарли жиҳозлашган лабораториялар ва бошқа кулайликлар яратилди. Энг муҳими, лицейларда яқка тартибда суҳбаг-мунозара услубида ўқитиш, асосий фанлар дарсларида ўқувчиларни бўлиб ўқитиш жорий қилинди.

Ўрганилган даврда янги турдаги таълим муассасаси бўлган лицейлар билан бир қаторда республикада гимназиялар ҳам ташкил топа бошлаган эди. Масалан, Андижон шаҳридаги 1-гимназия, Фаргона шаҳридаги жаҳон тиллари гимназияси, Чортоқ шаҳрида 2 ва 5-ўрта мактаблар қошида ташкил қилинган гимназия синфлари шулар жумласидандир<sup>377</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этиш борасида орттирилган тажриба, янги

<sup>373</sup> Андижоннома, 1996 йил 15 август.

<sup>374</sup> ФШХ ЖА, Фаргона шаҳар халқ таълими бўлимининг маълумотномаси, 1995 Б. 1.

<sup>375</sup> НШХ ЖА, Наманган шаҳар халқ таълими ходимлари август кенешининг қарори, 1996 йил 23 август, Б. 1.

<sup>376</sup> ФВХ ЖА, Фаргона вилоят таълими бошқармасининг 1994-95 ўқув йили ҳақидаги маълумотномаси, Б. 1.

<sup>377</sup> Фаргона халқмати, 1997 йил 27 август; Наманган халқмати, 1992 йил 1 сентябрь; Андижоннома, 1996 йил 27 сентябрь.

<sup>370</sup> НШХ ЖА, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йил учун ҳисоботи, Б. 4.

<sup>371</sup> ФШХ ЖА, Фаргона шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йил маълумотномаси, Б. 4.

<sup>372</sup> Зиекор, 1995 йил 3 ноябрь; 1996 йил 15 сентябрь; Андижоннома, 1996 йил 17 сентябрь.

ташқил этилган лицей ва гимназиялар фаолиятининг дастлабки якунлари ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз лицей ва гимназияларининг аниқ мақоми ишлаб чиқилди. ЎЗР Вазирилари Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги қарори билан «Лицей тўғрисидаги Низом» ва 1995 йил 21 ноябрдаги қарори билан «Гимназия тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.

Бу низомларнинг ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши орқали гимназия билан лицей, лицей билан мактабларда айрим фанларни чуқур ўргатадиган синфлар ўртасидаги фарқ аниқ белгиланди. Уларнинг қабул қилиниши янги турдаги таълим муассасалари ташқил этиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Натижада, Андижон вилоятида янги турдаги ўқув муассасалари ишини мувофиқлаштириш ва иқтидорли ўқувчиларга чуқур билим беришни таъминлаштириш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида 1993-94 ўқув йилидан бошлаб янги турдаги ўқув муассасалари раҳбарларининг вилоят кенгаши ташқил этилди. Бу кенгаш ўз иш режаси ва дастурига эга бўлиб, мунтазам равишда ойда бир марта лицей ва гимназиялар базасида очик дарслар, семинарлар ўтказиб, илғор тажрибаларни оммалаштириб борди<sup>378</sup>.

Бундан ташқари республикада биринчи бўлиб Хонобод шаҳрида иқтидорли ўқувчиларнинг вилоят маркази ташқил этилди. Бу масканда йил – ўн икки ой мобайнида иқтидорли ўқувчиларнинг ўқиши давом этиши кўзланган. Марказда туман, шаҳар ва вилоят олимпиадаси ғолиблари ҳамда турли фанлар бўйича тест синовлари орқали марказга қабул қилинган ўқувчилар ҳам хордиқ чиқарашди, ҳам ўзларининг билим доираларини кенгайтириб бориши назарда тутилган<sup>379</sup>.

Мустақиллик барча соҳаларда бўлганидек, таълимда ҳам хорижий мамлакатлар билан кенг кўламли ҳамкорлик қилишга имкониятлар очиб берди. Фикримизнинг далили сифатида водий шаҳарларида ташқил этилган ўзбек-турк лицейларини мисол қилиб келтириш мумкин. Булар жумласига 1992 йилда Наманган шаҳрида

<sup>378</sup> Ўзбекиор. 1996 йил 15 август.

<sup>379</sup> Андижоннома. 1995 йил 1 сентябрь. Ушш жойда. 1996 йил 13 сентябрь.

очилган эркалар лицейини. 1993 йилда Кўкон шаҳрида иш бошлаган иқтисод лицейини ва Фарғона шаҳрида ташқил қилинган эркалар лицейини киритиш мумкин. Қисқа муддат ичида бу янги турдаги ўқув масканида ўқишни истаган ўқувчилар сони ортиб борди. Биргина Кўкондаги иқтисод лицейининг 1996-1997 ўқув йилига қабул даврида ҳар бир ўринга 36-тадан даъвогар тўғри келди. Лицейда инглиз, турк тиллари чуқур ўргатилиб, 1-курс давомида талабалар эркин гаплаша олиш даражасига етдилар. Лицейни битирувчиларга диплом ва 5 та ихтисослик бўйича сертификатлар ҳам берилиб, улар таржимонлик қилишлари, бухгалтерия ва маркетинг соҳасида ишлашлари, қўшма корхоналарда фаолият кўрсатишлари рухсат этилди.

Лицейда билим беришнинг кўп балли рейтинг усулининг қўлланилиши, ҳар ўн беш кунда ўтқидиган кичик имтихонлар ҳамда фанлар бўйича ўтиладиган дастур асосидаги кагга имтихонлар ва синовлар чуқур ўзлаштириш имконини берди. Математика фанидан Анқара шаҳрида ўтказилган 30 га яқин давлат закиллари катнашган жаҳон олимпиадаси баҳсларида Ўзбекистон Республикаси вакиллари фахрли учинчи ўринни олиб, бронза медалини кўлга киритдилар. Уларнинг орасида мазкур лицей талабалари Азиз Солиев ва Рашид Абдуллаев ҳамда Фарғона шаҳридаги эркалар лицейи ўқувчиси Иқбол Ортиқов ҳам бўлган эди<sup>380</sup>.

Умуман олганда, мустақилликнинг дастлабки 5 йилида Фарғона водийси шаҳарларида 40 та лицей ва 25 та гимназия ташқил қилинди. Ваҳоланки, 1991 йилда водий шаҳарларида янги турдаги таълим муассасаларидан фақат 2 та лицей мавжуд эди, холос<sup>381</sup>.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, истиқлолнинг дастлабки йилларида водий шаҳарлари умумий ўрта мактаб тизимида бир қатор янги турдаги ўқув муассасалари ташқил қилиниб, уларнинг фаолияти таъминлаштирилди, ўқитишнинг ноанъавий турларидан

<sup>380</sup> ФВХ ЖА. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI чакриқ XIII сессиясининг материаллари. 1993 йил 25 декабрь. Б. 4; Фарғона хақиқати. 1996 йил 3 октябрь.

<sup>381</sup> ЎзР МСВ ЖА. Статистика Давлат департаменти томонидан 27.07.1998 берган №14-06-02-117 маълумотномасидан. Б. 4-5.

фойдаланилди, янги дастурлар амалда жорий қилинди ва юқори натижаларга эришилди.

Янги турдаги ўқув муассаларининг қўлга киритган ютуқларига мисол тариқасида лицейларни битириб чиққан ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига муваффақиятли кирганликларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Фарғонадаги биринчи химия-биологияга ихтисослашган лицейни 1995-96 ўқув йилидаги 55 нафар битирувчилардан 53 нафари олий ўқув юрти талабаси бўлди<sup>382</sup>, 1993-1996 йиллар давомида Андижондаги лицейни битирган ўқувчиларнинг 90-95 % вилоят ва республика олий ўқув юртларидаги тест синовларидан муваффақиятли ўтдилар<sup>383</sup>.

Наманган шаҳридаги лицей ва гимназияларнинг битирувчиларидан кўпчилиги олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлдилар<sup>384</sup>. Туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган олимпиядалар совриндорларининг аксарияти ҳам лицей ва гимназия ўқувчилари эди. Оддий умумтаълим мактабларида эса бу кўрсаткичнинг бутунлай аксини кўриш мумкин. Бу далиллар таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида юзага келган янги турдаги ўқув муассасаларининг жамиятимизга муваффақиятли кириб келаётгани ва бу янги билим масканлари халқимиз, айниқса, ўқувчи-ёшлар томонидан яхши кутиб олинганининг ифодаси эди.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, таълим ислох қилиниши давомида нафақат янги турдаги ўқув муассасалари ташкил қилиниши билан бирга, таълимнинг бошқарув ишларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, айниқса, ўқув муассасаларининг аҳолини батафсил таҳлил қилиб бериш, уларга ҳолисона баҳо бериш, яхши натижаларга эришган ўқув масканларини рағбатлантириш каби ишлар ҳам амалга оширилди. Масалан, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимида 1994 йилдан бошлаб барча ўқув муассасалари фаолиятини 15 та кўрсаткич бўйича диагностика таҳлилдан ўтказиш тажрибаси қўлланила бошлади. Бунда янги

<sup>382</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти бошқармасининг 1995-96 ўқув йили бўйича маълумотномаси, Б. 3.  
<sup>383</sup> Зикор, 1996 йил 15 август.

<sup>384</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлимининг 1995 йилги фаолияти юзасидан ахбороти, Б. 3.

гипдаги мактаблар ташкил этишдан бошлаб, ўқувчиларни 1-10-синфларга тортишгача, фан олимпиядалари, педагогик ўқиш иштирокидан тортиб, битирувчиларнинг олийгоҳларга киришигача бўлган барча кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Диагностика таҳлил натижасига кўра барча йўналиш бўйича Намангандаги умумтаълим мактаблари ўртасида 1994-95 ўқув йилида биринчи ўринни 7-мактаб жамоаси, иккинчи ўринни 31-мактаб жамоаси, учинчи ўринни 6-мактаб жамоаси қўлга киритди<sup>385</sup>.

Бу муҳим тажриба Фарғона водийси шаҳарларидаги мактабларигагина эмас, балки бутун республикага ҳам ёйила бошлади. Водий вилоятлари ва шаҳар мактабларида олиб борилётган бундай ижодкорлик ет изланишлар халқ таълими вазириликда маъқуланиб, 1996 йилда Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги 3-лицейда «Янги турдаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимини диагностика таҳлил қилиш орқали таълим муассасасини бошқаришни такомиллаштириш» мавзусида Республика семинари ўтказилди<sup>386</sup>. Семинар бу тажрибани оммалаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Бирок янги турдаги ўқув муассасаларининг юзага келиш жараёнида бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Чунончи, таълим тўғрисидаги қонунни бажаришда вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари лицей ва гимназиялар ташкил қилишда микдор ортидан қувиб, уларнинг сифатига эътибор қаратмади. Натижанда, қатор лицей ва гимназиялар яроқсиз биноларда, зарурий моддий-техник баъзасига эга бўлмаган ҳолда ташкил қилинди ва кутилган натижа бермади.

Бундан ташқари, лицей ва гимназияларга ўқувчи ва ўқитувчиларни танлашда юзаки ёндашилди. Натижанда, бир қанча лицей ва гимназия битирувчиларининг билим савияси паст даражада бўлгани аниқланди. Масалан, 1994-95 ўқув йилини тамомлаган Фарғона шаҳридаги лицей, гимназия ва мактаб ўқувчилари

<sup>385</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йилда амалга оширган ишлари ҳамда ҳисоботи, Б. 3.

<sup>386</sup> АШХ ЖА. Андижон вилоят халқ таълими бўлимининг 1992-1996 йилларда амалга оширган ишлари ҳақида маълумот, Б. 3.

республика олий ўқув юртларига кириш учун топширган тест синовларининг диагностика тахлилидан. битирувчилар математика, физика, она тили ва адабиёти фанларидан паст балга эга бўлганлиги маълум бўлди.<sup>387</sup>

Шунингдек, Андижондаги лицей ва гимназиялар фаолиятини 1995-96 ўқув йилининг натижалари бўйича тахлил қиладиган бўлсак, 25 та лицейда билим олаётган 2704 нафар ўқувчидан 415 нафари ёки 15,3 %и, 21 та гимназияда таълим олаётган 4381 нафар ўқувчидан 487 нафари ёки 11,1 %и – «уч» ва «тўрт» баҳоларга ўқиган. Баъзи лицейларда бу кўрсаткич 20 %дан 33 %гача бўлган.<sup>388</sup> Лицей ва гимназия ўқувчиларининг бундай билим даражаси оддий умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан айтарли фарк қилмас эди.

Ислохотлар жараёнида бу каби камчиликлар бўлиши табиий эди. Чунки республика таълим соҳаси учун бутунлай янги бўлган бу ўқув муассасаларининг ташкил қилиш соҳасида тажриба етишмас эди. Шу билан бирга, лицей ва гимназия шаклидаги янги ўқув масканлари ислохотларнинг биринчи босқичида изланишлар, жaxon тажрибаларини ўрганиш асосида яратилди ва ўрганилган даврнинг охирига келиб ўзини оқлай бошлади.

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан мактаб ўқитувчиларига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам, ислохотларнинг дастлабки босқичидан ўқитувчиларнинг билимига, ташаббускорлигига, изланувчанлигига алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, уларнинг малакасини ошириш учун олий ўқув юртлари қошида фанлар бўйича махсус курслар ташкил қилинди. Биргина Наманган шаҳридан 1995 йилда 61 нафар ўқитувчи 8 фан соҳаси бўйича ўзларининг малакаларини оширди.<sup>389</sup>

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савиясини яхшилаш, уларнинг обрўсини кўтариш, истеъдодли ва ижодий мураббийларни аниқлаш мақсадида турли кўрик-танловлари ўтказиб турилди. 1994-1995 ўқув йилида ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида Кўкон шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мафзузахон Раҳимова голиб чиқиб, Республика кўрик-танловида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.<sup>390</sup> 1995 йилда Наманган шаҳрида ўтказилган «Ўқитувчи-95» кўрик-танловида 5-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Маъсудахон Розикова голиб деб топилди.<sup>391</sup> 1996 йилда Андижонда бўлган кўрик танловда шаҳардаги 57-боғча тарбиячиси Шаҳодат Расулова «Йил тарбиячиси» голиби бўлди.<sup>392</sup> Бундай кўрик-танловлар республика мактаб ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларини ўз устидарида ишлашга, билим даражасини оширишга, айниқса янгиликка интилишга ва изланишга ўргатди. Бу таълим тизимини ислох қилиш даврида муҳим аҳамиятга эга эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мактаб ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор берди ва бу борада бир қатор қарор, фармойишлар қабул қилди. 1991-1996 йил давомида ҳукумат қарорлари билан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ойлик иш ҳаглари бир неча бор оширилди. ЎЗР Президентининг педагог ходимларни ижтимоий маиший ҳимоя қилиш, шaroитларини яхшилаш ҳақидаги фармониغا биноан барча турдаги ўқитувчи ва тарбиячиларга давлат уйлари хусусийлаштирилди. Биргина Наманган шаҳри халқ таълими мактабларининг 4166 нафар педагог ходимлардан 1163 тасига давлат уйлари хусусийлаштирилди. Хусусий уй қуриш учун 350 нафар ўқитувчига ер участкалари, 56 нафар педагог ходимга банк орқали ссуда берилди. 4166 нафар ўқитувчи коммунал хизматларга ҳақ тўлашда имтиёزلардан фойдаланди.<sup>393</sup>

Халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва давлат ташкilotлари билан бир қаторда нодавлат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес корхоналари ҳам ёрдам бердилар. Булар жумласига «УзДЭУ» автoзаводи, «А.Хўжа» кичик корхонасини киритиш

<sup>387</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилояти халқ таълими бўлимининг 1995-96 ўқув йили учун ҳисоботи. Б. 6.

<sup>388</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йилдаги фаолияти ҳақида маълумот. Б. 4.

<sup>389</sup> АШХ ЖА. Андижон вилоят халқ таълими бўлимининг 1996 йилги маълумотномаси. Б. 5.

<sup>390</sup> НШХ ЖА. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йилги ҳисоботи. Б. 7.

мумкин<sup>394</sup>. Янги мактаблар куриш ва эскиларини таъмирлашда ҳам нодавлат корхоналари якиндан ёрдам берди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хунар таълими тизими ҳам ислох қилина бошланди. Чунки хунар билим юртлари ишчи кадрларни тайёрлашда салмоғи билан ажралиб туради. Айниқса, меҳнат ресурслари ортқча бўлган Фарғона водийсида хунар таълим тизимини ривожлантириш ижтимоий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Муस्ताқилликнинг дастлабки йилларида, иқтисодий кийинчиликка қарамасдан, водий вилоятлари ва шаҳарларида мавжуд хунар-техника билим юртлари сақлаб қолинди ва янгилари ташкил қилинди. Агар 1991 йилда Фарғона водийси вилоятларида хунар билим юртларининг сони 63 та бўлган бўлса, 1996 йилга келиб 65 тага етди. Булардан 28 таси водий шаҳарларида бўлиб, Андижон вилояти шаҳарларида 11 та, Наманган вилояти шаҳарларида 9 та, Фарғона вилояти шаҳарларида 8 та хунар-техника билим юртлари фаолият кўрсатди<sup>395</sup>.

Таълим тўғрисидаги қонунга асосан водий шаҳарларида ўрта махсус таълим йўналиши бўйича бизнес мактаблари, кичик ва ўрта мактаблар учун касб-хунар курслари очилди, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислар (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва менежмент ва х.з.) тайёрлашга киришилди. Айнан шу даврда Андижонда банк коллежи ташкил қилинди<sup>396</sup>.

Лекин совет даврида ташкил қилинган бу хунар-техника билим юртлари ночор аҳволда бўлиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Қаримов хунар-техника билим юртларига баҳо берар экан, шундай деган эди: «Уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараганда, моддий-техника базасининг ночорлиги, улар бераётган билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи-ўқитувчилар малакасининг

<sup>394</sup> АШХ ЖА. Андижон вилояти халқ таълими бўлимининг 1996 йилги маълумоти. Б. 4.  
<sup>395</sup> Ўзбекистон Республикаси. Биологик хилма-хилликни сақлаш... Б. 66.  
<sup>396</sup> Қурбонов Ш. ва бошқалар. Баркамол авлод орзуи... Б. 11.

шаклиги, бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги барчамиз учун аниқ бўлиши керак, деб ўйлайман»<sup>397</sup>.

Шунинг учун ҳам, Фарғона водийси шаҳарларида ўрта махсус таълим тизими ва ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган янги турдаги ўқув юртларини ташкил қилиш, мавжуд ўқув юртларининг моддий-техника базасини, ўқув йўналиши ва ихтисослигини тубдан янгилаш борасида илк тажрибалар ўтказилди. Масалан, 1994-1995 ўқув йилига келиб Фарғона вилояти шаҳарларидаги мавжуд хунар-техника билим юртларининг кўпчилиги и миллий хунармандчилик сир-асорларини ўрганишга йўналтирилди. Маргилон шаҳридаги 5-хунар билим юрти негизида миллий хунармандчилик лицейи ташкил қилинди<sup>398</sup>.

1996-97 ўқув йилига келиб Фарғона вилояти ва шаҳарларида 45 та хунар билим юртлари фаолият кўрсатди. Уларда 21 мингдан зиёд ўқувчилар 80 дан ортқ касблар бўйича таълим олар эди. Шунингдек, вилоят ва шаҳарлардаги 15 та хунар билим юрти негизида 12 та хунар лицейи ва 3 та бизнес мактаби ташкил қилинди. Уларда касб-хунарга ўргатиш энгил саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, курилиш ва бошқа миллий хунармандчилик йўналишлари бўйича амалга оширилди. Хунар-лицей ва бизнес мактабларида 1759 нафар ўқувчилар «Кичик бизнес ҳисобчиси», «Менеджер», «Референт» касблари бўйича таълим олди<sup>399</sup>.

Янги ташкил қилинган хунар лицейлари ва бизнес-мактабларининг моддий-техника базасини мустақамлаш мақсадида Андижон вилояти шаҳарларидаги ҳар бир хунар лицейи ва бизнес мактабига бир комплектдан компьютерлар ва касса аппаратлари берилди. Шунингдек, янги ўқув масканларида махсус ўқув маслаҳат хоналари, тадбиркорлик марказлари ташкил қилинди. Йўналиши ўзгартирилган билим юртларнинг ўқитувчи-ишлаб чиқариш таълими усталари «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари» бўйича

<sup>397</sup> Қаримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тарққиёт йўлида. Т. 6. Т. 1998

<sup>398</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилоят халқ таълими бўлимининг 1994-95 ўқув йили учун маълумотномаси. Б. 6.

<sup>399</sup> ФВХ ЖА. Фарғона вилоят халқ таълими бўлимининг 1996-97 йили учун маълумотномаси. Б. 3.

Кўкон давлат педагогика институтида 3 ойлик курсда малака оширди.<sup>400</sup>

Водий шахарларида хунар-лицей ва бизнес-мактаблари билан бир қаторда хунар-техника билим юртлари негизида илк коллежлар ҳам ташкил қилинди. 1993-1996 йиллар давомида водий вилоятларида 23 та коллеж ташкил қилиниб, шулардан 16 таси водий шахарлари хиссасига тўғри келди.<sup>401</sup>

Шу билан бирга, мустақилликнинг дастлабки йилларида хунар-техника билим юртларини ислох қилиш борасида қилинган ишлар замонавий талабга жавоб бермаган ҳамда уоларнинг фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланди. Масалан, хунар-техника билим юртлари негизида юзага келган янги ўқув масканлари кўп ҳолларда шовша-шошарлик, етарли моддий-техника ва молиявий имкониятларга эга бўлмасдан ташкил қилинди. Янги йўналишдаги ўқув масканлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрланмади. Ўқув юртларининг номи ўзгаргани билан педагог ходимлар эса эскича билим, эски ўқув воситалари билан қолди. Буларнинг барчаси хунар-техника таълим тизимида туб ўзгаришларнинг янада самарали бўлишига таъсир қилмай қўймади.

Олий таълим, кадрлар тайёрлаш тизимида асосий бўйин бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шариотида уни тубдан қайта қуришни талаб қиларди. Чунки совет ҳукумати миллий кадрлар тайёрлаш масаласида бир томонлама сиёсат олиб бориб, давлат аҳамиятига эга ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган мутахассислар етиштирадиган ўқув муассасалари асосан марказда жамланган эди. Натижада, нафақат Ўзбекистон, шунингдек, Ўрта Осиё минтақасидан бу даргоҳларга санокли вакиллар қабул қилинган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин ноёб ихтисосга эга мутахассисларга бўлган эҳтиёж орта бошлади. Шу муносабат билан, мустақилликнинг дастлабки куниданоқ халқ таълим тизими билан бир қаторда олий таълим тизимини ҳам ислох қилишга киришилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги

<sup>400</sup> АШХ ЖА. Андижон вилояти халқ таълими бўлимининг 1996 йилдаги фаолияти бўйича маълумоти. Б. 3

<sup>401</sup> ЎЗР МСВ ЖА. Статистика Давлат департаментининг 27.07.1998 йил берган №14-06-02-117 маълумотномаси Б. 2.

Конуни асосида ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Олий таълим ислохоти» дастурини ишлаб чиқди. Дастурга биноан бир қатор ўқув юртларининг мақоми, йўналиши, дастурлари ва ўқитиш услублари ўзгартирилди. Шу вақтга қадар мавжуд бўлмаган муҳим ихтисосликлар бўйича махсус олий ўқув юртлари, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Авиация институту, Тоғ-кон институту каби ўнлаб янги ўқув масканлари ташкил этилди. 1991 йил февраль ойида Фарғона давлат университетини, май ойида Наманган саноат-технология институтини ташкил этиш ҳақида ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Президентнинг 1992 йил 28 февралдаги «Республикада янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони билан 8 та вилоят педагогика институтлари, шу жумладан, Андижон, Наманган педагогика институтларига университет мақоми берилди. Шунингдек, фармонга биноан Андижон иқтисодиёт ва бoshқарув институту, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институту, Фарғона политехника институтининг Кўкон филиали, Тошкент давлат техника университетининг Фарғона филиали ташкил қилинди.

Бу олий ўқув юртларининг асосий вазифаси мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига малакали, бозор иқтисодиёти шариотида самарали ишлаш оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат қилиб белгиланди. Лекин биргина олий ўқув юртлари сонини кўпайтириш, уларда янги мутахассисликлар очиб билан замонавий мутахассислар тайёрлаб бўлмас эди. Бунинг учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалар қабул қилишининг янги тартибини жорий қилиш талаб этиларди. Бу борада жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибалари ўрганилди ва ниҳоят, 1993 йил 5 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига абитуриентларни тест усулида танлаш тўғрисида»га қарори қабул қилинди.<sup>402</sup> Қарорга биноан жойларда тест усулида ўқувчиларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш ишларини

<sup>402</sup> Тюринков В., Шагулямов Р. Независимая Республика Узбекистан... С. 73.

мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиялари тузилди. Масалан, Наманган шаҳар ҳокимлигининг 1995 йил 3 июлдаги қарори билан шаҳарда жойлашган ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига абитуриентларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш мақсадида ҳокимлик вакиллари, халқ депутатлари, корхона ва ташкилотлар вакиллари билан ҳар бири 6 кишидан иборат ишчи комиссиялари тузилди. Бу комиссиялар олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида тест синовларини топшириш ниятида келган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун зарур шароитларни яратиб берди.

Тест синовларининг жорий қилиниши билан Олий ўқув юртлирига талабалар қабул қилишнинг бутунлай янги адолатли тизими вужудга келди. Тест синовларининг муҳим хусусиятларидан бири республиканинг қайси ҳудудларида ўқувчилар қайси фанлардан паст балл олганини, қайси фанлардан ўқувчилар бўш ўқитилганини кўрсатиб бериши бўлди. Масалан, 1995 йилги Олий ўқув юртлирига кириш учун топширилган тест синовларининг диагностика тахлили Фарғона вилоятининг 1994-95 ўқув йили битирувчилари математика, физика, она тили ва адабиёти каби фанлардан паст балл олгани маълум бўлди<sup>403</sup>. Бу тахлиллар асосида вилоят, шаҳар халқ таълими бўлимлари, мактабларда, ўқув режаларга зарурий ўзгаришлар киритиш ва шу асосда ўқув жараёнини яхшилаш имконини берди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим хусусиятларидан бири олий таълимнинг иккинчи даражасидаги курс талабаларига ўтказилишидир. 1992-93 ўқув йилидан режаси асосида билим берилма бошлади. Улар 4 йил ўқиб, соҳа бўйича умумий олий маълумотга эга бўладилар ва бакалавр даражасини олади.

Олий таълимнинг иккинчи даражасида эса иктидорли талабалар яна иккинчи йил ўқиб, аниқ соҳа бўйича махсус олий маълумотга эга бўладилар, фан ёки мутахассислик бўйича магистр даражасини олиши кўзланган. Магистрлик даражасини олиш учун 6 йил ўқиб

<sup>403</sup> ФВХЖА. Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасининг 1994-95 йилги фаолияти ҳақида маълумотнома. Б. 3.

кўзда тутилди. Икки поғонали ўқиш тизимига ўтиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Низом ва Дастурлар ишлаб чиқилди.

Олий таълим ислохотининг яна муҳим хусусиятларидан бири уни гуманитарлаштиришдан иборат эди. Гуманитар таълимга ўтиш мутахассислар тайёрлашнинг ажралмас қисми сифатида қаралди. Таълимни гуманитарлаштиришдаги дастлабки қадам уни партиявий мафкурадан холи қилишдан бошланди. Талабаларга замон талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон тарихини, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни чуқурроқ сингдиришга асосий эътибор қаратилди. Институтларда ижтимоий-гуманитар фанлар, биринчи навбатда, Ўзбекистон тарихи кафедралари ташкил этилди. Шунингдек, барча турдаги мактабларда Ўзбекистон тарихини чуқур ўқитиш бошланди. Натижада, тарихий билимлар ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақилликнинг қадрига етиш руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнади.

1992 йил 22 августда «Ўзбекистон ўқув юртлирида ҳар йили 1 сентябр «Мустақиллик куни»ни ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармони<sup>404</sup> эълон қилинди. Фармонда мактаблар ва олий ўқув юртлирида мустақиллик кунининг кенг нишонланиши ва таълим муассасаларида бу санага бағишлаб махсус дарслар ўтказилиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ҳуқумати ёшларни ижтимоий қафолатлаш, уларнинг ўқиши, эркин ижод қилиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган ўзининг истиқболли сиёсатини олиб борди. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти ва ҳуқуматининг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Булар орасида Президентнинг 1993 йил 5 февралда қабул қилган «Ўзбекистонда ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги Фармони»<sup>405</sup> алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Фармонга биноан аъло ўқийтган талабалар ва аспирантлар учун ЎЗР Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилди. Натижада, ёшларда ўқишга ва илм билан шуғулланишга бўлган рағбати орта бошлади, иктидорли ёшлар сафи кенгайиб борди. Замонавий

<sup>404</sup> Тоғриқов В., Шатулламов Р. Независимая Республика Узбекистан. С. 46.  
<sup>405</sup> Ушга жойда. С. 73.

мутахассисликларни егаллашга, айниқса, чет тилларини ўрганишга бўлган эҳтиёж, хорижий мамлакатлар олий ўқув юр்தларига ўқишга бўлган интилиш тобора ортиб борди. Республиканинг халқаро алоқалари кенгайиб бориши натижасида ўқувчиларга ҳукуматлараро битимлар бўйича хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юр்தларида билим олиш имконияти туғилди. Ислохотларнинг дастлабки йилларида республика бўйича 2 мингдан ортиқ ёшлар чет элларда ўқиб келишди.<sup>406</sup> Бундан ташқари, ҳар йили республика мида умумтаълим мактабларининг тест синовларидан ўтган 50 дан зиёд ўқувчилари АКСЕЛС дастури асосида АҚШга ўқишга юбориладиган бўлди. 1995 йилда Фарғона вилоятидан 6 нафар иқтидорли ўқувчи АКСЕЛС орқали АҚШ мактабларида ўқиган эди.<sup>407</sup> 1996 йилда эса Андижондан 3 нафар аълочи ўқувчилар Америка мактабларида инглиз тилида тахсил олди.<sup>408</sup> Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ 1990 йилларнинг ўрталарига қадар таълим соҳасида ислохотлар амалга оширилган бўлса-да, замонавий ва тараққий этган давлатлар таълими даражасидан орқада қолиш, халқ таълими, махсус хунар таълими ва Олий таълим ўртасида узвийлик йўқлиги яққол сезила бошлади. Бу ҳақда Ислон Каримов 1997 йил 30 апрелда Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида шундай деди: «Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирлар иш топа олмай, ишга жойлаша олмай овра бўлиб юрибди... 9-синфини битирувчилар 455 минг кишини ташқил этади. Уларнинг 250 мингга яқини 10 синфда ўқишни давом эттиради... 100 мингтаси махсус ўқув юр்தларида касб ўрганар экан. Қолган 100 мингдан ортиқ ўсмир кўчада қоляпти»<sup>409</sup>.

Ислон Каримов тасвирлаб берган бу аҳволни Фарғона водийси вилоятлари ва шаҳарларида кузатиш мумкин. Масалан, 1993-94 ўқув йилларида Фарғона шаҳар мактабларининг 9-синфини 2387 нафар

ўқувчи битирган бўлиб, улардан 165 нафари ҳеч қаерда ишламаган ва ўқимаган<sup>410</sup>.

Шунингдек, 1995-96 ўқув йилида Наманган шаҳар мактабларининг 9-синфини 5634 ўқувчи тамомлаб, улардан 3000 нафари 10-синфда ўқишни давом эттиришга, 800 нафари шаҳардаги хунар-техника билим юр்தларига, 500 нафари турли соҳадаги курсларга, ишлаб чиқариш ёшлар мактабларига кириб ўқишни давом эттирдилар. 1334 нафар ўқувчининг тақдири эса номаълум қолган<sup>411</sup>. Худди шунингдек, 11 синфни тамомлаган кўпчилик ўқувчиларнинг ҳам тақдири билан ҳеч қим қизиқмаган. Масалан, 1995 йили Наманган шаҳридаги мактабларнинг 11-синфини тамомлаган 1854 нафар ўқувчидан 187 таси Олий ўқув юр்தларига, 176 нафари ўрта махсус билим юр்தларига кирган, қолган 1491 нафар ўқувчининг тақдири маълум эмас. 1996 йилда эса 11-синфни 1008 нафар ўқувчи тамомлаган бўлиб, улардан 735 нафари турли олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларига ўқишга кирган, қолган 273 нафар ўқувчи қандай ижтимоий ҳаёт кечираётгани номаълум бўлган<sup>412</sup>.

1996 йилда Андижон вилояти ва шаҳар мактабларининг 11-синфини 16710 нафар ёшлар битирган бўлса, улардан фақат 6429 нафари (битирганларни 20%дан кўпроғи) турли олий, ўрта махсус ўқув ва хунар билим юр்தларига ўқишга кирган, холос. Қолган 10281 нафар ёшларнинг ҳаёти ва фаолияти маҳаллий раҳбарлар эътиборидан четда қолган<sup>413</sup>.

Демак, 1991-1996 йиллар давомида Фарғона водийси шаҳарларидаги мактабларнинг 9 ва 11-синфларини битирган ва ҳаётда ўз ўрнини тополомаган минглаб ёшлар бусиз ҳам ижтимоий аҳволи (айниқса, ишсизлик масаласида) мураккаб бўлган Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий аҳволни янада мураккаблаштирди.

Шу боисдан ҳам, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Олий Мажлиси «Таълим тўғрисида» янги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш

<sup>406</sup> Курбонов Ш. ва бошқалар. Барқамол авлод орзуси... Б. 11.

<sup>407</sup> ФБХ ЖА. Фарғона вилоят халқ таълими бўлимининг 1994-95 ўқув йили учун маълумотномаси. Б. 2.

<sup>408</sup> АШХ ЖА. Андижон шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995-96 ўқув йили учун маълумотномаси. Б. 2.

<sup>409</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққийёт йўлида. Т. 6. Т. 1. 1998. Б. 11.

<sup>410</sup> ФШХ ЖА. Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг 1994-95 ўқув йили учун ҳисоботи. Б. 3-4.

<sup>411</sup> НШХ ЖА. Наманган вилоят халқ таълими бўлимининг 1995-96 йиллар давомида амалга оширган ишлари ҳақида маълумот. Б. 3.

<sup>412</sup> Ушш жойда.

<sup>413</sup> АШХ ЖА. Андижон вилоят халқ таълими бўлимининг 1995-96 йиллар давомида амалга оширган ишлари ҳақида маълумот. Б. 3.

Бўйича миллий дастур» қабул қилди. Қонунга биноан Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Янги қонунга асосан 9-синфни битирган ёшлар энди кўчаларда эмас, балки уч йиллик академик лицей ёки касб-хунар коллежларида республика иқтисодиёти учун бирон-бир мутахассис бўлиб етишадиган бўлди.

«Таълим тўғрисида»ги янги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг энг муҳим хусусияти ва 1992 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонундан фарқи шундаки, янги қонунда республикада узлуксиз таълим тизимиغا асос солинди. Узлуксиз таълим мактабгача таълим; бошланғич таълим (1-4 синфлар); умумий таълим (5-9 синфлар); ўрта махсус билим ва касб-хунар таълими (академик лицейлар, коллежлар); олий таълим (бакалаврлик (4 йил); магистратура (2 йил); аспирантура (3 йил); докторантура (3 йил) каби тизимларни ўз ичига олган бўлиб, республика ёшларини уч ёшдан бошлаб (аспирантура ва докторантура ни ҳисобга олмаганда) то 24-25 ёшгача ўқитиб, олий маълумотли ва яхши касб-хунар эгаси қилиб тарбиялашни ўз олдига қўйган. Янги қонуннинг муаммоларга бой Фарғона водийси вилоятлари ва шаҳарлари учун ижтимоий аҳамияти ҳам ана шунда.

Хулоса қилиб айтганда, 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосда соҳада ўтказилган дастлабки ислохотлар хато ва камчиликлар билан амалга оширилган бўлса-да, жамият онига мустаҳкам сингиб қолган собиқ совет таълим тизimini меросидан воз кечишда, муҳим тажрибалар ортиришда, айниқса, янги узлуксиз таълим тизimini барпо қилиш учун муҳим тарихий босқич бўлиб хизмат қилди.

Табийки, 1990 йиллар ўрталарига қадар ўтказилган ва атиги 5-6 йил давом илк босқич ислохотлари бир неча ўн йилликлар давомида шаклланган таълим тизimini тубдан ўзгартира олмас эди. Қолаверса, мамлакат иқтисодий салоҳияти ва молиявий имкониятлари чекланган даврда, динамик тарзда ўзгариб бораётган хозирги замон талаби даражасида таълим ҳамда кадрлар етиштирадиган тизimini барпо қилиш учун шароит ҳам етарли эмас эди.

Шунга қарамастан, вақт масофасидан баҳо берганда, 1997 йилга қадар мамлакат таълим тизимида ўтказилган ислохотлар даврини – тажриба ва синовларга бой бўлган давр деб баҳолаша бўлади. Буни Фарғона водийси шаҳарлари бошланғич, умум ўрта, касб-хунар ва олий таълим тизими мисолида ўтказилган таҳлил исботлади. Муҳими шундаки, таълим соҳасининг барча босқичларида ўтказилган тажрибалар иссиз кетмади, аксинча ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилиниб, 1997 йилдан бошланган ва кенг кўламли ташкил этилган ислохотлар учун пойдевор вазифасини бажарди.

## Х У Л О С А

Ўзбекистонда миллий мустақиллик эълон қилинган дастлабки кундан бошлаб жамиятнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказишда киришилди. Чунки жамият қанчалик тез янгиланса, шунчалик тез суръатларда режали иқтисодиётга асосланган совет даври асоратлари ва ижтимоий-иқтисодий тангликдан қутилиш, янги демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш, миллий кадриятлар ва маънавиятни тиклаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шарт-шароит яратилади. Бу муҳим ва зарурий вазифаларни амалга оширишда ўтиш даври — ислохотларнинг биринчи босқичи Ўзбекистон халқлари ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган босқич бўлди.

Ўтиш даврида, қисқа муддат ичида жамият тараққиётининг барча соҳаларида ҳал қилувчи ўзгаришлар содир бўлди: аввалги мафуралашган маъмурий-буйруқбозлик тизими асослари тугатилди; эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий пойдевори яратилди; давлат ва жамиятни бошқаришнинг янги тизими асос солинди; тарихий, миллий ва маънавий кадриятларнинг устуворлиги таъминланди; кишилар тафаккури ва ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Ислохотларнинг биринчи босқичда қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилгани мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида, сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланишида, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигининг таъминланишида, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ошганда ўз ифодасини топди.

Фарғона водийси шаҳарлари мисолида Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки босқичида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнини ўрганиш ва унинг таҳлили бизга қуйидагича ҳулосалар қилишга ёрдам берди:

1. Ўзбекистонда янги миллий давлатчиликни барпо қилиш, ижтимоий иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда амалга оширилган тадбирлар натижасида қўлга киритилган барча ютуқлар ва

бу борада халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти мустақилликнинг буюк кудрати туфайли юз берди. Чунки мустақил ва эркин тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда ўтиш даври борасида дастлабки тажрибага эга бўлинди. Ана шу тажриба ва мустақилликнинг илк йилларида асос солинган янги жамият пойдевори қўйинги йилларда мамлакатнинг барқарор ривожланишига мустаҳкам замин яратди.

2. Ўзбекистонда, шу жумладан, Фарғона водийси шаҳарларида 1991-1996 йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарали бўлишида Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида ўзига хос йўли ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этди. Бу борада Ўзбекистоннинг биринчи Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган беш тамойили бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнади. Беш тамойил асосида олиб борилган ислохотлар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан муваффақиятли боришини, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлади. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг ўзига хос бу йўлини дунё миқёсида «Ўзбек модели» сифатида тан олингани бўлди.

3. Миллий модельнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари (вилоятлар, шаҳарлар, туманлар) аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари, кадриятлари, маиший шароити ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди. Шошилмасдан, ҳар бир хусусият ва шарт-шароит эътиборга олиниб, босқичма-босқич амалга ошириш концепцияси жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бозор муносабатларига пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш тамойили нечоғли тўғри эканини ислохотларнинг дастлабки босқичида водий шаҳарларида юз берган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида эришилган натижалардан кўриш мумкин. «Биз эришган қувончли натижалар, — деган эди Ислом Каримов, — авваламбор, танлаган йўлимизнинг тўғрилигини исбот қилиб турибди»<sup>414</sup>.

<sup>414</sup> Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа. Т., 1998. Б. 8.

4. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичданок самарали бўлишида давлатнинг роли салмоқли бўлди. Бунга асосий сабаб давлатнинг ўзи бош ислохотчи сифатида майдонга чиқиши эди. Натижада, жамиятнинг барча бўғинларида бўлаётган ислохотлар тизимли, босқичма-босқич, аҳолининг айниқса кам таъминланган қисми, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан мунтазам химоя қилинди. Шунингдек, тадбиркорликнинг барча турлари давлат томонидан қафолатли қўллаб-қувватланди. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи бошқаришини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар давлат томонидан мақсадли инвестициялар билан таъминланди.

5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Фарғона водийси шаҳарлари яна бир бор ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва илмий-техникавий соҳаларда зиё тарқатувчи марказ эканини кўрсатди. Барча соҳаларда ислохотлар ва янгиланиш, даставвал, шаҳарларда амалга оширилди, сўнгра, уларнинг илғор тажрибалари республиканинг бошқа ҳудудларига жорий қилинди.

Ислохотларнинг дастлабки йилларида шаҳарлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ясашга, унинг бирёклама хомашёга йўналтирилганлигини бартараф этишга муваффақ бўлинди. Бунга, бир томондан, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига янги техника ва технологияларни жорий этиш ва иккинчи томондан, янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш йўли билан эришилди. Мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган чора-тадбирлар авваламбор халқ истеъмоли моллари ва ялпи sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилди. Уларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида совет даврида Фарғона водийсига четдан келтирилган халқ истеъмоли молларини шу ҳудуддаги sanoat корхоналарида ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб борди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида Қувасойда ойна ишлаб чиқариш заводи, Андижонда этил

спирти ишлаб чиқарувчи завод, Қўқон спирт ишлаб чиқариш биришмаси, Асакада автомобиль заводининг бунёд этилиши республикада sanoatнинг янги соҳалари мажмуини вужудга келтирди.

Ўтиш даврида Фарғона водийси шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларида вужудга келган ширкатлар хозирги кунга келиб йирик фирма ва корхоналарга айланди. Пойафзал ишлаб чиқариш, куриллиш-таъмирлаш, тикувчилик, савдо, хунармандчилик, минерал ресурсларни қайта ишлаш ва маиший хизмат соҳаларида тадбиркорлик кенг қулоч ёйди. Тадбиркорлик билан иш юритилиши натижасида минерал ресурсларни комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизими шаклланди. Миллий хунармандчилик — қосбчиликнинг турли соҳалари қайта тикланди ва ривожланди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири водий шаҳарларида бозор муносабатларининг асоси сифатида кўп укладли иқтисоднинг шакллантирилиши ва мулкчиликнинг турли шаклларининг юзага келиши бўлди. Бу жараён икки йўналишда: янги хусусий, ҳиссадорлик, жамоа ва бошқача шакллардаги корхоналарни барпо қилиш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш орқали амалга оширилди. Хусусийлаштириш жараёнининг қонуний асосларини яратиш мақсадида биргина 1994 йилда 100 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат ихтиёридаги мулк тури унинг янги эгасига фақат сотиш йўли билан ўтказилди. Бутун республикада бўлгани каби, водий шаҳарларида ҳам 1992-1993 йилларда кичик хусусийлаштириш, 1994 йилдан бошлаб «оммавий хусусийлаштириш» амалга оширилди. Ваучерланган хусусийлаштиришни четлаб ўтилиши, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган қўллаб мамлакатларда кузатилган ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши ҳамда корхоналарнинг касодга учраши каби ҳолатлар Ўзбекистонда олди олинди.

«Кичик хусусийлаштириш» даврида савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари давлат тасарруфидан

чиқарилди. Вужудга келган янги хусусий фирма ва бошқа тадбиркорлик тузилмалари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Оммавий хусусийлаштириш икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда давлат корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ёпик турдаги хиссадорлик жамиятлари очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Иккинчи босқичда хиссадорлик жамиятларига айланган корхоналар акцияларининг тегишли қисмлари меҳнат жамсаларига, юридик ва жисмоний шахсларга сотилди. Оммавий хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши натижасида Фарғона водийси шаҳарларида мулкчиликнинг хиссадорлик, жамоа, хусусий шакллари ва чет эл компаниялари билан ҳамкорликда аралаш корхоналар вужудга келди. Ўзбекистонда янги мулкдорлар тоифаси шаклланди.

Иқтисодий ислохотларнинг муҳим қирраларидан бири, чет эл сармояларининг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиниши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг самарали бўлиши учун муҳим омил бўлди. Натижада, кўплаб қўшма корхоналар ташкил қилинди. Австрия, Малайзия, Италия, Польша, Россия, Германия, Хитой, Америка, Жанубий Корея каби мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар шулар жумласидандир. Қўшма корхоналар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, дунё бозоридан муносиб ўрин эгаллашда халқ қилувчи восита бўлиб хизмат қилди. Бу ўринда Асака шахрида қисқа вақт ичида бунёд этилган, нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда автомобил ишлаб чиқариш соҳасида ягона ва тўнғич ҳисобланган «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасини алоҳида кўрсатиш жоиздир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистон учун бутунлай янги тизим бозор инфраструктураси асосларининг яратилиши бўлди. Бозор хўжалигининг асоси бўлган биржалар, уларнинг бўлимлари, брокерлик идоралари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи «Бизнес фонд»лари ва унинг бўлимлари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, унинг бўлимлари, бизнес-

инкубаторлар, қимматли қоғозлар бозори ва унга тааллуқли бўлган тузилмалар ташкил топди ҳамда самарали фаолият кўрсатмоқда. Натижада, 1997 йилга келиб Фарғона водийси шаҳарларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг ҳиссаси давлат секторига нисбатан салмоқли бўлди.

«Ўзбек модели»нинг ўзига хос муҳим хусусияти амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар кучли ижтимоий сиёсат билан биргаликда олиб борилишида эди. Айниқса, ўтиш даври билан боғлиқ объектив қийинчиликларга қарама-қарши, давлат аҳоли даромадларининг кескин қисқариши, унинг қашшоқлашишига йўл қўймади. Республикада, шунингдек, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган Фарғона водийси шаҳарларида кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Натижада, аҳолини ижтимоий химоялаш, ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, уларнинг маиший турмуш даражасини ошириш, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, янги тиббиёт масканларини қуриб ишга тушириш, «Соғлом авлод учун» аёллар ва болаларни соғломлаштириш ижтимоий ислохотларнинг дастлабки натижалари бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида шаҳарлар инфраструктурасида бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Шаҳарларда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилиди, миллий анъаналар билан суғорилган, шу билан бирга, замонавий кўрinishларга эга бўлган бинолар бунёд этилди. Спортни ривожлантириш мақсадида спортнинг турли соҳаларига тегишли янги спорт мажмуалари қурилди. Водий шаҳарларида бозорлар қурилиши ва уларнинг ривожланишига катта аҳамият берилди. Алоқа хизмати замон талаблари даражасига кўтарилди. Янги замонавий электрон станцияларнинг қурилиши, нуртолали кабелларнинг ўтказилиши, механик усулда ишлайдиган алоқа воситаларининг замонавий электрон жиҳозлар билан алмаштирилиши, уяли телефон

станцияларнинг ишга туширилиши шахарлар иқтисодиётини ва инфраструктурасини барқарорлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бозор муносабатларига асосланган янги жамият куришда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта куриш муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг (1992 й.) қабул қилиниши республикада таълимнинг барча соҳаларини ислох қилишни бўшлаб берди. Қонунга биноан, жаҳон талаблари даражасидаги билимлар асосида ўқитиш услублари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очилди. Натижада, янги турдаги таълим муассасалари: лицей, гимназия ва коллежлар вужудга келди, янги мутахассислар тайёрлаш учун олий ўқув юртлиари йўналишлари ўзгартирилди. Янгилари барпо қилинди. Олий ўқув юртлиарига киришда тест усули жорий қилинди.

Таълим мазмунини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг ноанъанавий усулларини яратиш бўйича илғор тажриба тўпланди. Ўқитишнинг рейтинг усули, табақалаштирилган таълим тизими, якка тартибда суҳбат-мунозара услубида ўқитиш каби таълим бериш усуллари кенг оммалашди. Таълим соҳасида хорижий мамлакатлар билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ислохотларнинг тақдирини, биринчи навбатда, кадрлар малакаси, улар зиммаларига юкланган маъсулиятни қай даражада ҳис этишлари, замон билан ҳамнафас қадам ташлай билишларига боғлиқ эканини ҳисобга олиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» янги Қонунни қабул қилди. Янги Қонун таълим соҳаси олдида узлуксиз таълим тизимини вужудга келтиришни, янгича фикрлайдиган, замонавий соҳаларни чуқур эгаллаган, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида юксак самара билан ишлай оладиган, илғор технологияларни биладиган ва уларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ эта оладиган мутахассислар тайёрлаш вазифасини қўйди.

Дарҳақиқат ижобий хулосалар билан бир қаторда ислохотлар натижасида юзага чиққан, ўтиш даврига хос муаммолар, камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни илмий жиҳатдан умумлаштириш ва

уларни бартараф қилиш борасида бир қатор тақлифлар бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикада бўлгани каби водий шахарлари аҳолисида ўтиш даври ижтимоий-психологик жараёнлар таъсири натижасида, одамларнинг онги, тафаккурида янги шароитга, ҳаётимизга кириб келаётган ўзгаришларга кўникма ҳосил қилиш жараёни кийин кечди, айниқса, аҳолининг ўрта ва катта ёшдаги қатламларида бу ҳолат яққол кўзга ташланди. Бунинг аянчли томони шундаки, кучли мафкуравий таъсирга эга бўлган «Совет СССР шароитида учдан зиёд авлод вакиллари нафақат хусусий мулкни тан олмайдиган ва мустақил ҳўжалик фаолияти сўникмаларини бермайдиган мафкуравий ақидалар асосида, балки устига-устиак, марказдан туриб тақсимлаш ғоялари, ижтимоий адолат тушунчаси ҳақидаги сохта тасавурлар асосида тарбияланган эдилар»<sup>415</sup>. Натижада, бозор иқтисоди ҳақидаги тасавурга эга бўлмаган аҳолининг ушбу қатламнинг айрим вакилларида журъатсизлик, боқимандалик кайфияти устун келиб, ундан халос бўлиш кийин кечди. Ана шундай ҳолатни айрим раҳбар ходимлар тоифасида ҳам учратиш мумкин. Бу эса ислохотларни жадал суръатлар билан олиб боришда, иқтисодиётнинг ривожланишида сунъий тўсиқларни вужудга келтирди.

Водий шахарларида жойлашган ишлаб чиқариш комплекслари, завод ва фабрикалари республикамыз санвати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Аммо шахарлар иқтисодининг асосини ташкил этувчи бу қорхоналарнинг ҳаммаси ҳам рақобатбардош, экспортбоб маҳсулотлар чиқара олмади, натижада, уларнинг молиявий шароити ёмонлашиб, йиллик режалар бажарилмай келинди. «Бу нуқсонларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, серхаражат, сифати паст, рақобатга чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски технологиялар мавжудлиги;

<sup>415</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўёғасида: хавфсизликка тақвдм, барқарорлик шарглари ва тараккият кафолатлари. Т. 1997. Б. 215.

**иккинчидан**, бозорни яхши билмаслик, корхоналарнинг маркетинг хизмати суст ишлаётгани, экспортга доир шартномалар пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан тузилгани;

**учинчидан**, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳамон сақланиб келаётгани. Бу номақбул ҳол корхоналарга ички бозорда ўз маҳсулотларини исталган нархда ва исталган ҳажмда сотиш имконини бермади. Натижада, экспорт ҳақида ҳеч ким бош қотирмади;

**тўртинчидан**, экспорт қилинаётган маҳсулотларимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатлари йўқлиги ва шунинг оқибатида уларни жаҳон нархларида сотиш қийинлиги»<sup>416</sup>.

Хусусийлаштирилган корхоналар хиссадорларида ҳақиқий мулкдорлик ҳисси ҳалигача пайдо бўлган эмас. Хусусийлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар, расмиятчилик, айрим ҳолларда бу жараённи собиқ совет тузуми давридаги ўхшаш «кампаниябозлик»ка айлантйрилиши натижасида акция эгаси бўлган меҳнат жамоаси аъзолари ўзини ҳақиқий мулкдор деб ҳис қила олмади. Бундан ташқари, хусусийлаштиришнинг кўплаб ижобий томонларидан, қатта фойда келтирувчи имкониятларидан ҳали тўлалигича фойдаланилмапти.

Бозор иқтисодиёти асосини ташкил қиладиган, хусусий сектор ҳам етарли даражада ривожланмади. Ўзбекистон иқтисоди учун зарур бўлган инвестицияларнинг асосий қисми бюджет ҳисобидан қопланди, ривожланган давлатларда эса хусусий сектор ҳисобига қопланади. Бу ижтимоий дастурларни амалга оширишда давлатимиз иқтисодий имкониятларининг чекланишига сабаб бўлди.

Фарғона водийси, хусусан, унинг шаҳарларида совет давридан мерос бўлиб қолган аҳоли ўртасида ишсизлик, экология масалалари ҳамон муаммолигича қолмоқда. Ўтиш даврида водий шаҳарларидаги демографик жараёндаги баъзи ижобий ўзгаришларга қарамасдан, меҳнат ресурсларининг ўсиши юқорилигича қолган ва йилга шаҳарларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўрта ҳисобда 2-2,5 %га ўсиб борди. Бундан ташқари, кишлоқдан шаҳарга ортиқча меҳнат

<sup>416</sup> Қаримов И.А. Барқарор тарвакётга эришиш — устувор вазифа. Т. 1998. Б. 25-26

ресурсларининг миграцияси кучайиши кузатилди. Шунингдек, давлат томонидан рўйхатга олинган ва норасмий (яширин) ишсизлик ўртасида тафовут мавжудлиги, ишсизликнинг орғиб бориши натижасида ёшларнинг турли экстремистик гуруҳларга қўшилиш ҳоллари кузатилди.

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, ўтиш даври кийинчилликлари ва собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган кўплаб муаммоларни эътиборга олиб, ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган қўйидаги тақлифлар берилди:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш ва аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш учун янги техника ва технологияга асосланган кичик ҳамда ўрта корхоналар ташкил этиш.

2. Шаҳар корхоналаридаги мавжуд «қариб» қолган ишлаб чиқариш ускуналарини янги, замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш. Корхоналарни қайта-жихозлаш учун давлат томонидан қўмақ бериш. Хусусий тадбиркорларни бу ишга жалб этиш.

3. Водийда саноатнинг енгил ва озик-овқат тармоқлари билан бир қаторда асбобсозлик, электроника, уй-рўзгор буюмлари, қурилиш материаллари каби тармоқларини ҳам жойлаштириш.

4. Янги қурилаётган кичик корхоналарни, шунингдек, кўшма корхоналарни, биринчи навбатда, аҳолиси зич кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштириш асосида қўшимча иш жойлари ташкил қилиш.

5. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида вужудга келган реаллик, яъни шаҳарларда стихияли тарзда пайдо бўлган мардикорлик бозорларини тартибга солиш, уларга замонавий тус бериш; мардикорлик бозорига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи сифатида қараб, мардикорликка келган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг

мавсумий меҳнати орқали топаётган даромадига солиқнинг энг паст даражасини белгилаш.

6. Республикада ислохотларнинг чуқурлашиши натижасида тобора ўсиб бораётган талабларни қондириш мақсадида давлат ихтиёридаги шифохоналар билан бир қаторда, бошқа мулк туридаги даволаш муассасаларини кўпайтириш ва бу соҳада пулли хизмат кўрсатишни оммалаштириш, уни тақомиллаштириб бориш.

7. Соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш, тиббиёт ходимларининг ойлик даромадларини ошириш ва бу соҳада тўлланиб келган муаммоларни хал этиш мақсадида босқичма-босқич тиббиёт суғуртасига ўтиш. Шунингдек, болалар, ҳомиладор аёллар, ёш болали аёллар, нафақахўрлар ва бошқа шу каби аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳларига суғурта фондидан бепул хизмат кўрсатиш.

8. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва пенсия таъминотида давлат монополиясидан воз кечиш ва бу соҳада давлат фаолиятини қисқартириш.

9. Таълим соҳасида ўз ишига ижодий ёндошган ўқитувчилар таърибасини оммалаштириш. Иқтидорли, ижодий ва таърибали ўқитувчиларга ҳақ тўлашда рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш. Шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловлар ҳамда олимпиада ғолибларининг ишларини мунтазам оммалаштириб бориш.

10. Ўқув муассасаларининг моддий таъминотини яхшилаш, таълим тизимини ривожлантириш ва ўқитиш сифатини ошириш мақсадида хусусий ва муаллифлик мактабларини ташкил қилиш, бу соҳага маҳаллий ва чет эл инвесторлари сармоясини жалб этиш учун солиқ тизимида бир қатор имтиёзлар яратиш. Шунингдек, таълим соҳасида халқаро алоқалар потенциалидан кенг фойдаланиш.

Бу тақлифларни амалга ошириш шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, меҳнат захиралари кўп бўлган Фарғона водийсида бандлик муаммосини хал этиш, ўрта ва кичик шаҳарларда саноат корхоналарини кўпайтириш, меҳнатсевар ўзбек халқи учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш,

иқтисодиётга замонавий мутахассис ва ишчи кадрлар тайёрлаб бериш каби масалаларини хал этишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, кенг иқтисодий ўзгаришларнинг босқичма-босқичли стратегияси мамлакат халқ хўжалигининг шаклланган структурасини тамомиле ўзгартиришга имкон берди. Шаҳарлар ишлаб чиқариш комплексида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг диверсификациясига қаратилган чоралар мажмуи рақобат даражаси юқори бўлган жаҳон хўжалиги ва боорига муносиб тарзда кириб бориши учун замин яратди.

Иқтисодий трансформация жараёнилари жамиятнинг ижтимоий-структурасида чуқур ўзгаришларга сабаб бўлди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг пешсаҳнасига янги ижтимоий гуруҳлар кўтарилди, аҳолининг маълум табақалари ўз ижтимоий мақомини ўзгартира бошлади — жамиятдаги ўрта табақа сонининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

## Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

### Р Ў Й Х А Т И

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИ

1. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш – устувор вазифа. Т., 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т., 7. Т., 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қаролатлари. Т., 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., 2011.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. I. Т., 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т., 1997.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРИ

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 1992 йил декабрь. Т., 1992.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1993 йил ноябрь. Т., 1993.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1991. № 1, 11.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1992. № 1, 2, 4, 9, 10.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1993. № 5, 6, 9.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1994. № 8-9.
15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: 1998.

#### АРХИВ МАНБАЛАРИ СТАЦИОНАР АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ

16. Андижон вилояти давлат архиви Ф. 608. Оп. 2., ед.хр. 2043.
17. Андижон вилояти давлат архиви. Ф. 608., Оп. 6., Ед.хр., 73.
18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги архиви. Оп. 1, ед. хр. 101.

#### ЖОРИЙ АРХИВЛАР АНДИЖОН ШАХАР ҲОКИМЛИГИ АРХИВИ

19. Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими. 1995 йил маълумотномаси.
20. Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими. 1996 йил учун маълумотномаси.
21. Андижон шаҳар фаоллари йиғилишининг материаллари. 1992 йил 17 июль.
22. Андижон шаҳар фаоллари йиғилишининг материаллари. 1993 йил 28 январь; 1995 йил 13 декабрь; 1995 йил 17 февраль.
23. Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири А.Ё.Абдурахмоновнинг шаҳар маорифчилари август конференциясига ҳисобот маърузаси. 1995.
24. Андижон шаҳар халқ таълими бўлимининг ахборотномаси. 1996.
25. Андижон шаҳар ҳокимининг «Андижон шаҳрини экологик жиҳатдан соғломлаштиришнинг ахволи ва уни яхшилаш чорадари тўғрисида»ги Қарори. 1995.

26. Андижон шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Президент Фармонларининг бажарилишини назорат қилиш ишчи комиссиясининг йиғилиш баёни. 1993 йил 12 июль.
27. Андижон шаҳри аҳолисига 1994 йилда тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида ахборот. 1994.
28. Иқтисодийetni мувофиқлаштириш ва статистика бўлими. Андижон шаҳри «Факт ва рақамларда». 1996.
29. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чақирик I сессиясининг материаллари. 1995 йил 6 январь.
30. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чақирик II сессиясининг материаллари. 1995 йил 8 июль.
31. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чақирик IV сессиясининг материаллари. 1995 йил 30 декабрь.
32. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши I чақирик V сессиясининг материаллари. 1996 йил 27 июль.
33. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши XXI чақирик XIV сессиясининг материаллари. 1993 йил 24 июнь.
34. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши XXI чақирик XVI сессиясининг материаллари. 1994 йил 30 октябрь.

### АСАКА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ АРХИВИ

35. Акционерное общество «ЎзДЭУ авто». 1996 г. октябрь.

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АРХИВИ

36. Наманган вилоят фаоллари йиғилишининг материаллари. 1994 йил 5 апрель; 1995 йил 9 август; 1995 йил 9 март.
37. Наманган вилоятыда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий таъминот соҳасида 1991-1995 йиллар ҳамда 1996 йил 6 ойида қилинган ишлар ҳақида маълумот.
38. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши I чақирик I сессиясининг материаллари. 1995 йил 5 январь.

39. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чақирик XIV сессиясининг материаллари. 1993 йил 25 декабрь.
40. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чақирик XVI сессиясининг материаллари. 1994 йил 16 декабрь.
41. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши XXI чақирик XIV сессиясининг материаллари. 1994 йил 17 май.

### НАМАНГАН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ АРХИВИ

42. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи.
43. Наманган шаҳар халқ таълими бўлимининг 1995-1996 ўқув йилида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи.
44. Наманган шаҳар халқ таълими ҳодимлари август кенгашининг Қарори. 1996 йил 23 август.
45. Наманган шаҳар ҳокимлиги ижтимоий таъминот бўлимининг маълумоти. 1996.
46. Наманган шаҳар ҳокимлигининг умумий бўлими берган маълумотномаси (1994-1996 йиллар).
47. Наманган шаҳар ҳокимлигининг фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг 1995 йилда олиб борган ишлари юзасидан ахбороти.
48. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг 1995 йилда олиб борган ишлари юзасидан ахбороти.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АРХИВИ

49. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси жорий архиви. Хусусийлаштириш. (1992-1996 йиллар).
50. Фарғона вилоят фаоллари йиғилишининг материаллари. 1995 йил 10 март; 1995 йил 12 июль; 1995 йил 27 январь; 1996 йил 28 апрель.

51. Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан кейинги 5 йилда амалга оширилган ижобий ишлар ҳақида маълумот. 1996.
52. Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармасининг 1994-1995 ўқув йилида амалга оширган ишлари ҳақида маълумотнома.
53. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг ўтган ўқув йили якунида ва 1996-1997 ўқув йилига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотнома.
54. Фарғона шаҳрида фан, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишларида олиб борилган ишлар хусусида маълумотнома (1991-1994 йиллар).
55. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши I чақириқ IV сессиясининг материаллари. 1995 йил 27 декабрь.
56. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI чақириқ XII сессиясининг материаллари. 1993 йил 25 май.
57. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI чақириқ XIII сессиясининг материаллари. 1993 йил 25 декабрь.
58. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI чақириқ XIV сессиясининг материаллари. 1994 йил 25 май.
59. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши XXI чақириқ XVI сессиясининг материаллари. 1994 йил 29 октябрь.

#### **ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ АРХИВИ**

60. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши XXI чақириқ XIII сессиясининг материаллари. 1993 йил 23 декабрь.
61. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши I чақириқ I сессиясининг материаллари. 1995 йил 9 январь.
62. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши I чақириқ II сессиясининг материаллари. 1995 йил 7 июль.
63. Фарғона шаҳар ҳокимлигининг халқ таълими бўлими маълумотномаси. 1994-1995 йиллар.
64. Шаҳар соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 1995 йил учун маълумот.

65. Фарғона шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий соҳалар бўйича маълумоти. (1991-1996 йиллар).
  66. Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши I чақириқ V сессиясининг материаллари. 1996 йил 28 июнь.
  67. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа муассасалари бўйича кейинги 3 йил ичида бажарилган ишлар бўйича маълумот. 1996.
  68. Шаҳар соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 1996 йил маълумоти.
  69. Фарғона шаҳар фаоллари йиғилишининг I-сон қарори. 1993 йил 5 март.
  70. Фарғона шаҳар фаоллари йиғилишининг материаллари. 1994 йил 29 июль; .
  71. Фарғона шаҳар фаоллари йиғилишининг материаллари. 1993 йил 12 август.
- МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИ  
СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ АРХИВИ**
72. Статистика Давлат департаментининг Жамлаштирувчи бўлими берган маълумотнома. 1999.
  73. Статистика Давлат департаменти томонидан 13.05.1998 й. берилган № 14-06-02-117 маълумотнома.
  74. Статистика Давлат департаменти томонидан 27.07.1998 й. берилган № 14-06-02-117а маълумотнома.

#### **СТАТИСТИК ТЎПЛАМЛАР ВА МАЪЛУМОТНОМАЛАР**

75. Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари 1990-1993 йиллар. Стат. тўплам. Андижон: 1994.
76. Бюджеты семей за I квартал 1992 г. / ГВЦ Госкомпрогнозстата РУз. Т., 1992.
77. Жилищный фонд Республики Узбекистан. 1996. Стат. сборник. Т., 1998.

78. Итоги всесоюзной переписи населения 1989 г. Численность и размещение населения УзССР. Госкомстат УзССР. Т., 1991.
79. Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1993 г. Статистический ежегодник. Т., 1994.
80. Народное хозяйство ССРСР в 1985 г. Стат. ежегодник. М., 1986.
81. Народное хозяйство ССРСР в 1988 г. Стат. ежегодник. М., 1989.
82. Народное хозяйство Узбекской ССРСР в 1990 г. Стат. ежегодник. Т., 1991.
83. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990–2010 гг.) и прогнозы на 2011–2015 гг. Статистический сборник. Т., 2011.
84. Социально-культурная сфера. (Бюро социологических исследований Госкомстата УзССР по статистике) / Мнение населения об актуальных вопросах. Т., 1990.
85. Узбекистан в цифрах. 1997. Стат. сборник. Т., 1998.
86. Узбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплам. Т., 1999.

#### ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

87. Ferghana Valley The Heart of Central Asia Edited by S. Frederick Staig M.E. Sharpe Armonk. New York London, England, 2011.
88. Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70–80-е годы XX в.): Автореф. Дисс. док... ист. наук. Т., 1994.
89. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. М., 1998.
90. Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). Т., 1990.
91. Бобонова Д. Узбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80 йиллар мисолида). Т., 1999.

92. Гурьев В.И. Основы социальной статистики: методы, система показателей, анализ. М., 1991.
93. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1998. Т.: Центр экономических исследований, 1998.
94. Зиядуллаев С.К. Прогнозирование экономического развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. Т., 1993.
95. Макасова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССРСР. Т., 1989.
96. Основы теории народонаселения / Под ред. Д.И.Валентея. М., 1986.
97. Рахматуллаев Ш.М. Муस्ताқиллик шароитида Фаргона vodiysi шахарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991–1996 йй). тарих фанлари номзоди... диссертацияси. Т., 2000.
98. Рахматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости. (1991–1996 гг.) Автореф. на соискание... канд. ист. наук. Т., 2000.
99. Тухлиев Н. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. Т., 1999.
100. Убайдуллаева Р.А. Современные репродуктивные установки населения Узбекистана // Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. Т., 2012.

#### ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ

101. Абдуллаев А. Экологические проблемы водопользования // Экономика и статистика. 1997. № 2.
102. Бабажанов Б. Ферганская долина: источник или жертва исламского Фундаментализма? // Россия и мусульманский мир. М., 1999.
103. Бедринцев А.К. Региональные факторы перехода Узбекской ССРСР к рыночной экономике // Общественные науки в Узбекистане. 1991. № 1.
104. Бобонова Д. Узбекистонда миллий ишчи кадрлар тайёрлаш тажрибасидан // Узбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. № 3–4.

СЎЗ БОШИ..... 3

I-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР.....9

II-БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА.....29

2.1. Ислохотлар стратегиясининг “Ўзбек модели”. Фарғона водийси шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари..... 29

2.2. Водий шаҳарларида янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши..... 46

2.3. Мулкчиликнинг турли шакллари ҳамда бозор инфраструктурасининг таркиб топиши..... 71

III-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ.....97

3.1. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона водийси шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-демографик ҳолати.....97

3.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида шаҳарлар аҳолисини ижтимоий химоялаш.....121

3.3. Ўтиш даврида таълим, кадрлар тайёрлаш тизимидаги дастлабки ислохотлар ва уларнинг натижалари.....145

ХУЛОСА.....176

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати...188

105. Зокиров С. Кичик шаҳарларнинг муаммолари (Андижон вилояти мисолида). // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 12.

106. Раҳимова Н., Шарипова Х. Безработные кто-почему? // Экономика и статистика. 1994. № 3.

107. Содиков А. Мехнат бозори: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. № 8.

108. Тўраев М. Тармоқ таракқиёти хавозалар каноти // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 9.

109. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. № 5.

110. Хусусийлаштириш рақам ва фактларда // Бозор, пул ва кредит. 1998. № 9.

111. Хожимирзаев М. Ўзбекистоннинг илчилар синфи: ривожланиш муаммолари // Инсон ва сиёсат. 1991. № 9.

112. Экономическое обозрение. Т., 2001. № 8–9.

#### ГАЗЕТАЛАР

113. Wall street journal. New York, 1997.

114. Андижоннома. (1991-1996 йиллар).

115. Зиёкор. (1995-1996 йиллар).

116. Ишонч. (1995-1996 йиллар).

117. Наманган ҳақиқати. (1992-1997 йиллар).

118. Народное слово. (1996, 2000 йиллар).

119. Правда Востока. (1988-1990 йиллар).

120. Совет Ўзбекистони. (1988-1990 йиллар).

121. Тошкент ҳақиқати. (1989-1990 йиллар).

122. Туркистон. (1997 йил).

123. Ўзбекистон овози. (1995-1997 йиллар).

124. Фарғона ҳақиқати. (1992-1996 йиллар).

125. Федеральная газета. М., 1999. (№ 9-10).

126. Ферганская правда. (1992-1996 йиллар).

127. Халқ сўзи. (1993-1998 йиллар).

Илмий нашр

Шавкат РАХМАТУЛЛАЕВ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ  
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ  
(1991-1996 йиллар)**

*“NISHON NOSHIR” – Тошкент, 2017 йил*

Бош муҳаррир: И. Қувондиқов  
Техник муҳаррир: Р. Қобилова

Нашр лизи №: А1 148, 14.08/2009  
Теринга 15.12.2016 йилда рухсат берилди. Босилга 22.12.2016 йилда рухсат этилди. Бичим: 60-84 1/16. Таймс  
гарнигураси. Шартли б.т. 12.36.  
Нашр б.т. 13.0. Алаан: 200 нуска. Буюрма № 86

“Nishon-noshir” нашриети, 100017, Тошкент шаҳри, Чилонзор-20, 3-24. E-mail: [nishon-noshir@mail.ru](mailto:nishon-noshir@mail.ru)

“Мухаммад Полиграф” да чоп этилди.  
Тошкент ш. А. Темур шох кўча 14-уй

